

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ
МИЛЛИЙ ФОЯ ВА МАФКУРА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

ТИНЧЛИК ВА
ОСОЙИШТАЛИК – ОЛИЙ
НЕЪМАТ



Тошкент 2013

УЎК: 323(575.1)

КБК: 66.4(0)

T-51

Дунёниг турли бурчакларида юз берадётган хунрезлик-ларнинг кети кўринмайди. Бу чиндан ҳам, шоирлар ташбех қилганидек, маҳаллий халқ «оҳ»идан кўтарилаётган алангами ёки жаҳон миқёсида аниқ мақсадларни кўзлаб шундай оловларга ўтиш қалаб, гугурт чақиб берувчи манфаатдор кучлар борми?

Уламолар ҳамда Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази ходимларининг мақолаларидан ташкил топган ушибу тўпламда тинч-осойишиша ҳаёт кечириб келаётган араб мамлакатларида кейинги пайтларда бўлиб ўтаётган давомли фожеий воқеалар мисолида таҳлилий хуносалар чиқаршига ҳаракат қилинади, юртимиздаги тинчлик ва ўзаро ҳамжисуҳатлик қадрига етишига даъват этилади.

Тинчлик ва осойишталик – олий неъмат / масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур; Ўзбекистон мусулмонлари идораси; Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2013. – 144 б.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўймитанинг 615-рақамли тавсияси билан чоп этилди.

УЎК: 323(575.1)

КБК: 66.4(0)

ISBN 978-9943-12-207-9

© «Movarounnahr» нашриёти, 2013

Усмонхон АЛИМОВ,
*Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раиси, муфтий*

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК – ОЛИЙ НЕЬМАТ

Юртбошимизнинг 2012 йилнинг 31 август куни Шаҳидлар хотираси майдонида бугунги кунда имом-хатибларга, уламоларга бўлган муносабат тубдан ўзгаргани ҳақида билдирган фикрлари барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлади. Ҳақиқатан, биз, дин вакиллари ҳозирги пайтда юрт тақдирига даҳлдорлик ҳисси билан яшаб, ён-атрофимизда бўлаётган ҳодисалардан огоҳ бўлиб, аҳоли ўртасида тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етиш, дунёning турли мамлакатларида, хусусан, айrim араб давлатларида давом этаётган “араб баҳори” бухронлари хусусида, уларнинг асл сабабларини тушунтиришда янада фаол бўлмоғимиз лозим.

Бугунги воқелик бизларни хотиржамлик, бепарвонлик ва лоқайдликка берилмасликка ундайди. Бугунги кунда тинчлик ва осойишталик тепасида раҳбарларимиз бор, кучимиз, салоҳиятимиз бор, хавотир қилишимиз керак эмас, деган фикрларга бор-масдан, тинчлик – бу улуғ неъмат экани ва унинг қадрига етиш, унга шукrona айтиш ва ҳаммани шунга чорлаш лозим бўлади. Яқин атрофимизда, хусусан, Афғонистонда юз бераётган воқеалар ва у ерда бўлаётган ўзгаришлар бизга қандай таъсир кўрсатиши мумкин, деган саволга барчамиз жавоб топишимиз

керак. Эҳтимол тутилган ҳар қандай хавф-хатар олдини олиш, зарур чораларни кўриш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканлигини кенг жамоатчиликка, хусусан, ёшларимизга англатишимиз лозим.

Зеро, ислом дини кишиларни тинчликни асраш ва барқарорликни таъминлаш йўлида имон, инсоф, адолат, ҳамжиҳатлик ва бирдамлик билан ҳаракат қилишга, фитна ва ўзаро адоватга барҳам беришга чақиради.

Тарихан қисқа давр, мустақиллик йилларида ўз кучимиз ва салоҳиятимизга таянган ҳолда муқаддас қадриятларимиз, тилимиз ва динимизни қайта тиклаб, бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳур ва эркин юртга айландик.

Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида янги-янги иншоотлар фойдаланишга топширилиши одат тусига киргани барчамизни жуда ҳам қувонтиради. Бир йил илгари мамлакатимиз ахолиси тезюарар поездига эришган бўлса, ўтган йили “Бунёдкор” спорт мажмуаси ва “Юрак хасталикларини даволаш маркази”нинг янги биноси халқимизга тухфа бўлди.

Айниқса, нафақат аҳолимиз, балки дунёдаги кўзга кўринган олим ва мутахассислар, нуфузли халқаро ташкилотларнинг мамлакатимизда мустақиллик йилларида илм-фан, тиббиёт, таълим-тарбия, шаҳарсозлик, қурилиш, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда қўлга киритилган улкан ютуқлар тўғрисидаги эътирофлари касб-кори ва ёшидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимизни чексиз ғурурлантирмоқда.

Албатта, мамлакатимизда рўй берадиган ривожланиш ва тараққиёт юртимизда ҳукм суроётган тинч-

лик ва хотиржамлик эвазига бўлаётганини, тинчлик эса ўз-ўзидан, осонлика келиб чиқмаслигини унумаслик керак.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, бу ютуқлар қандай қўлга киритилгани, халқимизга хос бўлган сабр-бардош, мамлакат келажагига қатъий ишонч, ҳамжиҳат-ҳамфирк бўлиб яшаш, тинчлик-тотувликни асраш, бағрикенг бўлиш, ўзаро меҳр-оқибат кўрсатиш каби улуғ фазилатлар ҳақида ахолига, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлодга сўзлаб беришимиз лозим. Токи бугунги мураккаб шароитда тинчликни асраш учун огоҳлик, сезирлик, хушёрлик ҳар қачонгидан кўра муҳимлигини тўлиқ тушуниб етсинлар.

Бинобарин, маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошлиаримизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз берадиган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллигига, тинч ва осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган кучларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди.

Атрофга назар ташлайдиган бўлсак, юртимизда бўлаётган бунёдкорлик, ободончиликни ва кундан-кунга гўзаллашиб бораётган гўшаларни кўриб, кишининг кўзи қувонади, дили яйрайди. Шуларни ҳис этарканмиз, муҳтарам азизлар, фарзандларимиз, набираларимиз бахти учун суюниб яшайлик, уларнинг ёшлиқ йиллари саодатли, шукуҳли замонга тўғри келганини уларга англатайлик, буларнинг барчасига шукр қиласайлик. Ёшларимиз ҳамманинг ҳавасини келтирадиган даражада билимли, истеъододли бўлиб вояга етишяпти. Буларнинг бари тинч-

лик-осойишталиқ, фаровон ҳаёт маҳсули, ёш авлоднинг илмли ва билимли бўлиши учун яратилган шарт-шароитлар натижасидир. Шуларни аввало, ўзимиз тўлиқ ҳис этиб, сўнгра фарзандларимизга тўғри тушунтирайлик.

Токи улар Худо берган бутун куч-ғайратим, ақлзаковатим ва истеъдодим, олган билим-тарбиямни мана шу юрт учун, ота-онам обрўси учун, дину диёнатим, эл кори учун сарф қиласман, деб ғуур ва ифтихор билан яшашга ўргансин, гўзал диёrimиз ривожига ҳар куни муносиб ҳиссасини кўшадиган бўлиб ўсиб-улгайсин.

Маълумки, тинчлик Аллоҳ таоло томонидан бутун инсониятга инъом этилган улуғ неъматdir. Ислом дини тинчлик тушунчасини ўзининг бош ғояси ва муҳим шиорига айлантиргани ҳам бежиз эмас, албатта. Аллоҳ таоло Қуръони каримда баён қиладики: “Эй имон келтирганлар! Барчангиз ёппасига тинчлик ишига киришингиз” (*Бақара*, 208).

Пайғамбаримиз Мұхаммад (соллаллоҳу алайхи ва саллам) тинчлик ва хотиржамлик ҳақида шундай деганлар: “Тинчлик ва хотиржамлик икки улуғ неъматdirки, бундан кўп одамлар бебаҳрадир” (*Ином Бухорий ривояти*).

Ҳақиқатан ҳам, Аллоҳ таолонинг бу улуғ неъматидан ҳамма ҳам баробар баҳраманд эмаслигини кўриб турибмиз. Чунки дунёнинг турли бурчакларида террорчилар томонидан ноҳақ қон тўкишлар соидир этилмоқда. Шундай мудҳиш воқеаларни қабих ниятли бузғунчи гуруҳлар юзага келтираётгани бутун дунё тинчликсевар халқлари қатори Ўзбекистон халқининг қалбини ҳам қаттиқ ларзага солади.

Шунинг учун ҳам биз доимо тинчлик ва меҳроқибатни ўзида мужассам этган муқаддас Ислом

динимизни пок сақлаш, турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўхтонлардан ҳимоя қилишини, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, Ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этишни долзарб вазифа сифатида биламиз. Шунингдек, Ислом динини ниқоб қилиб, ўзларининг ғаразли мақсадларига эришишга уринаётган ҳаракат ва қучларга қарши доимо сергак ва ҳушёр туриш зарурлигини таъкидлаймиз.

Зеро, Қуръони каримнинг Моида сураси 2-оятида “**Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз**”, дейилган. Бу ояти каримадан маълум бўладики, эзгу ният йўлида ҳамкорлик қилиш ер юзида тинчлик барқарор бўлишига бош омилдир.

Халқ орасида фитна қўзғатиш, тухмат ва иғво тарқатиш йўлидаги уринишлар тинчлик ва хотиржамликни издан чиқарувчи ҳодисалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, бундай ҳаракатлар Исломнинг моҳиятига мутлақо зид экани Қуръони каримнинг Бақара сураси 191-оятидаги “...**Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир...**” деган кўрсатма ҳамда Нур сурасининг 11–21-оятларида миш-миш тарқатганлар учун бу дунё ва охиратда тайинланган жазолар ҳақида хабар берилиб, унга ишонганлар ҳам қаттиқ маломат қилингани тўғрисида қайдлар келгани юқоридаги фикрларнинг нақадар тўғри эканини тасдиқлайди.

Огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш тинчликни таъминлаш, турли хил қўнгилсизликлар ва хавфу хатарлар олдини олишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Зеро, ғофиллик ва бепарволик турли нохушликларга замин яратади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло тафаккур қилмайдиган, ўзининг ким эканини англағетмайдиган, бугуннинг ҳузур-ҳаловати билан яшаб,

эртаси ҳақида қайғурмайдиган, бепарво ва беғам кимсаларни Аъроф сурасининг 179-оятида бундай таърифлайди:

“Жаҳаннам учун жинлар ва инсонларнинг кўпчилигини яратганмиз. Уларда қалблар бор, (лекин) улар билан «англамайдилар». Уларда кўзлар бор, (лекин) улар билан «кўрмайдилар». Уларда қулоқлар бор, (лекин) улар билан «эшитмайдилар». Ана ўшалар ҳайвонлар кабидирлар. Балки, улар (янада) адашганроқдиirlар. Айнан ўшалар гофиllардир”.

Ислом оламининг эътиборли уламолари мўътабар манбалар асосида бераётган раддияларни тан олмаётган турли йўналиш ва фирмаларнинг аъзоларини ҳам юқоридаги оятда зикр этилган кимсаларга қиёслаш мумкин. Тинчликни улуғ неъмат деб эълон қилган динимизда бу йўлда нафақат амал билан, балки сўз билан ҳам заарар келтиришдан қайтарилган. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилганлар: “Тили ва қўлидан мусулмон омонда (саломат) бўлган инсон ҳақиқий мусулмондир”.

Дарҳақиқат, мусулмон киши жамият учун фақат яхшиликни право кўрмоғи, ёмонликлардан тийилмоғи ва бошқаларга азият беришдан йироқ бўлмоғи зарур. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, сўз, яъни тилдан етадиган озор қўлдан етадиган заарардан аввал зикр этилишининг боиси шундаки, қўл билан бошқаларнинг фақат бу дунёси – саломатлиги, оиласи, мулкига заарар етказиш мумкин бўлса, тил билан эса, инсонларни турли бузғунчи ғояларга тарғиб қилиб, тўғри йўлдан чалғитишиш орқали уларнинг икки дунёсини барбод этиш хавфи бор.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги замоннинг ўзи воқеликка очиқ кўз билан, теран ва чуқур

мушоҳада юритган ҳолда назар ташлашни, ҳүшёр қарапши, жаҳонда ва ён-атрофимизда тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда. Шу боис юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгидга мураккаб ва таҳликали дунё ва минтақамизда, хусусан, давлатимизда рўй берадиган турли воқеа-ҳодисалар, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар ҳақида бирёзлама ва сохта тасаввур пайдо бўлишига йўл қўймаслик масаласи долзарб саналади.

Шунингдек, тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва Ислом дини моҳиятини сохталаштиришга, маънавий қадриятлардан йироқлаштиришга бўлган уринишлар олди олиниши зарур.

Шунинг учун халқимизни турли ғоявий таҳдидлардан асрар, айниқса, ёшларда мағкуравий иммунитетни ҳосил қилиш ва янада мустаҳкамлаш, турли воситалар орқали қадриятларимиз, миллий-диний анъаналаримиз, менталитетимизга ёт тушунча ва ғоялар кириб келиши, тарқалишига тўсқинлик қилиш барчанинг бурчи ва вазифаси ҳисобланади.

Биринчи навбатда, ёшлар тарбиясига алоҳида аҳамият беришимиз лозим. Чунки, кўпинча, ҳаётий тажрибаси ва билими кам, дунё воқеаларидан бехабар ёки нотўғри, ишончсиз маълумотларга эга, шахсий нуқтаи назари ва қараши шаклланиб ултурмаган ёшлар ахборот ва мағкуравий курашлар таъсирига тушиб қоладилар. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўғил-қиз онгига, аввало, Ватани ва оиласи олдидаги масъулият хиссини сингдиришга, уларни инсонпарварлик ва она юрга садоқат руҳида тарбиялашга устувор вазифа сифатида қараш керак.

Жамиятимизда яшаётган кишиларга динимизни мусаффо ҳолда етказиш, ёшлар ўртасида соғлом

турмуш тарзини қарор топтириш, уларни биз учун ёт бўлган мафкура ва ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ўз қатъий қарашлари ва эътиқодига эга, маънавий баркамол этиб тарбиялаш вазифаси доимо долзарб эканини унутмаслик лозим.

Шайх Абдулазиз МАНСУР,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раиси ўринбосари

БУЗГУНЧИ ОҚИМЛАРНИНГ СОХТА ДАҶВОЛАРИГА РАДДИЯЛАР

Истиқлол шарофати билан юртимизда диний ва миллий қадриятларимиз қайта тикланди. Диёrimiz мусулмонларининг асрий орзу-умидлари рўёбга чиқа бошлади. Муборак ҳаж ва умра сафарини ихтиёр этганлар учун кенг имкониятлар яратилди. Масжид ва мадрасалар эҳтиёжга яраша кўпайтирилди. Диний адабиётлар нашри йўлга қўйилди. Натижада, маънавиятимиз тобора юксалиб боряпти. Мамлакатимиз моддий ва маънавий жиҳатдан кун сайин тараққий этаётир. Лекин, афсус, бу неъматлардан фойдаланиб, шукр ўрнига ношукрлик қиласиган, ғанимларимиз ноғорасига ўйнайдиган, ўз юргига тош отадиган нобакорлар ҳам йўқ эмас. Айниқса, чет элларда бўлгани каби, бизнинг мамлакатимизда ҳам турли экстремистик, бузғунчи ақидапараст ва мутаассиб оқимларнинг ботил ақидаларига эргашиб залолатга кетган гумроҳлар ҳам борлиги кишини ранжитади.

Эрта баҳорда ердан бодраб чиқадиган қўзиқориндек пайдо бўлиб, сўнг саробдек сўниб йўқ бўлиб кетаётган янги-янги оқимларга бир назар ташласангиз, уларнинг илдизлари, асослари ва ғоялари узоқ тарихдаги хорижийлар, муржиийлар, рофизийлар, жаҳмийлар, қадарийлар, шия ва мўтазила каби бузғунчи тоифалар билан ҳамоҳанг эканини тушunasиз.

Юртимизда диний билими ўта саёз, турли фитна-фасод қўзғайдиган фикрлар ва ғояларни содда халқ онгига сингдиришга уринадиган чаласавод кимсаларга эргашиб кетмасликлари учун ёшларни тўғри йўлга солиш ва хушёрликка чорлаш, айниқса, биз уламолар, имом-хатибларнинг асосий бурчимииздир.

Жаноб Пайғамбаримиз Мұҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) умрларининг охирида ўзларидан кейин залолат йўлидан борадиган етмиш иккита фирмә пайдо бўлишидан огоҳлантирган эдилар. Бу сўзлар ўтган ўн тўрт аср давомида тасдиғини топди.

Юқорида санаб ўтилган тескарича фирмә ва оқимлар Исломнинг илк асрларида юзага келган бўлса, XX ва XXI асрларда ҳизбут-таҳрир, нурчи-лар, салафийлар, жиходчилар, такfirчилар ва ҳижратчилар каби ўнлаб адашган оқимлар пайдо бўлиб, дунё мусулмонлари ўртасида бузғунчилик қилиш япти. Турли жанжаллар, низолар чиқишига сабаб бўлмоқдалар.

Ҳижрат масаласида. Ҳижрат икки хил бўлади. Биринчиси: дин ва ҳаёт муҳофазаси йўлида амалга ошириладиган маконий ҳижрат, унга тааллуқли бир қатор оят ва ҳадислар ворид бўлган. Аллоҳ таоло бундай дейди:

“Зулму қийноқларга дучор бўлганларидан сўнг Аллоҳ йўлида ҳижрат қилган зотларни, албатта, бу дунёда ҳам гўзал (гўшаларга) жойлаштирурмиз. Энди охират ажр-мукофоти янада каттароқ эканини (одамлар) билсалар эди!” (*Наҳл*, 41).

Шу мазмундаги оялар Нисо (100-оят), Анфол (74-оят), Наҳл (110-оят) сураларида ҳам келган.

Иккинчиси: гуноҳ-маъсиятларни тарқ этиш. Шу маънодаги ҳижрат тўғрисида Пайғамбаримиз Мұҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир қатор

күрсатмаларни баён қилғанлар. Жумладан, Имом Бухорий ривоят қилған ҳадисда у зот: “Тили ва қўлидан мусулмонлар саломат бўлган инсон ҳақиқий мусулмондир. Аллоҳ таоло қайтарган нарсаларни тарк қилған инсон ҳақиқий муҳожирдир”, дейдилар. Имом Байҳақий Ибн Умардан (розияллоҳу анху) ривоят қилған ҳадисда: “Ҳижратнинг энг афзали – Раббинг ёмон кўрган нарсани тарк этмоғингдир”, дейилади. Ақидапараст гуруҳлар эса ҳижрат тушунчасини ўз мафкуравий қарашларига мос равища нотўғри талқин қилмоқдалар.

Бу кучлар таассубга берилган шахсларни дунёнинг нотинчлик хукм суроётган ва ўзлари қўним топган минтақаларига жамлаш ва шу орқали режалаштирилган геосиёсий мақсадларни амалга оширишга интилишяпти. Хусусан, улар илм ва маърифатдан йироқ жоҳил кимсаларни Ислом диёри бўлган, аzon айтиладиган, жума ва ҳайит намозлари ўқиладиган, хуллас, Исломнинг беш аркони эмин-эркин адo этиладиган, мусулмонлар тинчлик-хотиржамлиқда ҳаёт кечираётган Ватани тарк этишга тарғиб қилмоқдалар. Ваҳоланки, она юртини ташлаб, ўзга элларда сарсон-саргардон юриш, ўзи каби манқурт шахслар билан бирлашиб, киндик қони тўкилған юртига қарши қурол кўтариш Ислом таълимотига зид экани барчага маълум.

Абдуллоҳ ибн Умардан (розияллоҳу анху) ривоят қилинади: Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига бир киши келиб: “Ё Расулуллоҳ, мен ота-онамни йиғлаган ҳолида ташлаб, ҳижрат қилиш учун сизнинг ҳузурингизга келдим”, дейди. У зот эса: “Ота-онангнинг олдига қайтиб, уларни қандай йиғлатган бўлсанг, шундай кулдиргин”, деб жавоб берадилар (*Абу Довуд ривояти*).

Шаҳидлик масаласида. Ушбу сўз “ҳозир, гувоҳ, кўрган-билгандари ҳақида хабар берувчи” маъноларини ифодалайди. Шунингдек, “Шаҳид” Аллоҳ таолонинг сифатларидан бири бўлиб, “гувоҳлиги ишончли, ҳар доим ҳозир бўлувчи Зот” деган маъноларни англатади.

“Шаҳид” сўзининг яна бир маъноси ўзга шахс томонидан ноҳақ ўлдирилган мусулмондир. Кишининг ўзини ўзи ўлдириши, гарчи нияти дин йўлида деб эълон этилса-да, “ўз жонига суиқасд қилиш” деб баҳоланади.

Ўзини ўзи ўлдириш – бу ўз ҳаётини қасдан тўхтатишидир. Шариат нуқтаи назаридан бу ҳаракат қаттиқ қораланади, Парвардигор берган ҳаётга тажовуз қилиш даражасидаги гуноҳи кабира ҳисобланади.

Аллоҳ таоло огоҳлантиради: “**Кимда-ким қасдан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишидир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаънатлагай ва унга улкан азобни тайёрлаб қўйгай**” (*Niso, 93*).

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Ким ўзини тоғдан ташлаб ўлдирса, у жаҳаннам ўтида абадий, доимий йиқилиб азобланади. Ким заҳар ичиб, ўзига суиқасд қилса, жаҳаннам ўтида қўлидаги заҳарни ичган ҳолда абадий азобланади. Ким ўзини темир билан ўлдирса, жаҳаннам ўтида темирини қорнига урган ҳолда абадий азобланади” (*Имом Бухорий ривояти*).

Ҳозир баъзи гуруҳ ва шахслар “ўзини ўлдириш” тушунчасини шаҳидлик билан қориштириб талқин қилишяпти. Шахснинг маълум мақсадлар йўлида ўзини ўзи ўлдириши “шаҳидлик амалиёти” деб ба-

ҳоланиши айни адашишдир. Ёвуз ниятли кучлар ўз ҳаракатларини оқлаш мақсадида келтирган барча далилларни Ислом уламолари қоралашган ва асосиз деб топишган.

Жиҳод масаласида. Ушбу сўз араб тилидан таржима қилинганда “ғайрат қилмоқ”, “ҳаракат қилмоқ”, “интилмоқ”, “зўр бермоқ”, “бор кучини сарфламоқ”, “курашмоқ”, “мехнат қилмоқ” каби маъноларни ифодалайди.

Дастлаб “жиҳод” дейилганида Исломни ҳимоя қилиш ва ёйиш учун кураш тушунилган. Бу сўзнинг истилоҳий маъноси “душмандан ҳимояланишда қўли, тили ёки кучи билан курашишдир”. Ибн Рушд “Муқаддимот” асарида жиҳоднинг турларини тўрт қисмга ажратади: қалб, тил, қўл ва қилич билан курашишдир. Умумий қилиб айтсан, жиҳод нафсга, шайтонга, босқинчиликка ва барча ёвузликларга қарши курашишдир.

Макка даврида Пайғамбаримиз (алайхиссалом) Аллоҳ таолонинг: “(Эй Мұхаммад), **Раббингизнинг йўлига (динига) ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват қилинг!** Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг!” (*Наҳл*, 125) деган кўрсатмаси асосида фаолият олиб борганлар. Сўнгра Макка мушрикларидан қасос олиш ниятида улар билан жанг қилишга рухсат берилди. Аммо булар босқичмабосқич, сиёсий вазият тақозосига кўра нозил бўлган илоҳий кўрсатмалар эди. Зеро, ўша пайтда мусулмонларга қарши бўлган Макка мушриклари Ислом динини йўқ қилиш, барпо қилган жамиятларини эътироф этмай, уларни тор-мор қилиш мақсадида амалий ҳаракатларни олиб бораётган эдилар.

Агар “жиҳод” ислом давлатини қуриш учун ёки инсонларни динга киришга мажбурлаш учун жорий

этилганида эди, Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари бу борада намуна кўрсатган бўлур эдилар. Яъни, у зот биринчи бўлиб Маккадаги мушрикларнинг катталари билан урушган, Ислом давлатини барпо этиш учун жиҳод эълон қилган бўлардилар. Бироқ Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай йўл тутмадилар. Аксинча, мусулмон жамияти тинч йўл билан, табиий равишда юзага келгач, унинг ҳимояси учун жиҳодга чикканлар.

Мана шундан келиб чиқиб, жиҳод мусулмонлар Ватани ва динини ҳимоя қилиши учун жорий этилганини хulosса қилсак бўлади. У йўқ нарсани амалга ошириш учун эмас, балки бор нарсани ҳимоя қилиш учун жорий қилинган.

Ҳозир эса бузғунчи тоифалар ўзлари илгари сураётган ғояга эришиш мақсадида янги “жиҳод” турларини ўйлаб топиб, улардан фойдаланишга уринмоқдалар. Улар кўпгина мусулмонларнинг Ислом аҳкомларини билмаслиги, илмий савияга эга эмаслигидан фойдаланиб, “жиҳод – муқаддас уруш” деган тушунчани тарғиб қилиб, ноҳақ қон тўкилишига сабабчи бўлишади. Бунга дунёning турли чеккаларида “жиҳод” ниқоби остида содир этилаётган қўпорувчилик ҳаракатлари мисол бўла олади.

Мазҳабсизлик. XX аср сўнгида мусулмон оламида Ислом ниқоби остидаги бузғунчи гурухлардан ташқари яна бир янги таҳдид – мазҳабсизликка чақиравчилар тоифаси намоён бўлди.

Ушбу ҳаракат тарафдорлари даъво қилишларича, Исломда суннийликдаги тўрт фиқҳий мазҳабнинг бирига эргашиш шарт эмасмиш. Агар мусулмон бирор шаръий масалада улардан бирининг йўлини тутса, у кўр-кўронга тақлид қилгани учун хатокор, му-

таассиб ва диндан ажралган фирмә ва гурухлардаги шахслар каби адашганлардан бўлар эмиш. Бу тоифа кишилари фиқҳий мазҳабларга ёки бирор-бир мужтаҳид имомга эргашиш Аллоҳни қўйиб, уларни рабб қилиб олишдир, деган иддаони илгари суришади. Афсус, улар ҳар бир мусулмон якка тартибда “ижтиҳод” қиласкерадиган бўлса, мазҳаблар сони тўртта эмас, мингтадан ҳам ошиб кетишини тан олишмайди.

Имом Аҳмад (раҳматуллоҳи алайҳ): “Ким динда тақлид йўқ деса, Аллоҳ ва Унинг Расули олдида фосиқдир. Унинг сўзи Сунна ва солих салафлар қарашларини рад қилишдир”, деганлар.

Такfir. Бу ибора арабча “куфр” сўзи ўзагидан олинган. Луғатда “инкор қилиш”, “ёпиш”, “каффрат бериш” каби маъноларни англатади. Истилоҳда эса мўмин кишини асоссиз сабаблар билан кофирга чиқариш демакдир.

Қуръонда “куфр” сўзи бир неча ўринларда келган. Бир жойда кофириликни билдирса, бошқа жойда ношукрликни ифода этади. Аллоҳ таоло киши изтиорий ҳолатда, яъни мажбурланган пайтда “куфр” сўзини айтиб қўйса, уни азобламаслигини ҳам баён қилган. Бу борада Савбондан (розияллоҳу анҳу) Набиининг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Менинг умматимнинг хато қилган, эсдан чиқарган ва мажбурланган ҳолатда қилган ишидан қалам кўтарилди”, деган машҳур ҳадис ривоят қилинади.

Имом Бухорий “Саҳиҳ”идаги бир боб “Жоҳилият ишларидан бўлиб, куфр саналмайдиган гуноҳлар боби” деб номлангани ҳам мусулмон инсон гуноҳ содир этиш билан Исломдан чиқмаслигига ишора қиласади. Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра, катта (кабира) гуноҳ содир этган мўмин киши қилган иши-

ни ҳалол санамас экан, кофир бўлмайди. Шунингдек, тўрт мазҳаб уламолари иттифоқига кўра, катта гуноҳ содир этган шахс дўзахда ҳам абадий қолмайди.

Мусулмонни кофир санашдан келиб чиқадиган хатарлар боис Қуръон ва Суннада бирорларни кофирга чиқаришдан қайтарилади. Аллоҳ таоло бундай дейди: «**Эй имон келтирганлар! Аллоҳ йўлида сафарга чиққанингизда аниқ иш тутингиз! Сизларга салом берган** (ёки таслим бўлган) **кишига** бу дунё матоҳини (ўлжани) **кўзлаб: “Мўмин эмассан”, демангиз!** Аллоҳнинг ҳузурида кўп ўлжалар (бордир). Илгари сизлар ҳам шундай (имонингизни сир тутар) **эдингиз, (сўнгра) сизларга Аллоҳ неъмат ато этди.** Бас, аниқлаб иш тутингиз! Албатта, Аллоҳ (барча) **ишларингиздан хабардордир**» (*Niso*, 94).

Ҳадиси шарифларда ҳам ўзга шахсни куфрға чиқаришдан огохлантирилади. Жумладан, Имом Бухорий Ибн Умардан (розияллоҳу анху) ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: «Агар киши биродарига “Эй кофир”, деса, у (сўз) иккисидан бирига қайтади». Абу Заррдан (розияллоҳу анху) ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Ҳеч бир киши бошқа кишини фосик, кофир, деб айбламасин. Агар у киши бундай бўлмаса, айтган гапи ўзига қайтиб келади”. Жумҳур қалом ва фикҳ уламолари иттифоқига кўра, қибла аҳли бўлган мусулмонни кофирга чиқармаслик керак. Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) қибла аҳлларидан бирор кишини кофирга ҳукм қилмаганлар.

Бир мусулмоннинг бошқа бир мусулмонга қони, обрёси ва моли ҳурматли бўлиши лозим. Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) видо ҳажида

айтган ушбу гаплари буни тасдиқлайди: “Албатта, сизларнинг қонларингиз, молларингиз ва обрўларингиз ўзларингиз учун худди шу кунингиз, шу ойингиз ва шу шаҳрингиз каби муҳаррамдир. Шу ерда ҳозир бўлган киши ҳозир бўлмаганларга етказсин”.

Халифа Али (розияллоҳу анҳу) даврида пайдо бўлган хорижийлар фирмаси такфир тушунчасини ўзларига эргашмаганларга нисбатан қўллаган. Улар олдин ҳазрат Алиниңг (розияллоҳу анҳу) ашаддий тарафдорлари эдилар. “Сиффиийн” жангидан сўнг ўн икки минглик қўшин билан ажралиб чиқиб, ҳазрат Алига ва Муовияга қарши баробар кураш бошлашган.

Хорижийлар қурол ишлатиш билан ўз эътиқодини ёйиш ва ҳокимиятга эришишни мақсад қилишади. Улар мусулмонларни ўлдиришни ҳалол санашган. “Жамал воқеаси” иштирокчилари, Усмон, Али, Муовия, Амр ибн Ос, Абу Мусо каби саҳобаларни ҳам куфрда айблашади. Катта гуноҳ қилган кишини коғирга чиқариб, уларнинг авлоди, моли ва жонини ўзларига ҳалол санашган. Хорижийларнинг такфир тушунчаси орқали минглаб мусулмонлар, жумладан, ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) ҳаётига ҳам тажовуз қилинган.

Ислом уламолари хорижийларнинг катта гуноҳга оид даъволарини таҳлил этиб, уларнинг гаплари исломий тушунчалардан жуда йироқ эканини таъкидлашади. Ислом тарихида хорижийлар қўллаган услугуб бугун ҳам жиҳодий жамоалар мафкурасида давом эттириляпти. Улар ўзларига эргашмаган шахслар ва тузумларни коғирлиқда айблашади. 2005 йил июл ойида Оммон (Иордания) шаҳрида Ислом олами етакчи уламолари қабул қилган фатвода: “Тўрт сунний мазҳабга эътиқод қилувчиларнинг барчаси

мусулмон ҳисобланади. Уларни имонсизликда айблаш, жонига, номусига ва мулкига қасд қилиш жоиз эмас”, деб эълон қилинган.

Шайх Юсуф Қарзовий мусулмонни кофирга чиқариш ҳақидаги саволга бундай жавоб беради: “Ким Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад (алай-ҳиссалом) Унинг Расули эканига қалби билан тасдиқлаган ҳолда гувоҳлик берса, мусулмондир. Унга тўлалигича мусулмонларга қилинадиган муомала қилиниши лозим”.

***Абдураззоқ ЮНУСОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раиси ўринбосари***

ҚАЛБ ДАЪВАТИ БИЛАН

Аллоҳ таолога беадад шукроналар бўлсин, диё-римизнинг истиқлолга эришуви ва жамиятимизда рўй берган ижобий ўзгаришлар мамлакатимиз мусулмонлари ҳаётида ҳам улкан бурилишларга сабаб бўлди. Аллоҳ таоло: «Раббингизнинг (Сизга ато этган барча) **неъмати ҳақида эса** (одамларга) **сўзланг!**» (Зуҳо, 11), деб марҳамат қилган.

Масжид ва мадрасаларнинг бинолари, осори ати-қалар, тарихий манбалар мусулмонларга қайтариб берилди. Ҳозир диёримизда икки мингдан ортиқ масжид расмий фаолият юритмоқда ва мусулмонларнинг эмин-эркин ибодат қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Алҳамдуиллоҳ, ҳар йили юртдошларимиздан беш минг нафар киши муборак ҳаж ва тўрт мингдан зиёди эса умра ибодатини адо этиш бахтига муюссар бўлмоқда. Истиқлолдан олдин бу фақат орзу эди.

Диёримиздан етишиб чиқкан уламолар қолдирган бебаҳо илмий меросни мустақиллик шарофати или ўрганиш имкониятига эга бўлдик. Ислом дини, илм-фан ва жаҳон маданияти равнақига улкан ҳисса қўшган Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Аҳмад Фарғоний каби буюк аждодларимизнинг таваллуд тўйлари кенг ни-

шонланди, табаррук қадамжолари обод қилинди, асарлари минглаб нусхада нашр этилди.

Истиқлол йилларида диний таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди. Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти ва ўнга яқин ўрта-маҳсус Ислом билим юрти талабалари динимиз тарихи, Қуръони карим, ҳадис, фикҳ илмлари билан бир қаторда дунёвий фанлардан ҳам сабоқ олишяпти. Президентимиз Фармони билан 1999 йили Тошкент Ислом университети ташкил этилиши ҳам муҳим воқеа бўлди.

Эзгу ишлар натижасида юртимиз кундан-кунга чирой очмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилаёттир. Келажак авлодга боболардан мерос бўлиб қолган бетакрор меъморий санъат намуналари – қадимий обидаларни бус-бутун ҳолда етказиш учун саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Бугун азим Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Ҳазрати Имом даҳаси обод масканга айланган. Маълумки, бу макон қадимдан диёримизнинг илму ирфон таратиб келган жойларидан биридир.

Бу ерда Қаффол Шоший мақбараси, ўз даврида юзлаб олиму донишлар етишириб берган Бароқхон мадрасаси, шарқу ғарбдан келаётган сайёҳларни ҳайратта солаётган, Ислом оламидаги энг ноёб дурдона – Усмон Мусҳафи сақланаётган Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси, «Тилла Шайх» жоме масжиди, Тошкент Ислом институти жойлашган.

Ҳазрати Имом даҳасини ободонлаштириш, бу ерда ёдгорлик мажмуини барпо этишга киришилгач, зудлик билан катта бунёдкорлик ишлари бошлиниб кетди. Қаффол Шоший мақбараси ва Бароқхон

мадрасасида кенг кўламда таъмирлаш ишлари олиб борилди.

«Тилла Шайх» жоме масжиди ва унинг ёнида жойлашган Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси биноси қайта тикланди. Идоранинг барча қулийликларга эга ва замон талаблари даражасида жиҳозланган янги биноси, Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти, икки гумбазли ва қўш минорали «Ҳазрати Имом» жоме масжиди ҳам жуда қисқа фурсат ичидаги қуриб битказилди ва фойдаланиш учун топширилди.

Албаттa, бу ишларни амалга оширишдан асосий мақсад диний ва миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, уларни келажак авлодга асл ҳолида етказишидир. Дарҳақиқат, бундай хайрли ишлар аввало, Аллоҳнинг фазлу инояти туфайли амалга оширилади, қолаверса, бу йўлда тер тўкиб хизмат қилиш ҳар бир мусулмон учун юксак шарафdir.

Муҳтарам Президентимиз ўз маърузаларининг бирида бундай деган эдилар: "...Биз она заминимиз бағридаги ҳар бир моддий ва маънавий мерос намунасини кўз қорачигидек асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича қилаётган бу ишларимизни кимгадир намойиш қилиш, кўз-кўз этиш учун эмас, аксинча, келажагимизни ўйлаб, онгимиз ва қалбимиз даъвати билан амалга оширмоқдамиз. Токи эртага бизнинг ўрнимизга келадиган, биз бошлаган олижаноб ишларни муносиб давом эттиришга қодир бўлган ёшларимиз ана шу бебаҳо маънавий бойликтан баҳраманд бўлсин, шу асосда ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини англаб етсин».

Айдарбек ТУЛЕПОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раиси ўринбосари

ЮҚОРИ БАҲО ВА ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

2012 йил 31 август куни Тошкентдаги “Шаҳидлар хотираси” майдонида Президентимиз уламолар, нуроний отахонлар ва жамоатчилик вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда мамлакатимиздаги осоийишталиқни қўшни ва араб давлатларида бўлаётган нотинчилклар мисолида теран англаш ҳамда бу борада уламолар, имом-хатибларининг вазифалари тўғрисида алоҳида тўхтадилар.

Давлатимиз раҳбарининг “Имом-хатибларнинг ён-атрофимиизда бўлаётган ўзгаришларни чуқур англаб, халқимизга теран тушунтириб бериш борасидаги долзарб вазифаларини жуда юқори баҳолайман”, деган гаплари шахсан мени ниҳоятда тўлқинлантирди ва янада жадалроқ, самаралироқ меҳнат қилишга рағбат уйғотди. Ушбу масала юзасидан қуидаги фикр-мулоҳазаларни билдириш ва имом-хатибларга зарур тавсиялар беришни лозим деб топдим.

Энг улуг неъмат

Истиқлол боис мўмин-мусулмонлар барча диний ибодатларини эмин-эркин адо этаётганлари улкан баҳт ва олий саодатдир. Ўтган йиллар мобайнида дин соҳасида жуда катта ишлар қилинди. Ҳукуматимизнинг узоқни кўзлаб олиб бораётган

оқилона сиёсати сабаб мураккаб ва шарафли йўллар босиб ўтилиб, юқори натижаларга эришилди.

Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг маънавияти ва диний қадриятлари қайта тикланди. Мустабид тузум даврида қатағон қилинган юзлаб юртдошларимиз, Ватанимизнинг фидойи фарзандлари хотираси абадийлаштирилди.

Энг улуг ва энг азиз – Мустақиллик байрами олдидан бугунги нурафшон кунларга етишувимиз, Ватан озодлиги, юрт тараққиёти йўлида жон фидо қилган аждодларимизни хотирлаш, уларнинг руҳи покларини шод этиш мақсадида 2001 йилдан буён мамлакатимизда 31 август Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида кенг нишонланмоқда.

Бундай муборак масканларни зиёрат қилиш киши руҳини қувватлайди, яхшиликнинг умри абадий экани ҳақида ўйлашга ундейди. Шундай зиёратгоҳлар ва қадамжолар бугунги тинч ва хотиржам ҳаёт, тўкинлик ва фаровонликка оғир синовлар ва машаққатлар эвазига эришганимизни ёш авлоднинг қалби ва онгига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қиласиган маънавият ва маърифат масканлариридир.

Шу боис мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асраримиз, Ватанга садоқат сингари тушунчаларни ёшларимиз онгига сингдиришимиз керак. Улар оқни қорадан, ҳақни ноҳақдан, ҳалолликни нопокликдан ажратса олсин. Зоро, бундай таълимотлар онгига муҳрланган, дунёқарashi кенг, ҳар жиҳатдан билимли, зукко, ҳамиша огоҳ авлодни ғанимлар енголмайди.

Дарҳақиқат, динимиз тинчликни бебаҳо неъмат деб улуғлайди. Шунинг учун ҳам Қуръони карим оятлари кўп бора тинчликка даъват қиласиди. Аллоҳ таоло бундай дейди: “**Эй имон келтирғанлар! Ёппасига**

тинчлик ишига киришингиз!..”(Бақара, 208). Оятдаги “ёппасига” сўзи тафсир китобларида келтирилишича, бир томондан, барча инсонлар ахилликда тинчлик йўлини тутишлари кераклиги, иккинчи томондан эса, уни барқарор қилиш учун барча ҳисса қўшиши зарурлигини билдиради.

Шу билан бирга, Аллоҳ таолонинг “**У (ер)га соғсаломат, тинч-омон кирингиз!**” (Ҳижр, 46), деган оятида жаннат аҳлининг абадий ҳаёти тинчлик, осудалик ва саломатликда бўлиши таъкидланган. Демак, бу оят бизга тинчлик ва омонлик нафақат бу дунёда қадрли, балки жаннатда ҳам жуда улуғ неъмат эканини ҳамда Ер юзи инсонлар учун фаровон, ўзаро тутув ва ҳамжиҳат яшаш учун яратилганини билдиради.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларининг бирида: “Икки неъмат борки, кўпчилик унинг қадрига етмайди. Улар тинчлик-хотиржамлик ва сиҳат-саломатликдир”, дейилади. Ушбу ҳадис Аллоҳ таолонинг улуғ неъматлари – тинчлик-хотиржамликнинг қадрига етиш, хушёр ва эътиборли бўлишга чақиради. Берилган неъматни эътироф этиш, унинг қадрига етиш, эъзозлаш, асраб-авайлаш шукроналикнинг асл моҳиятини ташкил этади.

Юртда осойишталикни таъминлаш учун сабрматонат ва ахил бўлиб яшашнинг ўрни жуда катта эканини Президентимиз мазкур мулоқотда қайд этиб ўтдилар. Қуръони каримда бундай дейилади: “**Аллоҳга ва расулига итоат қилингиз ва низолашмангиз, акс ҳолда сустлашиб кетурсиз ва “шамолингиз”** (обрўйингиз) **кетиб қолур. Сабр қилинглар, албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир**” (Анфол, 46).

Муфассирлар ушбу оятга қуйидаги ҳадиси шарифни ҳам келтирганлар: “Менинг умматим ёппа-

сига адашиб, залолатга тушиб қолмайды. Қачонки улар орасида қарама-қаршиликни күрсөнгиз, сизлар күпчилик томонда бўлингиз!” дейилган (*Ином Термизий ривояти*).

Кўриниб турибидики, Куръони карим ва ҳадиси шарифлар инсонларни ҳеч қачон бўлиниб яшашга, ўзаро ихтилоф қилиб, адоватда бўлишга чақирмас экан. Балки кишиларни бирдамликка даъват этиб, тарихдаги нохуш воқеалардан ибрат олишга, қилинган хатоларни қайтармасликка тарғиб қиласди.

Ином-хатибларга тавсиялар

Шу йил 31 август куни “Шаҳидлар хотираси” майдонида Юртбошимиз уламолар, нуроний отаҳонлар ва жамоатчилик вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда мамлакатимизда истиқлол йилларида эришилган улкан ютуқлар, эл-юритимиз ҳаёти, одамларимизнинг онгу тафаккурида рўй берган ўзгаришлар, жаҳондаги сиёсий, ижтимоий-иктисодий вазият тўғрисида сухбатлашдилар. Ушбу мулоқотда муҳтарам Президентимиз билдирган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, имом-хатиблар қуидаги вазифаларни бажаришини юксак масъулият деб ҳисоблайман:

– жума мавъизаларида бугунги кунда дунёning турли минтақаларида, хусусан, араб мамлакатларида содир бўлаётган нохуш воқеалар ва бундай фитналар ортида қандай ғаразли кучлар турганини, бу каби тартибсизликларнинг мўмин-мусулмонлар аҳиллигига салбий таъсири ҳар қандай оқил инсонларни катта ташвишга солишини ҳамда турли мөжаролар, қонли тўқнашувлар қайси мамлакатда рўй бермасин, Ислом дини таълимотларига бутунлай зид эканини мўмин-мусулмонларга етказиш;

– бу воқеалар биздан узоқда, деб уларга лоқайдлик билан қарамаслик, бундай бало бир мамлакат ёки минтақа доирасида чегараланиб қолмай, вақтида бартараф этилмаса, тобора кучайиб, бошқа мамлакат ва минтақаларга ҳам ёйилиши, шунинг учун дунёда бўлаётган воқеалардан ҳамиша огоҳ бўлиш, осойишта ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, уни янада мустаҳкамлаш учун ҳар бир инсон ўз ҳиссасини қўшиши йўлида самарали иш олиб бориш;

– мамлакатимиздаги тинчлиқдан хотиржамликка берилишга, огоҳлик ва сезгириликни бир зум бўлса-да йўқотишга ҳеч кимнинг мутлақо ҳаки йўқлиги, осойишталикни асраб-авайлаш фақат муайян соҳа ходимларининг вазифаси эмас, балки бутун ҳалқимиз жисп бўлиб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиши, “Ўз уйингни ўзинг асра”, деган ҳикматли ибора орқали тинчлик учун курашиш кераклигини, уни ташқаридан келиб ҳеч ким таъминлаб бермаслигиги ёшларимизга ҳар тарафлама уқтириш;

– ҳалқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етиш, дунёning турли мамлакатларида кечаётган ўзгаришлар, юз бераётган нохуш воқеалар моҳиятини, уларнинг асл сабабларини тушунтириб боришда имом-хатибларнинг ҳам ўрни ва аҳамияти катта бўлиши зарур;

– шуни алоҳида таъкидлаш жоиз, бугунги имом-хатиблар илмий-амалий салоҳияти жиҳатидан бундан 15–20 йил олдингиларидан жиддий фарқ қилиши керак. Изланиш ва ҳаракатдан тўхтаган имом замондан орқада қолиши аниқ. Шунинг учун ҳам имомлар ўз устида мунтазам ишлаши, касб маҳорати, билим савиясини ошириб бориши зарур.

– Самарқанддаги Имом Бухорий ҳалқаро марказида ташкил этилган ўқувлар бу борада мухим

аҳамият касб этмоқда. Бугунги имом-хатиблар ҳам юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаб, ён-атрофда содир бўлаётган ҳодисалардан доим хабардор бўлишлари ва бу ҳақдаги теран тушунчаларни намозхонларга муntазам етказиб туришлари зарур;

– Имом Бухорий халқаро марказида таҳсил олган имом-хатиблар халқимиз, она-Ватанимизга қанчалик манфаатлари етаётгани ҳақида бир ўйлаб кўришлари керак. Энди улар фақат масжид фаолияти билан чекланиб қолмай, балки жамиятнинг барча маънавий-маърифий қатламларида фаол иштирок этишлари лозим;

– мустабид тузум даврида имомлар бутунлай ижтимоий ҳаётдан суриб ташланган эди. Бугун имом-хатибларга бўлган муносабат тубдан яхши томонга ўзгарди, уларга маърифат ва маънавият тарғиботчилари деб қаралаётганини чуқур англашлари, қадрлашлари керак;

– кишиларни фақат тинчлик-хотиржамлик неъматига суюнтириб қўймасдан, балки кенг жамоатчиликка баъзи давлатларда юз бераётган нотинчилкларни мисоллар билан тушунтириб, огоҳликка чақириб, осойишталиктининг қадри нечоғли улуғ экани ва бу неъматни кўз қорачиғидай асрашга ҳар бир фуқаро масъул эканини англатиш. Шу билан бирга, неъматларга шукр қилишга тарғиб қилиш;

– тегишли соҳаларнинг етук мутахассисларидан унумли фойдаланиш мақсадида жойлардаги имом-хатибларнинг ойлик йиғилишларига уларни жалб этиш ва ҳар бир имом-хатиб ҳозирги ислоҳотлар жараёни ҳамда тинчлик-осойишталик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдириши;

– ҳаж ва умра сафарларига отланаётган имом-хатиблар ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш-

лари ва зиёратчиларга атрофлича тушунчалар бे-ришлари ҳамда бу борада хукуматимиз яратиб бе-раётган қулайликларни ҳожиларга, кенг оммага тарғиб этиш;

– қўшни давлатлардаги нотинчликлар, айниқса, мусулмонлар ўртасидаги ихтилофлар ва уларнинг сабабларини, заарли оқибатларини халқимизга ат-рофлича тушунтириш;

– тинчлик-осойишталиқ бор жойда одамлар яхши яшайди, шукrona қилади. Шунингдек, тараққиёт ҳам, фаровон жамият ҳам осуда ҳаёт асосида бунёд бўлади.

Мақолани муҳтарам Президентимизнинг қуйидаги сўзлари билан якунлайман: “Биз учун бебаҳо бойлик бўлмиш тинчлик ва осойишталиқни, жамиятимиздаги меҳр-оқибат, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни кўз қорачигидек асрраб-авайлаш ҳамиша эътиборимиз марказида туриши лозимлигини асло унутмаслик керак”.

ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИК – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Қайси бир юртда тинчлик ва осойишталиқ ҳукм сурса, ўша ерда тараққиёт бўлади. Биз эришаётган ютуқлар замираida ҳам ана шу тинчлик-осойишталиқ ётади. Агар истиқлоннинг ўтган йилларга назар ташласак, пойтахтимиз, вилоятлар марказлари, шаҳар, қишлоқларимиз, ҳатто энг чекка ҳудудларда ҳам катта ўзгаришлар рўй берганига гувоҳ бўламиз. Юртимиздаги хотиржамлик ва барқарорлик туфайли хонадонларда тўю томошалар, байраму шодиёналар бўлмоқда. Бу неъматларга чин маънода шукrona қилиш ва уларнинг қадрига этиш керак. Чунки бу-

гунги кунда айрим юртлардаги нотинчликлар оқибатида бегуноҳ одамлар азият чекмоқда.

Маълумки, 2011 йилнинг баҳор ойларида араб ўлкаларида бошланган низо ва қарама-қаршиликлар ҳали-ҳануз давом этмоқда. Бунинг оқибатида минглаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлмоқда. Муқаддас динимиизда ҳеч қандай гуноҳи, айби бўлмаган одамнинг ҳаётига зомин бўлиш бузғунчиликнинг энг улкан кўриниши хисобланади. Аллоҳ таоло бундай огоҳлантиради: **“Кимки бирон жонни ўлдирмаган ва ерда бузғунчилик қилиб юрмаган одамни ўлдирса, демак, гўё барча одамларни ўлдирибди ва кимки унга ҳаёт ато этса** (яъни ўлдиришдан бош тортса), демак, гўё барча одамларга ҳаёт берибди» (Moида, 32). Демак, минглаб бегуноҳ кишиларнинг умрига зомин бўлаётган кимсаларнинг гуноҳи улкандир.

Қуръони карим таълим берадики, ҳар қандай шаклдаги зулм ва зўравонлик Ислом динига бутунлай зид. Бирор мусулмон ана шундай жиноятни содир этиши асло мумкин эмас. Шунингдек, солиҳ киши бошқа одамларни жиноят содир қилишдан қайтаришга Аллоҳ таоло олдида масъулдир. Ҳар бир имонли кишининг бурчи – ер юзида бузғунчиликка йўл қўймаслик, дунёда фаровонлик ва осойишталикни қарор топтириш учун ҳаракат қилишдан иборатдир.

Юртбошимиз бу ҳақда шундай деганлар: **“Бугунги кунда дунёning турли минтақаларида, хусусан, араб мамлакатларида содир бўлаётган ноҳуҳш воқеалар ҳар қандай соғлом фикрли инсонни чукур ташвишга солади. Турли можаролар, ўзаро қарама-қаршиликлар, қон тўкилишлар жаҳоннинг қайси мамлакатида рўй бермасин, бундан кўнглимиз ғаш тортади. Дилни хира қи-**

ладиган бундай воқеалар биздан узоқда, деб унга лоқайд қараш хомхаёлликдир. Нега деганда, бундай бало бир мамлакат ёки минтақа доирасида чегараланиб қолмайди, вақтида бартараП этилмаса, тобора кучайиб, бошқа мамлакат ва минтақаларга ҳам ёйилиши мумкин. Шунинг учун дунёда бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан огоҳ бўлиш, она-Ватанимиздаги тинч, осойишта ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, шу фаровон, осуда ҳаётни янада мустаҳкамлаш учун ҳар бир инсон ўз ҳиссасини қўшмоғи, эл-юрг тақдири, келажаги учун дахлдорлик туйғусини дилига жоқилмоғи даркор¹”

Ички ва ташқи сабаблар

Жаҳондаги нотинч мамлакатлар, хусусан, айрим араб мамлакатларида содир этилаётган ғалаёнлар ва қўпорувчиликларнинг ички ва ташқи сабаблари бир неча омиллар билан изоҳланади:

Юз берадиган ноҳушликларнинг ички сабаблари асосан қуидагилар:

Барқарорликни таъминлашга лоқайдлик, бепарвонлик билан қараш, бу борада тегишли маънавий-маърифий ва амалий ишларнинг амалга оширилмаганидир. Шунингдек, ўз ҳолига ташлаб қўйиш, отона, оила ва жамият назоратидан четда қолдириш оқибатида ёшлар ёвуз кучлар найрангларига алданубин қолишаётган.

Аҳоли орасида бой ва камбағалларнинг кескин табақаланиб кетиши, ишсизларга эътибор қаратмаслик ҳамда ижтимоий тадбирларнинг суст олиб борилиши асосий сабаблардан бири бўляпти.

¹ ntt: news. olamiz. 1 сентябр, 2012 йил 31 августда “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуида бўлиб ўтган сухбатдан

Интернет тармоғидаги айрим сайлар ушбу давлатларда тұс-тұполонлар авж олишига құмаклашды. Чунки бундай сайларға зымдан тинчликни издан чиқаришга даъват этадиган күп материаллар жойлаштирилган ва бу йұналишдаги мұлоқотлар мунтазам олиб борилған.

Әнди ташқи күчлар таъсирига келсак, улар мамлакатдаги тайёр етилиб турған оғир вазиятта олов пуркаб, тұполонларни пайдо қилиб, ўз мақсадларини амалға ошириш учун қулай вақт келгунга қадар пайт пойлаб туришмоқда.

Ушбу манфур күчларнинг ғаразли мақсадлари жуда күп. Масалан, ғалаёнлар юз бераёттан араб мамлакатларига назар солинса, уларнинг аксариети табиий бойликлар, айниқса, нефт захираси күп бўлған давлатлар экани аён бўлади. Ташқи күчлар ана шу моддий бойликларни талон-тарож қилиш мақсадида ушбу нотинчиларни келтириб чиқаратгандар кундай равшан.

Барқарорликни издан чиқариш орқали бу мамлакатлар Афғонистон каби нотинч ҳудудга, кимларнингдир ғараз мақсадига хизмат қиласидан майдонга айлантирилади. Оқибатда, бундай ҳудудлар гиёхванд моддалар етиштириш, жиноятчи гурухлар учун макон ва ёвуз мақсадлар йўлида фойдаланиладиган жой вазифасини ўтайди. Шунингдек, осоишишталикка путур етиши натижасида аҳолининг тинчлиги бузилади, қурбонлар бўлади ва мамлакатлар муаммолар исканжасида қолади. Бундай вазиятлардан қўшни давлатлар ҳам заарар кўради. Бунда инсоний сифатлардан маҳрум кимсаларгина «манфаат» топиши мумкин.

Бундай күчларнинг қора мақсадларига эришиш борасидаги фаолиятлари турлича бўлса-да,

тутаётган йўллари ёки қилаётган ишлари бир хил – одамларнинг тинч ҳаётини издан чиқариш. Айниқса, баъзи бузғунчи гуруҳлар ўзларининг геосиёсий мақсадларига эришиш йўлида қатор ихтилоф ва кўнгилсизликларни келтириб чиқармоқда. Халқимиздаги «бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетади» деган нақлга биноандавлатни ҳам бир катта оила деб оладиган бўлсак, унинг иқтисодиёти бир неча йил ортга суриласди ва ўзини ўнглаб олиши учун жуда кўп йиллар керак бўлади. Мутахассислар энди ушбу мамлакатларда иқтисодиёт ўрнига тутиши учун 25–30 йилча вақт кетишини таъкидлашмоқда.

Сўнгги йилларда қора кучларнинг жаҳон миқёсида таъсир доирасини кенгайтириш, бойликларга эга бўлиш ёки мамлакатларни ўз измига солиш йўлида бузғунчи ва террорчи кучлардан фойдаланиш ҳоллари яққол кўзга ташланмоқда. Улар бундай қабиҳ ниятларига этиш учун кенг ҳалқ оммаси орасига ваҳима солиш, қўрқитиш ва зулм қилиш каби оғир гуноҳларга тап тортмасдан қўл урмоқдалар.

Ислом дини зулм ва зўравонликнинг ҳар қандай кўринишини қатъий қоралайди. Қуръони каримнинг «Наҳл» сураси 91-оятида бундай дейилади: «Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюради ҳамда бузукчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтаради».

Динимиз инсон ҳаётига зомин бўлиш ва зулм қилишни қатъий ман этади. Бунда ўша инсон қайси дин, ирқ ёки миллатга мансуб эканининг аҳамияти йўқ. Ҳатто уруш чоғида ҳам ёш бола, аёл, кекса ҳамда ибодат билан машғул бўлганларни ўлдириш, шунингдек, уй-жой, иморат ва иншоотларни вайрон қилишдан тортиб ҳатто экинзору дараҳтларни йўқ қилишгача бўлган жиноятларни содир этиш қатъий

қораланган. Бунинг акси ўларок, айрим мамлакатлардаги бузғунчи кимсалар ғаразли мақсадлари йўлида инсонга Аллоҳ инъом этган ҳаёт неъматига тажовуз қилиб, вайронгарчилик ишларини амалга оширмоқдалар.

Шубҳасиз, Исломда бегуноҳ инсон қонини тўкиш энг улкан гуноҳдир. Бугунги кунда минглаб кишилар умрига зомин бўлаётган бузғунчилар энг катта зулм қилаётганлардирки, уларни инсон қиёфасини йўқотган ваҳшийлар дейиш ўринлидир. Ноҳақ одам ўлдириш, бегуноҳ кишилар қонини тўкиш нафақат Исломда, балки барча самовий динларда ҳам ман этилган. Соғлом ақлли, соф вижданли инсон буни инкор этмайди.

Барчамизга маълумки, араб мамлакатларида соидир этилаётган мудҳишиш воқеалар натижасида бир неча минг бегуноҳ кишилар қони тўкилди. Жиноятчи, тажовузкор кимсалар бу қилмишлари билан ўзларининг қанчалик оғир гуноҳга ботганларини билсалар эди. Бу ҳақда Жаҳон мусулмон уламолари кенгаши Бош котиби Али Мухйиддин Қорадогийнинг қўйидағи фикрларини баён қилиш мақсадга мувофиқдир:

– бегуноҳ кишиларни қўрқитиш, ўлдириш шаръян мутлақ мумкин эмас. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Биринчидан, Ислом дини бутун инсоният, барча оламлар учун ҳам раҳмат динидир. Қуръони каримнинг 340 дан ортиқ оятида «раҳм» ва ундан ҳосил бўлган сўзлар, шунингдек, 130 жойда «Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим» муборак жумласи келганини қўрамиз. Мўмин банда ўзининг ҳар намозида мазкур калимани зикр қиласи ва ҳар бир амалини Аллоҳ таолонинг ушбу сифатларини тилга олиш билан бошлияди. Парвардигор ушбу Муҳаммадий рисолатни нозил этишининг мақсади нафақат мусулмонларга,

балки бутун одамзодга раҳматини ёйиш эди. Аллоҳ таоло марҳамат қилиб: «(Эй Мұхаммад), дарҳақиқат Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат (яъни, Аллоҳнинг раҳмати-жаннатига етаклагувчи) қилиб юбордик», дейди (Анбиё, 107). Иккинчидан, Ислом дини инсон учун тинчлик ва омонлик динидир. Аллоҳ таолонинг исмларидан бири «Ас-Салом»дир. Қуръон нозил бўлган кеча салом кечасидир. Бу хусусда Қуръони каримда: «У (кеча) то тонг отгунича тинчлик-омонликдир», – дейилади (Қадр, 5). Кўплаб ҳадислар мусулмон кишини, шунингдек, мусулмон юртда қонуний яшаётган бошқа шахсларни ҳам қўрқитиб бўлмаслигига далилдир. Табароний ривоят қилган ҳадисда: «Бирор кишига мусулмонни қўрқитиш ҳалол эмас», дейилган.

Найрангларга учманг!

Яқинда Мұхаммад пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сийратларини обрўсизлантиришга уринилган «Мусулмонлар гуноҳсизлиги» қисқа метражли фильм тақдимотидан кейин кўп мамлакатларда норозилик чиқишилари бўлди. Бундай хатти-ҳаракатлар оқибатида бир неча киши азият чекди. Бунда халқлар ўртасидаги ўзаро тотувлик, динлараро бағрикенглик ва меҳр-оқибат ришталарини узишга интилаётган фитначи кимсалар қўли борлигини унутмаслик керак.

Ақли теран ва соғлом фикрли инсон бундай пайтда қандай йўл тутишни жуда яхши билади. Айниқса, Ислом динининг асосий манбаларида бу борадаги ибратли воқеалар талайгина.

Раҳмат пайғамбари бўлган Расулуллоҳни (алайхиссалом) обрўсизлантиришга интилган ҳар қандай инсон ёки гурухнинг саъй-ҳаракати, умуман,

беҳудадир. Хусусан, мазкур фильм ижодкорлари Ра-сулутлоҳни (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳар қанча камситишга интилмасин, бу иши билан муборак динимизга ёки у зотнинг сийратларига заррача ҳам зиён етказа олмайди. Чунки Аллоҳ таоло Ислом дини ва таълимотларини ҳимоя қилиши ҳақида бундай деган: «**Албатта, бу зикрни (яъни Куръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва уни Ўзимиз асрагувчимиз**» (*Ҳижр*, 9).

Пайғамбаримизни барчамиз яхши кўрамиз, узотга муҳаббатимиз чексиз. Бироқ бундай ҳаракатларга нисбатан айрим давлатларда бўлаётганидек, тўстўполон ёки ғалаёнлар билан эмас, балки босиқлик ва зукколик билан муносабат билдириш керак. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларига суиқасд қилишга интилган Ҳаким ибн Ҳизомни бағрикенглик билан кечириб юборганлар ёки суюкли амакилари бўлган Ҳамза ибн Абу Толибни ўлдирган Ваҳшийни, бир умр қалбларида қайғули хотира сифатида муҳрланган бўлишига қарамай, афв қилғанлар. Булар, шубҳасиз, Куръони каримдаги: «**Афвни (қабул қилиб) олинг, яхшиликка буюринг! Жоҳиллардан юз ўгириңг!**» (*Аҳроф*, 199) кўрсатмасининг амалдаги исботидир. Устига-устак бундай фитналарни ўйлаб топаётган кимсалар ушбу ғалаёнларни кўриб, «ишимиз қўл келибди-да», деб хурсанд бўлишади. Шуни асло унумаслигимиз керак.

Маълумки, дунёда ёмон ниятли кимсалар томонидан турли дин вакиллари ўртасига низо уруғини сочиш мақсадида ҳар хил кўринишдаги фасод ишлар қилинмоқда. Ушбу фильм орқали ҳам турли дин вакиллари ўртасидаги тотувликни бузиш мақсади борлиги аниқ.

Диний бағрикенглик, ўзаро иззат-хурмат, меҳр-оқибат, силаи раҳм каби умуминсоний қадриятлар оятлар ва ҳадиси шарифларда ўз ифодасини топган.

Бу борада Пайғамбаримиз Мұхаммад (алайҳис-салом) Ислом умматигагина эмас, бутун инсониятга ибрат бўлдилар. У зот Мадинага ҳижрат қилганиларида давлат ишларидаги биринчи амаллари ўша ерлик яҳудийлар билан уларнинг ақидаларини хурмат қилишга асосланган аҳднома тузиш бўлди. Жаноб Расулуллоҳ аҳли китобдан бўлган қўшнилари билан яхши муносабатда бўлар, ҳадя бериб, улардан ҳам қабул қиласар эдилар. Ҳатто аҳли китобдан бўлган қўшнилари оғир зиён-захмат етказганида ҳам у зот мулойимлик билан Яратгандан уларга ҳидоят ва инсоф тилайдилар.

Демак, мўмин-мусулмонлар бундай пайтда Мұхаммад (алайҳиссалом) йўлларини маҳкам тутиб, ақл-заковат ва босиқлик билан ўзларини тутишлари лозим бўлади.

Бугунги кунда нафақат мўмин-мусулмонлар ўртасида, балки турли дин вакиллари ўртасидаги тобора мустаҳкамланиб бораётган иноқликни кўролмайдиган кимсалар пайдо бўлмоқда. Ана шундай ғаламислар турли миллат ва дин вакиллари ўртасига совуқчилик тушириш мақсадида ҳар хил найрангларни ишга солмоқдалар. Мана шундай найрангларга учмаслигимиз, бундай вазиятда кескинлик билан қарор қилиш ўрнига, обдон ўйлаб, кейин бир хулоса-га келишимиз керак.

Убайдулла УВАТОВ,
Имом Бухорий халқаро маркази директори,
тариҳ фанлари доктори
Шавкат ҲАЙИТОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

ЎЗБЕКИСТОН – ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ЗАМИНИ

Айни шу заминда кўп асрлар мобайнида жаҳон маданиятлари дунё миқёсида бир-бирини бойитган. Бу ерда кўчманчи халқлар ўтроқ халқлар билан, эронлик қабилалар турк қабилалар билан, мусулмонлар насронийлар ва яхудийлар билан кўп асрлар бирга яшаб келганлар.

Ислом КАРИМОВ

Конституциямизнинг 18-моддасида: “Ўзбекистон Республикасада барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”, деб кўрсатилган. Бу Асосий қонунда шунчаки белгиланмасдан, амалда ҳам намоён бўлмоқда. Буни нафақат жамиятнинг ҳар бир фуқароси ҳис қилмоқда, айни пайтда жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда, ўзбек моделининг мазкур масаладаги тажрибасидан намуна олмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки мамлакатдаги тинчлик ва барқарорликнинг асосий омилларидан бири муроса таомойили бўлган диний бағрикенглиkdir.

Туронзамин қадимдан дин ва динлар ўртасида шаклланган толерантликнинг илк ватани ҳисобланади. Бунда энг аввало, Шарқда шаклланган ва қарор топган муросаю мадоранинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Каримов ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессиясида (1996 йил 24 апрел, Париж) “Ўтмишсиз келаҗак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди” мавзууда сўзлаган нутқида муросаю мадоранинг тинчлик ва барқарорликдаги ўрнини алоҳида таъкидлаб бундай деган эди: “Муросаю мадора асрлар давомида ҳалқининг асосий белгиси бўлиб келган Ўзбекистон БМТнинг навбатдаги сессиясида муроса тамоийилла-ри баённомасини фаол қўллаб-қувватлаш ниятида-дир. Бизда муросанинг илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ҳудудида Исломнинг ўлмас ва мангу қадамжолари билан япон олими Като Сурхондарё воҳасида топган ноёб будда маданияти ёдгорликлари, яхудий ёдгорликлари, Бухорода насронийларнинг зиёратгоҳлари бир қаторда туриши ҳеч кимни ажаблантирмайди. Бугунги кунда шаҳарларимизда турли динларга мансуб муассасалар – мусулмонларнинг масжидларини, православ ибодатхоналарини, яхудий синагогалирини, католик ва протестант мазҳабларининг турли шоҳобчаларига оид ибодатхоналарни кўришингиз мумкин”². Шу боисдан ҳам Ўзбекистоннинг ҳалқаро миқёсда обрўи ошиб бормоқда. Бу бир томондан, Ўзбекистоннинг жаҳон тамаддуни бешикларидан бири экани билан, иккинчи томондан эса, аждодлар анъаналарига содиқлик, яъни ҳалқлар, давлатлар, миллатлар, динлар ўртасидаги тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги фаоллиги билан белги-

² “Халқ сўзи”. 1994 йил 25 апрел.

ланади. Маълумки, Яқин Шарқда, Болқон, Шимолий Ирландия, Афғонистон, Ирок, Шимолий Кавказ ва бошқа минтақаларда мунтазам равишида турли миллат, турли дин вакиллари орасида муросасиз низолар кучаймоқда. Лекин Ўзбекистонда минг йиллар давомида гарчи турли миллат, турли дин вакиллари яшаётган бўлса-да, бундай низоларга ҳеч қандай асос бўлмагани сабабли тинчлик ва барқарорлик ҳукмрон, ягона оила бўлиб аҳил яшамоқда. Шунинг учун ҳам халқаро жамоатчилик Ўзбекистонни инсоният цивилизациясининг бешиги сифатида ҳамда турли дин, миллат, маданият, турмуш тарзига эга бўлган халқларнинг биргалиқда яшаши ва ҳамкорлиги маркази сифатида эътироф этмоқда. Масалани янада теран англаш мақсадида қўйидаги қисқа сатрларни ҳукмингизга ҳавола қиласиз:

Абу Мансур Мотуридий (870-944) Ҳаж сураси 40-ояти тафсирида: “Черков ва синагогаларни вайрон қилиши ман этилади. Шунинг учун ҳам мусулмонлар юртида шу давргача улар бузилмай сақланиб қолган. Бу масалада аҳли илм орасида ихтилоф йўқдир”, деб ёзиб қолдирган.

Бухорода илк синагога милодий VIII аср бошлирида қурилган. Яхудий жамоаси вакили бу ҳақда бундай деб кўрсатади: “Ўрта аср Оврупаси ва Византия империясидан қувғин қилинган яхудийлик Марказий Осиёда бошқа динлар билан бир хил ҳуқуқقا эга эди”³.

Милодий VII аср бошлирида Термиз ва унинг атрофида 10 та буддавийлик ибодатхонаси бўлиб, мингга яқин роҳиб хизмат қилгани манбалардан маълум.

³ Бенсман Р. “Деятельность религиозных организаций по укреплению межрелигиозного согласия”//Межрелигиозное согласие – важное условие углубления демократических процессов в странах Центральной Азии (на примере Республики Узбекистан). – Т.: 2002.– С.125.

Абул Баракот Насафий “Модорик ат-танзил ва ҳақоиқ ат-таъвил” асарида Куръони каримнинг “Мумтаҳана” сураси 8–9-оятларини тафсир қилиб: “Ўзга дин вакилларига эҳтиром кўрсатинг ҳамда уларга сўзда ва амалда яхшилик қилинг”, деб шарҳлаган.

“Фарғонада 12 та ноисломий ибодатхона фаолият кўрсатмоқда. Яхудийларнинг синагогалари бошқа мамлакатларда тегишили давлат хизматчилари томонидан қўриқланади. Биздагина яхудийлар синагогаси ҳеч қандай қўриқчисиз, ташқи хавф-хатарсиз хизмат кўрсатади”⁴.

“Диний бағрикенглик ҳамиша диний заминдаги адоватга қарши ўзига хос қалқон вазифасини ўтаган. У турли эътиқодларнинг бир замон ва маконда биргаликда мавжуд бўлишига, уларнинг ташувчилари ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг шаклланишига йўл очган”⁵.

Соҳибқирон Амир Темур “Тузук”ларида: “Менинг қўйл остимдаги қирқ аймоқ ҳаммасини тенг кўрдим. Барлосни татардан, татарни наймандан, найманни юздан устун қўймадим. Барча муваффақиятларим гарови шундадир”, деб ёзган.

Алишер Навоий ўз замонида миллатлараро тутувликни тараннум қилди:

Кўнгулни олса малоҳат била, тафовут йўқ,
Хитойи ўлсину, ё армани ва ё ҳинду.

“1897 йили республиканинг ҳозирги ҳудудида 70 миллат ва элат вакиллари яшаган бўлса, 1927 йили улар сони 90 тага, 1959 йили 113 тага, 1979 йили 123 тага етган. Ҳозир 136 миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаёт кечирмоқда.

⁴ Турдикулов Ш.Х. “Ўзбекистонда ҳамжиҳатлик баҳти//Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожи”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012.-104-бет.

⁵ Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари”. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997.-142-бет.

2011 йил 1 январ ҳолатига кўра Ўзбекистон аҳолиси миллий таркибида ўзбеклар – 23.322,7; қорақалпоқлар – 626,0; тожиклар – 1.392,5; руслар – 871,1; қозоқлар – 831,2; қирғизлар – 251,8; татарлар – 219,1; туркманлар – 171,3; корейслар 142,1; бошқа миллат ва элат вакиллари – 626,1 минг кишини ташкил этади⁶. “Ўзбекистон Қаҳрамони” олий унвони билан тақдирланганлар орасида ўзбеклар ва қорақалпоқлар билан бир қаторда украин, рус, қозоқ, корейс, араб, тожик миллати вакиллари ҳам бор.

Қадимдан зардуштийлик, буддавийлик, насронийлик, яхудийлик каби кўхна дин ва уларнинг вакиллари айнан Ўзбекистон ҳудудида яшаган, шаклланган, ривожланган, бир-бирини бойитган. Шу нуқтаи назаридан ҳам халқлар ва давлатлар ўртасидаги барқарорликни таъминлашда турли динга мансуб халқларнинг кўп миллатли давлатда тинч ва тотув яшашларини таъминлашда Ўзбекистон тажрибасини оммалаштиришга БМТнинг ЮНЕСКО ташкилотига алоҳида таклифлар билдирилган.

БМТ 2011 йилнинг 1–7 феврал кунларини бутун жаҳонда “Динларапро муносабатлар уйғунилиги халқаро ҳафталиги” деб эълон қилди. Бу XXI асрда ҳам жаҳонда диний толерантлик, динлар, конфессиялар-аро ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш устуворлик касб этишини билдиради. Мамлакатимиз аҳолиси 31 миллионга яқинлашиб қолди. Республикаизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил яшамоқда. Кўп миллатли давлатда кўп конфессиялилик шаклланиши муҳим омилдир. Ҳозирда 3 та дин ва 15 та конфессия фаолият кўрсатмоқда. Шу сабабдан ҳам ҳозирги ривожланиш жараёнида диний толерантликни таъминлашда турли конфессиялар тарихи,

⁶ “Ўзбекистоннинг этноконфессионал атласи”. – Т.: “Картография” илмий-ишлаб чиқариш корхонаси. 2011. – 6-бет.

таълимоти, уларнинг жамият равнақидаги ва баркамол авлод тарбиясидаги ролини ўрганиш назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Туронзаминда жуғрофий ва иқлим шароити инсон яшашига қулай бўлгани сабабли зарурий эҳтиёж сифатида фаннинг илк кўринишлари шаклланган. Бу бевосита узоқ ва яқин халқлар, давлатларни мазкур ҳудудга “тортган”. Бу тортиш кучи икки хилда намоён бўлган. **Биринчиси**, тинч келиб савдо-сотик қилинган, ўзида бор нарсани олиб келган, ўзида йўқ нарсани олиб кетган. **Иккинчиси**, зўравонлик, босқинчилик, урушлар орқали моддий ва маънавий бойликларни ўзиники қилиб олишга уриниш. Айни пайтда мазкур ҳудуд соҳиблари ҳам ўзга юртларга борган, улардан ўрганганд, уларга борлиқ тўғрисидаги мукаммал билимларни ўргатган”.

Ўзбекистон фалсафасининг ўзига хослигини, муҳим жиҳатини бағрикенглик ва кечиримлилик ташкил этади. Бу жаҳон тамаддунида ноёб ҳодисадир. Ҳатто турли макон ва замонда юртимизга ёвуз кўз билан босқинчилик қилганлар ҳам бу феномен олдида бош этганлар ва аксарият ҳолларда мазкур муроса тамойили талабларига бўйсунгандар. Шунинг учун ҳам “халқимизнинг **этник, маданий ва диний сабр-бардоши** маънавий Уйғонишнинг яна бир битмас-туганмас манбаидир. Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинчтотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди. Ҳатто бу ҳудудларни босиб олганлар ҳам Марказий Осиё халқларининг маданияти олдида бош эгибина қолмай, унинг энг қимматбаҳо анъаналарини,

шу ҳудудда мавжуд бўлган давлатчилик анъаналарини авайлаб қабул қилганлар”⁷. Буларнинг барчаси жуда қадимдан аждодларимиз ўзаро муносабатларда ўзига хос шарқона муроса тамойилларига амал қилганини кўрсатади. “Сўнгги икки аср давомида ҳам ўзларини “маданиятли” ва “маърифатли” ҳисоблаб келган давлатлар оммавий қирғинлар ва диний таъқиблар билан ўзларига доғ туширган пайтда Ўзбекистон замини халқлар ва маданиятлар тинч бирлашган жойгина бўлиб қолмай, балки қувғин қилинган халқларга бошпана ҳам берди”⁸.

Юртбошимиз 2002 йил 13 март Нью-Йорк шахрида сўзлаган нутқида масалани бундай изоҳланган эди: “Биз ота-боболаримиз дини бўлган Ислом динини ҳеч қачон инкор этмаганмиз ва ундан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Айни вақтда, биз Ислом ғоялари билан ниқобланиб олган жангари, ашаддий ақидапарастлик руҳидаги диний оқимларга мутлақо қаршимиз ва улар билан ҳеч қачон келиша олмаймиз. Биз Исломнинг дин сифатида сиёсийлаштирилишини ҳам қабул қила олмаймиз. Биз одамларни осоийшталик ва яратувчиликка, турли миллат ва дин вакилларини ўзаро муроса, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик асосида яшашга даъват этадиган анъанавий, тинчликпарвар, муқаддас Ислом тарафдоримиз. Ўзбекистоннинг кўп асрлик тарихи давомида антисемитизм, ирқий ва диний камситиш ҳоллари бизнинг заминимизда ҳеч қачон намоён бўлган эмас. Мен Ватанимиз тарихидан одамлар ўртасида миллий ва диний асосда низо чиққан бирон-бир воқеани мисол келтира олмайман. Биз Ўзбекистон тарихида, ушбу заминда юзлаб ва минглаб йиллар мобайнида

⁷ И.Каримов. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...//Хавфсизлик ва баркарор тараққиёт йўлида”. – Т.: “Ўзбекистон”.1998., 128-бет

⁸ Ўша манба., 129-бет

Ислом дини билан бошқа динлар, жумладан, яхудо дини яшаб келгани билан фаҳрланамиз. Иккинчи жаҳон уруши даврида фашизм даҳшатларидан қочган 250 мингдан зиёд яхудий миллатига мансуб аҳоли Ўзбекистондан паноҳ топгани халқимизга хос ана шундай бағрикенгликдан далолат беради”.

Ўзбекистонда турли динлар ва конфесиялар бир-бири билан доимо муроса тамойиллари талаблари доирасида тинч-тотув яшаган. Юқорида баён қилинганлар ўзбек халқи қадимдан, барча макон ва замонда бошқа халқ, конфесия ва дин вакилларига нисбатан доимо хайриҳоҳ ва хурматни энг олий қадрият сифатида кўргани ва унга тўла амал қилганини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан ҳам давлатимиз раҳбари Ислом Каримов алоҳида таъкидлаб кўрсатганидек: “**Турли диний эътиқод, конфесияларга мансуб кишиларнинг тинч-тотув яшашидан иборат бўлган бизнинг тажрибамизни миллатлараро, диний ва этник асосдаги турли-туман ички ва миintaқавий можароларни бартараф этишда муваффақият билан қўллаш мумкин. Мен фаҳр билан айтишим мумкинки, халқимизнинг бутун тарихи давомида ҳеч қандай диний низо, одамларни миллати ва диний мансублигига қараб айириш ҳоллари бўлмаган ва бунга биз ҳеч қачон йўл қўймаймиз**”⁹.

⁹ Ислом Каримов. ЮНЕСКО ижроия кенгаши 155-сессиясининг якунловчи мажлисида сўзланган нутк//Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999, 204-бет.

Муҳаммадназар ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
масжидлар бўлими мудири

ХОТИРЖАМЛИК – БАХТЛИ ҲАЁТ ИФОДАСИ

Истиқлол йилларида озод ва обод юртимиз кун сайин чирой очмоқда. Тарихан қисқа муддат ичида диний, миллий қадриятларимиз, бебаҳо маънавий-маданий меросимизнинг тикланиши ўзлигимизни танитди. Айниқса, пойтахтимизда қурилаётган, иқтисодий, маданий-маърифий тараққиётимизга хизмат қиласиган иншоотлардан фахрлансак арзиди. Ҳатто дунё мамлакатларида иқтисодий инқироз кузатилган пайтда ҳам бизда тараққиёт суръатлари пасаймади.

Мустабид тузум даврида қаровсиз ташлаб, омборхоналарга айлантирилган масжидлар, зиёратгоҳлар қайта тикланиб, яна мусулмонлар ихтиёрига топширилди. Имом Исмоил Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Абубакр Қаффол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Бурхониддин Марғониённий, Абдулхолиқ Фиждувоний ва Аҳмад Фарғоний каби ватандошларимизнинг номи юксак мавқеи даражасига кўтарилди. Асрлар давомида дунёга илм-фан, маданият ўчоғи бўлиб танилган мамлакатимизда зиёратчилар учун кенг йўл очилди. Йил сайин мамлакатимизга ошиқаётган сайёҳларнинг сафи кенгаймоқда. Бу ҳол айниқса Ҳазрати Имом мажмуасида яққол кўзга ташланади.

Советлар давридаги бир неча ўн масжид, битта мадраса ўрнида ҳозир икки мингдан ортиқ жоме,

Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти, тўққизта Ислом ўрта-маҳсус билим юрти фаолият кўрсатмоқда. Масжидларимизнинг деярли барчаси малакали кадрлар билан таъминланди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоятлардаги масжидларнинг умумий ҳолати, имом-хатибларнинг иши билан яқиндан танишиш мақсадида режа асосида жойларга хизмат сафарлари уюштиради, ютуқ ва камчиликларни таҳлил этади. Тошкент ва Андижон шаҳарлари, Наманган ва Тошкент вилоятлари масжидларини бошқаларга намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Республика оммавий-ахборот во-ситаларида имом-хатибларнинг чиқишилари, жамоат тадбирларида иштирок этишлари бўйича Фарғона, Андижон, Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари имом-хатиблари пешқадам бўлишяпти.

Ҳар йили имом-хатиблар ишининг савиясини кўтариш ва мазмун-моҳиятини теранлаштириш, фабол имомларни аниқлаб, меҳнатларини рағбатлантириш мақсадида анъанавий «Йил имоми» кўриктанловини ўтказяпмиз.

Мұхтарам Юртбошимиз ташаббуси билан Сармарқандда очилган Имом Бухорий халқаро марказида имом-хатиблар малакаларини, диний-маърифий билимларини ошириб қайтишмоқда. Марказда ҳозиргача 800 га яқин имом-хатиб таълим олди, тажриба ўрганди.

Истибоддининг оғир йилларида устозларимиз, забардаст уламолар динимизни ҳар хил хуружлардан ҳимоя қилишди. Биз ҳам улардан ўrnak олиб, авлодларга яхши намуна бўлишимиз керак. Маънавият миллатнинг юраги, унда донишманд халқимизнинг гўзал сийрати намоён. Маънавиятнинг таянч устунларидан бири эса эзгу амал, пок ният ва тоза қалбdir.

Истиқлол туфайли мустабид тузум ғуборлари ювиб ташланди, кўмилган асрий булоқлар кўзи очилди. Аждодларимизнинг маънавий меросидан доимий баҳраманд бўлиш баҳтига мұяссар бўлдик. Ҳасан Басрий айтади: «Одам боласининг бир куни ўтса, бу ҳақда фикр қилсин: агар яхшилик келтирган бўлса, бунга етказгани учун Аллоҳ таолога шукр қилсин. Қолган умрида камчиликларини тўлдириши мумкин». Куръони каримда бундай марҳамат қилинган: **«Албатта, Биз шукр қилувчиларни мукофотлаймиз»** (Оли Имрон, 145).

Мустаҳкам эътиқод, соғ ақида ҳар бир киши ҳаётининг асл моҳияти бўлиши лозим. Ўрт тинчлиги, осойишталигига путур етказадиган, ватандошларимизни чалғитадиган ёт ғояларга қарши курашиш барчамизнинг бурчимиз. Яхшиликка тош отадиганлар, ҳасадчилар ҳамон йўқ эмас. Бундай кимсалар турли усуллар билан одамларни йўлдан оздиришга, улар онгида нотўғри тушунчалар уйғотишга уринишади. Бу сингари ишлар ортида эса, ер-сув, молмulkка эгалик қилиш каби қинғир мақсадлар яширгани сир эмас. Шу боис ҳамиша огоҳ бўлишимиз керак.

Аллоҳ таоло бизга ато этган тинчлик, барқарорлик ва хотиржамлик каби улуғ неъматлар қадрига этишимиз, уларни химоя қилишимиз зарур. Тинчосойишта юртда хотиржам яшаш эса катта баҳтдир.

Абдулҳамид ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
фатво бўлими мудири

ЭЪТИҚОДГА ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ

Диний бағрикенглик – эътиқод, маданият, анъаналарга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишидир. Муқаддас динимиз қадимдан инсониятга асл мурувватни, диндошларига, ҳатто ғайридинларга ҳам эҳтиром ва бағрикенглик билан муносабатда бўлишни ўргатиб келган.

Ислом самовий динларни шунчаки ҳурмат қилиш билан кифояланмай, ўша дин аҳлларига чексиз мурувватда бўлган. Уларнинг ҳақ-хуқуқларини қонун билан мустаҳкамлаб қўйган. Маданият ва анъаналарига эҳтиром билан қараган. Асрлар давомида бу қоидаларга амал қилиб яшаган мусулмонлар бир-бирларига ва ҳатто ораларида яшайдиган аҳли зимма (мусулмонлар диёрида яшайдиган ўзга дин вакиллари)га ҳам яхшилик қилиб, бутун инсониятга ибрат бўлишди.

Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилинган ҳадисда эса: «Ким аҳли зиммага бирор заҳмат етказса, қиёмат куни мени ўзининг душмани сифатида кўради» (*Аҳмад ибн Ҳанбал, «Муснад»*), дейилади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) бу борада Ислом умматигагина эмас, бутун инсониятга ибрат-намуна бўлдилар. У зот Мадинага ҳижрат қилганларида давлат ишларидағи биринчи амаллари

ўша ерлик яҳудийлар билан уларнинг ақидаларини ҳурмат қилишга асосланган аҳднома тузиш бўлди. Жаноб Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аҳли китобдан бўлган қўшниларига яхши муомала қилас, ҳадя бериб, улардан ҳам қабул қиласдилар. Мадинага Ҳабашистон насронийлари вакиллари келганида, уларни масжидга тушириб, зиёфат бердилар ва хизматларини қилдилар. Ҳаттоки Нажрон насронийлари келганида, уларга масжиднинг бир томонида ибодат қилишга ижозат этдилар.

Бағрикенглик, кечиримлилик бобида у зотга тенг келадигани топилмайди. Оlam сарвари қасос ва ў олиш имконияти бўлатуриб ўзларига ва барча мусулмонларга чексиз зулм ва ёвузликлар кўрсатган, она шаҳарларидан қувиб чиқарган маккалик мушрикларни ҳам, тош отиб яралаган ва шаҳридан қувган тоифликларни ҳам, амакилари ва энг жасур саркардаларини ўлдирган қулни ҳам, ўзларига заҳар берган аёлни ҳам, хулласи, ҳаммани бирдай кечира оладиган зот эдилар.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан кейин у зотнинг ишларини давом эттирган хулафои рошидин озод қилинган ўлкалардаги маҳаллий аҳолига, зиммат жамоаларига ва аҳли китобларга мурувват ҳамда бағрикенгликнинг олий намунасини кўрсатишди. Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) Шом фатҳига жўнаётган қўшинга шундай насиҳат қилган эдилар: «Болаларни, аёлларни, кексаларни ўлдирманг. Хурмо дараҳтларига ўт қўйманг ва буталарни кесманг. Туяларни, бошқа ҳайвонлар подасини ўлдирманг... Сиз ўзга ишлар, охират дунёсига хизмат қилиш билан машғул одамларни учратасиз. Шунда уларни ўз ҳолига қўйинг...»

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анху) ўзга динларга хайриҳоҳлиги, меҳр-муруввати ва адолатпарварлиги билан Ислом дунёсидан ташқарида ҳам маълум ва машҳур эди. Ҳазрат Умарнинг Куддус ва Лудда насронийлари билан имзолаган хавфсизлик шартномасига мувофиқ шаҳардаги черковлар бузиб ташланмаслиги, мусулмонлар насронийларнинг ибодатхоналарини эгаллаб олмаслиги ва уларда ибодат қилмаслиги кафолатланган эди.

Тарих давомида улкан ҳудудларни бошқарган мусулмон ҳукмдорлар бошқа динларнинг вакилларига ҳурмат ва бағрикенглик билан муносабатда бўлишган. Ислом давлатларида яшаган насроний ва яхудий динидагилар ҳамиша тўла хавфсизликда, тинч-осойишта яшаб келишган, диний маросимларини bemalol ўтказишиган.

Мусулмон мамлакатларида яшайдиган ному-сулмон ҳалқлар арзимас солик (жизя) тўлаш эвазига мусулмон ҳукмдорлар ҳимоясида бўлишарди. Ислом ўлкаларида ақидаси ва мазҳабидан қатъи назар, муносиб, аҳл кишиларга вазифалар бериш ҳам бағрикенглик ва мурувватнинг кўринишларидан эди. Умавий ва аббосий ҳукмдорлар замонида насроний табиб ва олимлар Бағдод ҳамда Дамашқ тибиёт мадрасаларига бошчилик қилишган, саройда хизматда бўлишган. Насроний Ибн Асол халифа Муовиянинг (розияллоҳу анху) хос табиби бўлган. Марвон эса Исносиюс (Исхок) исмли яхудийни Мисрда ҳукумат мансабига тайинлаган. Жиржис ибн Бахтишӯй исмли машҳур яхудий табиб халифа Мансур саройида хизмат қиласарди.

Мусулмонлар бошқа эътиқоддаги кишиларга ҳамиша бағрикенглик билан қарашган. Бунга юртимиз тарихидан бир мисол келтириш кифоя. Умар

ибн Абдулазизга Самарқанд аҳлидан бир жамоа элчи бўлиб борди. Улар диёрларида Кутайба Самарқандга киргани ваadolatsiz равишда мусулмонларни у ерга жойлаштирганидан шикоят қилиб келишган эди. Умар ибн Абдулазиз Самарқанддаги волийига мактуб ёзиб, уларнинг шикоятини кўриб чиқиш учун бир қози тайин этишни, агар қози мусулмонларни Самарқанддан чиқаришга буюрса, шундай қилишни амр этди. Волий Жамиъ ибн Ҳозир ал-Божий уларнинг шикоятини кўриб чиқиш учун қози тайинлади. Қози эса мусулмон бўлгани ҳолда лашкарни у ердан чиқаришга ҳукм қилди. Чунки уруш Ислом қоидаларига биноан қилинмаган эди. Аҳли Самарқанд бу ҳолни кўриб ҳайратда қолди, қўшини ва қўмондони заарига бўлса ҳам адолат илиа ҳукм юритаётган бу давлатнинг мисли йўқ эканини англади. «Бу миллатга қарши курашилмайди, чунки унинг ҳукми раҳмат ва неъматdir», деб Ислом қўшинининг қолишига рози бўлишди ва ўз ораларида мусулмонларнинг яшашларини маъқул кўришди.

Тарих шоҳидки, Ислом инсониятга диний бағрикенглик, муруват, адолат, раҳм-шафқат ва халқлар ўртасида ўзаро ҳурмат, аҳиллик олиб келган ягона диний низом бўлди. Буни ҳатто Исломга хайриҳо бўлмаган Farb олимларининг фикрлари ҳам тасдиқлаб турибди. Густав ле Бон шундай дейди: «Албатта, халқлар мусулмонлардек раҳмдил ва бағрикенг фотиҳларни, динларидек самоҳатли – эркин динни кўрмаган». Бу сўзлар мусулмонларга инсоф қилишдан кўра ҳақиқатга инсоф қилишга ўхшайди.

Жалолиддин НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
таълим ва кадрлар тайёrlаши бўлими мудири

ЭЛ-ЮРТ ФАРОВОНИГИНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСЛАРИ

Ўзбекистонда 130 га яқин миллат вакиллари турли динларга эътиқод қилиб, тинч-омон яшаб келмоқда. Ана шу эзгулик ва тинчлик-осойишталиқ омили бўлган диний бағрикенглик тамойилларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга диёризмизда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимизда хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир заминда, бир ватанда, буюк ғоя ва соф ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши диний бағрикенгликнинг ёрқин намунасиdir.

Бу ғоя Конституциямизда ҳам ўз аксини топган: «Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» (31-модда).

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга қаратилган инсонпарварлик ғоялари ўтмишдаги давлатчилигимиз тараққиётида ҳам бўлган. Қадимий Сўғдиёна ва Хоразм давлатчилигидан тортиб, сомонийлар, хоразмшоҳлар, темурийлар давлатида инсон ҳуқуқлари юксак даражада эъзозланган. Бу давлатларнинг бошқарувида инсон ҳуқуқларига, ижтимоий адолатга, қонун устуворлигига қатъий амал қилинган.

Рус олими Логофет: «Оврупа ҳали конституция хақида оддий тушунчага ҳам эга бўлмаган даврлар-

да Амир Темур давлатида конституциявий қонунлар мажмусаси – Тузук мавжуд эди ва у амалда бўлган», дейди. Амир Темур шарқона демократияга, қонунга, урф-одатларга асосланган буюк давлат барпо қилиб, тарихда ўчмас из қолдирди.

Соҳибқирон ўз фуқароларини қайси миллатдан бўлишидан қатъи назар, ҳимоя қилди ва уларга ғамхўрлик кўрсатди. Давлатини «Куч адолатдадир» шиори асосида тузди. Адолат бор жойда элнинг кўнгли тўқ, иши унумли, мамлакатнинг эртанги куни эса порлоқ бўлишига ишонган. У фуқароларнинг таълим олишини яхшилаш чораларини ҳам кўрган. Бу ҳақда «Тузуклар»да бундай дейилади: «Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва Ислом дини илмлари: тафсир, ҳадис, фиқхдан дарс берсинлар деб ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим». Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинган давлатда адолатли бошқарув таъминланади. Фуқаролар ҳам давлатни ўз ҳимоячиси, таянчи деб ҳисоблайди ва қонунларга садоқат билан бўйсунади. Бу нарса бутун давлатни миёсида тартиб-интизомни, тинчлик ва осойишталикини ҳамда фаровонликни таъминлайди.

Асосий Қомусимиз Ўзбекистон фуқаросини миллати, ирқи ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли деб билди. Шуни мамнуният билан қайд этиш лозим, мустақиллик йилларида миллий қадриятларимиз қайта тикланди. Тарихий обидалар диний ташкилотлар ихтиёрига ўтказилди, диний асарлар чоп этилишига рухсат берилди. Ҳаж ва умра зиёратларига бориши йўлга қўйилди.

Республикамиизда икки мингдан ортиқ масжид, ўнга яқин Ислом билим юрти фаолият юритмоқда. Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги бу

даргоҳларда халқимизнинг барча байрамлари, ном берилган йиллар мазмунли тадбирлар билан ўтади. Зеро, инсон манфаатларини кўзлаган ислоҳотлар, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган эътибор, шаҳару қишлоқларни обод этиш замирида оиласиий баҳт, мустаҳкам оиласининг барқарор бўлишидек улкан бир мақсад ётади. Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди».

Инсондаги энг чиройли фазилатлар, аввало, оила бағрида куртак ёяди. Фарзандларимизнинг эртага қандай инсон бўлиб вояга етиши оиласидаги тарбияга ҳам боғлиқ. Шунинг учун ота-боболаримиз оиласиий тарбияга ғоят нозик масала сифатида алоҳида эътибор қаратган. Фарзандлар баҳт-саодати, келажаги учун ҳалол қасб ила ҳалол луқма топишга ҳаракат қилишган. Яхши устозлар қўлида таълим олишини таъминлашган.

Жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оиласининг ижтимоий мақоми Қомусимизда алоҳида бобда белгиланди. Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодексларида ва бошқа қонун ҳужжатларида оиласиий муносабатларнинг эзгу қадриятлари ўз ифодасини топган.

Оила соғлом экан, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, мамлакат барқарор бўлади. Соғлом оиласида соғлом фарзандлар улғаяди. Ана шу мақсадларни ўзида мужассам этган «Соғлом она – соғлом бола» концепциясининг юртимизда изчиллик билан амалга оширилиши натижасида бугун Ўзбекистон болалар саломатлигига энг ғамхўр бўлган етакчи мамлакатлар сафидан жой олди. Буларнинг барчаси оиласидаги тўкинлик, тотувлик, хотиржамлик ва маънавий баркамолликнинг муҳим омиллари, мустаҳкам оиласининг мустаҳкам асосларидир.

**Хайдархон Йўлдошхўжаев,
Имом Бухорий номидаги Тошкент
Ислом институти ректори**

ЧЎЗИЛГАН БАҲОР ЁХУД “АРАБ БАҲОРИ” ҲАҚИДА

2010 йил декабр ойида араб юртларида бошланган инқилобий намойиш ва норозилик ҳаракатлари тез орада Тунис, Ливия, Миср, Яман, Баҳрайн, Сурия ва бошқа мамлакатларни қамраб олди.

Шундан буён давом этётган можаролар ҳали-ҳануз мақбул ечимини топганича йўқ. Ғарб сиёсатчилари араб давлатлари осмонида пайдо бўлган мазкур қора булатни, тўғрироғи, бухронни “Араб баҳори” деб номлашди. Қанча-қанча одамлар қурбон, шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлди. Бу фожиалар натижасини кузатар эканмиз, “Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетади”, деган ҳикматли сўзнинг нақадар тўғри эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Сиёсатчилар бу намойишлар йиллар давомида ўз ечимини топмай йигилган муаммоларнинг қалқиб чиқиши деб баҳолашяпти. Лекин бизнинг ўз мuloҳазаларимиз бор.

Ушбу мамлакатларнинг кўпчилик аҳолиси мусулмон бўлиб, уларга Ислом дини раҳбарга бўйсуниш, унинг билан қандай муомала қилиш одобларини, шунингдек, фитна чоғида мусулмон ўзини қандай тутиши борасида энг тўғри кўрсатмаларни тақдим этган.

Хусусан, Куръони каримнинг Нисо сураси 59-оятида: “Эй имон келтирғанлар! Аллоҳга итоат

этингиз, Пайғамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) **бошлиқларга итоат этингиз!**” деб марҳамат қилинган. Бу оятдан Аллоҳ ва Унинг Расулининг буйруқларига итоат этиш билан бирга, мусулмонлар ўзларидан бўлган дин ва давлат бошлиқларига ҳам итоат қилишлари вожиблиги маълум бўлади. Модомики раҳбар ёки ота-оналар гуноҳ ишларга буюрмас эканлар, уларга итоат этиш шаръян вожибдир.

Ахли сунна вал жамоанинг соф ақидасини ўзида акс эттирган “Ақоидатут-Таҳовия” китобида: “Раҳбарларимизга, ишбошиларимизга қарши чиқишини, агар зулм қилсалар ҳам, раво кўрмаймиз. Уларга қарши даъват қилмаймиз. Уларнинг итоатидан бош тортмаймиз. Уларга итоат қилишни, модомики гуноҳ ишга буюрмасалар, Аллоҳнинг итоатидан деб, фарз деб биламиз. Уларнинг ҳақига салоҳият ва афв сўраб дуо қиласиз”, дейилган. Бу матнларни аждодларимиз ёддан билганлар ва доим амал қилганлар. Зеро, Расууллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак ҳадисларидан бирида: “Ким менга итоат қилса, батаҳқиқ, Аллоҳга итоат қилибди. Ким менга исён қилса, батаҳқиқ, Аллоҳга исён қилибди. Ким амирга итоат қилса, батаҳқиқ, Аллоҳга итоат қилибди. Ким раҳбарига исён қилса, батаҳқиқ, Аллоҳга исён қилибди”, деганлар (*Бухорий ва Муслим ривояти*).

Ином Бухорий ривоят қилган бошқа бир ҳадиси шарифда Расууллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар устингизга боши майиздек (қоп-қора) ҳабаш қул амир этиб тайинланса ҳам, унга қулоқ солинглар, итоат этинглар!” деганлар.

Фитналар соя sola бошлаганидаёқ Ислом оламида энг машҳур олимлар ҳалқقا мурожаат қилиб, сабр-тоқатга ва муроса қилишга чақирдилар ҳамда бузғунчиларнинг фитналарига алданиб қолишдан

огоҳлантирилар. Жумладан, Мұхаммад Саид Рамазон Бутий ўз халқыдан Суриядаги воқеаларни тинч йўл билан ҳал қилишга, юрт ичида уруш оловини ёқмоқчи бўлаётганларнинг ҳийла-найрангларига учмасликларини ва оқибатни ўйлаб иш юритишлирини сўраб, жуда кўп уринди. Халқига қилган му-рожаатларининг бирида у, жумладан, бундай деди: “Ислоҳот юртнинг ичидан чиқади. Уни ташқаридан олиб келиб бўлмайди”¹⁰. Ҳақиқат шуки, қизиқонлик билан бирор нарсани ҳал этиб бўлмайди. Бу ҳар икки томондан ҳам талаб қилинадиган энг асосий шартлардандир. Шундай вазиятларда раҳбарнинг шижаоати, самимияти ва узоқни кўзлаб иш олиб бо-риши жуда муҳимдир.

Юртимиз ҳаётида ҳам шу каби вазиятлар бир неча бор юзага чиққан бўлса-да, ўз вақтида олди олинганини эслаб ўтиш жоиз. 1989 йилнинг май ойида Фарғона вилоятида бузғунчи кучлар томонидан ташкил этилган оммавий тартибсизликлар июн ойи охирига келиб авжига чиқди. 1989 йилнинг 25 июнида – республика раҳбари этиб сайланганининг учинчи куни Ислом Каримов жанжал-тўполонлар алангаси ичида қолиб кетган Фарғонага йўл олади. Ловуллаб ёнаётган уйлар, таҳлика ва саросимага тушган шаҳар ва қишлоқлар, қаҳр-ғазабга тўлган одамлар орасига ҳеч қандай қўриқчиларсиз кириб бора-ди. Улар билан чин дилдан, ҳеч нарсани яшимасдан очиқ гаплашади. Бу инсонларнинг шу вақтга қадар ҳеч ким эшитмаган оху нолаларини тинглаб, ўзининг юракдан чиққан самимий ва ҳаққоний сўзлари билан бамисоли улар қалбидаги жароҳатларга мал-ҳам қўйгандек бўлади, кўнгилларда сўнган умид уч-кунларини уйғотади. Шунда раҳбаримиз тартиб-ин-

¹⁰ Замонамизнинг улуғ олими Рамазон Бутий ва қирқ икки нафар шогирди исёнчилар 2013 йил 21 марта масjidда амалга оширган портлашда шахид бўлишди.

тизомни тиклаш, қон тўкилишининг олдини олиш бўйича бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, аниқ чора-тадбирлар кўради¹¹.

1991 йилнинг 9 декабрида Наманган шаҳрида бир гурӯҳ қўпорувчи кучлар вилоят ижроия қўмитаси биносини эгаллаб олиб, Ўзбекистонни ислом давлатига айлантиришни даъво қилиб чиқишидаги республика раҳбари билан учрашувни талаб қилишидаги. Ислом Каримов президентликка номзод сифатида эртаси куни тонгда Наманганга етиб келади ва онги бузғунчи гоялар билан заҳарланган, жазавага тушиб, қора кучга айланган жоҳил оломон орасига соқчи ва ҳамроҳларсиз, бир ўзи ҳеч иккиланмасдан, шижоат ва шиддат билан кириб борди. Бу ўта кескин, драматик ҳолат видео тасмасида тасодифан муҳрланиб қолган. Ана шужасоратга тўла, ҳар қандай одамни ҳам ҳаяжонга соладиган тарихий лаҳзалар “Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнгги талвасаси” филмида акс эттирилган. Шиддат билан кириб келган республика раҳбарини кўришгач, ақидапарастлар бир оз довдираф қолишидаги. Юртбошимиз вазминлик билан сўз бошлайди ва уларнинг барча даъволарини аниқ фактлар билан рад этади¹².

Шуни айтиш керакки, Юртбошимизнинг қатъияти ва жасорати бинони бошига кўтариб бақир-чақир қилиб ётган минглаб энг ашаддий қўпорувчиларни ҳам саросимага солиб қўяди. Мамлакатимиз раҳбари ҳаяжонга берилмасдан, улар талаб қилаётган йўл қонунга мутлақо зид экани ва ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаслигини уқтиради, ўзининг салобати ва иродаси билан оломоннинг шаштини сўндиришга, беҳуда қон тўкилишининг олдини олишга муваффақ бўлди.

¹¹ Ислом Каримов. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. “Ўзбекистон” НМИУ. 2011, 8 – 9-бетлар.

¹² А. Азизхўжаев. “Чин ўзбек иши”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 190–191-бетлар.

Араб давлатларининг бошига тушган кулфатлардан биз ҳам маҳзунмиз. Улар яна ёруғ кунларга чиқишини, ватанларида тинчлик, осойишталик ҳукм суришини, баҳтиёр ҳаёт кечиришларини ва фитналардан барча-барчамизни асранини Аллоҳдан астойдил дуо қилиб сўраймиз. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам): “Иккита улуг неъмат борки, кўп инсонлар унинг қадрига етмайди. Бу икки неъмат соғлик ва тинчлик-хотиржамлиқdir”, деганлар. Тинчлик ва барқарорлик жуда катта меҳнат, хушёрлик ва фидойиликни талаб қиласди. Лекин буни ҳамма ҳам ҳис қиласвермайди.

Бу мулоҳазалардан мақсадимиз, аввало, вазиятга тўғри баҳо беришдир. Хушёрлик, огоҳлик, ақл ва мулоҳаза билан иш юритиш – бугунги давр талаби. Араб давлатларининг айримларида инқилоб амалга оширилди. Бироқ бундан ўша юрга халқи хурсандми? Улар нимага эришди ва нималарни йўқотди? Инқилобчи оломон одамларни ваҳшийларча ўлдирди. Инқилобчилар негадир мамнун эмас. Нима учун?

Бу саволга 1917 йилдаги большевиклар инқилобининг гувоҳи бўлган, қанчадан-қанча рус зиёлилари отиб ўлдирилгани, рус миллатининг тарихий ва диний қадриятлари хурофот деб йўқ қилиб юборилганининг гувоҳи бўлган файласуф Василий Розановнинг (1856–1919) қуидаги фикрларидан жавоб излаб кўрамиз:

“Инқилоб икки ўлчамга эга: узунлик ва кенглик. Аммо у учинчи ўлчам – теранликдан маҳрумдир. Ана шу сифат боис у ҳеч қачон бўлиқ ва мазали мева бермайди, ҳеч қачон “тугамайди”.

Инқилоб ўсиб бориб, асабийликка айланади. Ва инсон ҳеч қачон: “Бас! Етар! Мен баҳтиёрман. Бугун-

ги куним шундай яхшики, менга эртанги кун керак-мас...” дея олмайди. Инқилоб доимо азобни етаклаб юради ва фақат “эртанги” кундан умид қиласади.

Ҳар бир эртанги кун оломонни доғда қолдириб, индинга айланади. Бу узлуксизликдан ҳеч қаерга қочиб қутулиб бўлмайди.

Инқилобда қувонч йўқ. Бўлмайди ҳам”.

Бу фикрлар босқичма-босқич тараққиётнинг акси бўлган, миллионлаб одамларнинг тақдири билан ҳисоблашмай, амалга ошириладиган, услуби вайронагарчилиқдан иборат инқилоблар, тўнтаришлар ҳақидадир. Оқибатларига кўра, “араб баҳори” ҳам ана шундай воқеалар сирасига киради.

Аллоҳ таоло дунёда тинчлик бўлишини насиб этсин, араб мамлакатларида ҳам барқарорлик қайта тиклансин, ўша юртларнинг сиёsatчиларига яқдиллик, халқпарварлик ато қилсин.

КЕЛГИНДИ “БАҲОР”

2012 йил 31 август тонги. Тошкент. Шаҳидлар хотираси хиёбони. Бўз анҳори ҳам бир тўлғаниб, озодлигимиз учун жон берган боболар руҳига сажда қилиб ўтаётир, гўё.

Мустақил Ўзбекистонда ҳар йил шу куннинг тонгига халқ эрки, юрт озодлиги йўлида шаҳид кетганлар хотирланиб, руҳлари шод этилади. Тонгда тинчлик қадри ўзгача сезилади. Айниқса, дунёning узоқ ва яқинидан ички низолар сабаб оҳ тортаётган халқлар фарёди эшитилиб турса.

Мұхтарам Президентимиз Яқин Шарқни чулғаб олган нохуш воқеаларга бизнинг муносабатимиз ҳақида сўзлади. Биз бу ҳудудда мажаролар тезроқ тугаб, тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишини ис-

ташимизни баён қилди. Бу нотинчлик ичкаридан эмас, четдан келгани, кимлардир четдан туриб, халқнинг орасини бузатганидан огоҳлантириди. Арабларнинг бошига тушган бу бало кимларнингдир режаларига кўмаклашиши ҳақида халқимизга маълумот бериш кераклиги ҳақида сўзлади.

Агар биз бу балонинг томирини тушунтириб берсак, одамлар хабардор бўлса, турли-туман ножӯя гаплар чекинади. Бизга нима, деб юрсак, бу калтабинлик бўлади. Арабистон халқлари бошига тушган бу фожиа, келишмовчилик, албатта, ўтиб кетади. Фақат чидам ва ахиллик керак.

Тинчликнинг қадри нимада юзага чиқади? Кўринади? Шукроналиқда. Ён атрофимиизда, дунёда содир бўлаётган воқеалар, уларнинг оқибатлари ҳақида ҳаққоний маълумотлар шукроналиқка асос беради. Чунки нотинчлик ҳеч қачон бир жойда турмайди. Тўлқинланиб, янгиланиб, қўшни давлатларга албатта етиб келади. Шунинг учун одамларга ён атрофимиизда бўлаётган сиёсий ўзгаришларни тушунтириб бориш жуда муҳимлигини таъкидлади Президентимиз.

Арабистон тинчлик дини – Ислом туширилган замин. Буюк мұҳаддислар Имом Бухорий, ат-Термизийлар мероси шарофати билан Пайғамбаримиз ибратларини ўқиб, ахил яшаб келаётган араб халқларининг тинчлиги нега бузилди? Худо берган ер ости бойликлари ҳисобига тинч ва фаровон яшаётган араб мамлакатларида нега сокинлик – кескинликка, ахиллик – биродаркушликка, тинчлик – можароларга, барқарорлик – бекарорликка айланниб кетди?

Биз ушбу глобал ва минтақавий тинчликни асраршга қаратилган халоскор фикрлардан келиб

чиқиб, Арабистонда кечаётган нохуш воқеаларнинг айрим ғоявий, мафкуравий жиҳатларига тўхталишга жазм қилдик.

* * *

“Араб баҳори” нима дегани?

Баҳор. Яхшилик, ҳаёт, муҳаббат рамзи. У ҳар иили инсониятга қувонч, дала-дашт, сахроларга яшиллик олиб келади. Лекин қишида келтирилган “араб баҳори” (араб. الربيع العربي) 2010 йил 18 декабрдан бошлаб Тунис, Миср, Ливия, Бахрайн, Сурия, Яман, Иордания, Марокко, Жазоир, Уммон, Қувайт, Мавритания, Судан ва бошқа мамлакатларга ўлим, ёнғин, вайроналик, парокандалик, биродаркушлик, инқизороз олиб келди.

Кимлардир уни «араб баҳори», кимлардир «араб баҳори ва қиши», кимлардир «араб уйғониши», «пан-араб инқилоби», яна кимлардир «араб қўзғолони» деб атади. Лекин бу иборани мафкуравий таҳлил қилиб, кейинги воқеалар билан боғлаб қарасак, ғалати хulosалар келади кишига. “Араб баҳори” ибораси инсониятнинг аниқ миллий, маданий, худудий, сиёсий, ижтимоий чегараланган сегментини англатади. Яъни, аниқ манзилли.

Бир томондан, уни айтаётганлар ҳам, эшитаётганлар ҳам ўз эътиборини араб оламига қаратади. Иккинчи томондан, (миллий ўз-ўзини идентификациялаш орқали) мамлакатидан, диний мансублигидан қатъи назар, ҳар бир араб бу иборани менга тегишли, деб қабул қиласди. Демак, мазкур ибора устида ишлаганлар арабларнинг миллий туйгуларини нишонга олишган. Бу иборани ҳар бир араб онги ва қалбининг калитига айлантириш қўзда тутилган.

“Бахор” сўзини совуқ, хиссиз айтиб ҳам, эшитиб ҳам бўлмайди. Бу сўз фақат ижобий, романтик асоциацияларни уйғотади. Гап сахролар мамлакати – Арабистонда орзиқиб кутиладиган, саноқли, гўзал яшил кунлар ҳақида кетяпти. Айниқса, ёшларда. Шундай эмасми? Демак, бу медиа вирусни яратганлар олдиндан ўз обьектларини (арабларни) ва уларнинг орасидан ўзларига керак бўлган қатлам(ёшлар)ни, ёшлар учун энг ёқимли, кўпмаъноли сўз (бахор)ни топишган.

Одатда, воқеани у содир бўлган давр, фасл билан боғлаб гапиришади. Бироқ “араб баҳори” атамаси билан боғлиқ воқеалар хронологияси, мазмунида мана шу мантиқ йўқ. Яъни, қишининг бошидаги – декабрь воқеалари баҳорий воқеа деб кўрсатилмоқда. Нега?

Демак, бу иборада араб ёшларининг эртанги кунга умидлари, баҳорий кайфияти, миллий туйғулари шу икки сўзда мужассам қилинган. Демак, “араб баҳори” ибораси ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган эмас. У пухта ўйланиб, жамиятнинг энг тажрибасиз ва таъсирчан қисми – ёшлардан фойдаланиш учун тайёрланган. Бу эса беихтиёр “араб баҳори” бу – замонавий IT воситалари орқали амалга оширилган мафкуравий операция эмасмикин, деган саволни уйғотади.

Айрим араб зиёлиларининг интернетда тарқатган фикрларига қараганда, “араб баҳори” – улкан фитна. У арабларга кулфат, уни олиб келганларга баҳорни ваъда қиласди. Буни англаган миллионлаб араблар бундай “қонли баҳор”ни четдан олиб келиб, ёйганларни лаънатламоқда. Араб халқининг ичидан чиқиб, бузғунчиларга шериклик қилган сотқинларни ер муштлаб қарғамоқда.

Шундай дамларда беихтиёр Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида мана бу фикрни эслайсиз: **Маънавий таҳдид деганда,**

аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим...” (13–14-бет).

Прожектор (ва унинг эгалари)

Зими斯顿 тунда прожектор қаёқни кўрсатса, одамлар шу ёққа қарайди. Одамларнинг қаёққа қараб, нимани кўришлари прожекторни тутган кишининг хоҳишига боғлиқ бўлиб қолади.

Айрим ижтимоий тармоқлар араб ёшларининг кундузларини тафаккур тунларига айлантирди. Фейсбуқ, Твиттер, Одноклассники ва бошқа минглаб ижтимоий тармоқлар ўз сегменти(қавми)ни ажратиб олгач, уларнинг хулқига ҳам эгалик қилмоқда. Нимани кўриши, эшитиши кераклигини, қачон қаерда бўлишини ҳам ҳал қилмоқда. Бошқармоқда. Афсуски, содда одамлар прожектор (интернет, телевидение, медиа воситалар) кўрсатаётган томонга қарайдилар. Прожектор эгасини кўрмайдилар.

Ақллилар эса прожектор эгаларига, ҳаётни кўрсатаётган одамнинг кимлигига эътибор берадилар. Сабабни кўрадилар. Одамлар орасини ким “бўлиб ташлаб, эгалик қилаётганини”, декабрда “баҳор”ни ким, нега келтирганини тушунадилар. Синчиклаб, қараб, “табиий сарҳадларни кенгайтириш” деган экспансия қўлларини кўрадилар. Овозларини эшиладилар. Мустақил фикрларини айтадилар.

Шулардан айримлари:

– “Араб баҳори” бу ғарбнинг Дунёда Янги Тартибни ўрнатишга қаратилган маҳфий мақсадларини амалга

оширишга қаратилған уриниши, холос. Чунки ғалаёnlар сабаблари орасыда коррупция, ижтимоий табақалашув кучайишини асосий сабаблар қаторига құшиб бўлмайди.

– “Араб баҳори” стихияли ҳодиса эмас. Балки, муайян кучлар томонидан тайёрланган, уюштирилган, амалга оширилган ҳодиса (*исроиллик таҳлилчи Петер Appel*).

– “Биз амалдаги ҳукумат тўнтарилиб, унинг бирорта империалистга маъқул ҳукумат билан алмаштирилишини кўряпмиз”(грециялик сиёсатчи Алека Папарига).

– “Араб баҳори” оврупацентристик кўзойнак орқали кўрсатиляпти. Бу балонинг бошқа ҳудудларга тарқалиб кетиши, бутун дунёни қамраб олиши мумкинлигини ҳеч ким ўйламаяпти. “Мени мутахассис сифатида бир нарса қизиқтиради”, дейди у. “Араб мамлакатларининг конституциявий тузуми, иқтисодиёти, маданияти, сиёсати бир-бирига ўхшамайди. Ўта рангбаранг. Бироқ нега барча мамлакатларда инқилоб сценарийлари бир хил, синхрон. Масалан, барча мамлакатларда: “Халқ режимнинг қулашини истайди”, деган бир хил шиор кўтарилиган. Бу ғалати эмасми?” (*Тарих фанлари доктори, шарқшунос олим Андрей Коротаев*).

Бу эса мафкура билан қуролланган геосиёсатнинг проекторини, қўлларини кўрсатади. Бунда ўзининг “**табиий сарҳадларни кенгайтириш**” мақсадини тўғри, очиқ эълон қилмаса ҳам бўлади. Оломонга тушунарли, интернет орқали тарқатилған чиройли ва ёқимли орзулар билан боғланади. “Фақат сен ҳақсан, бошқалар ноҳақ”, деган фикрлар илинган миллионлаб қармоқларни ташлади. Қани, нима бўларкин?

Чиройли анимациялар яратилди. Мафкуравий ишнинг “Ҳар бир такрор – болғанинг бир зарбига teng”, деган усулига амал қилинди. Аҳоли, ёш-

лар қалби ва онгига ношукрликни экди. Бу заҳарли уруғлар кўкариб, эгалари онгидаги Ватан, аҳиллик, умуммилий бирдамлик ғояларига қарши курашиш учун мафкура майдонига чиқиши.

Маънавият ожиз, қаровсиз қолган эди. Одамлар фақат ўз манфаатлари билан яшардилар. Шахс манфаатлари Ватан, миллат манфаатларидан йиртиб олиб, ажратилди. Халқ қоя эди, аста-аста парчаланиб, сахро қумига айлана бошлади. Одамлар автономлаша бошлади. Ота-она, ёнидаги ака-ука, ота-боболардан қолган ўтит, мақолларга эмас, интернет тармоқларидағи “ҳамжамият”ларидан маслаҳат олиб яшашга ўргатилди.

Интернет эса мобил телефонлардан “Фақат сен ҳақсан, чунки...” дея тинмай уқтириб турди. Тарбиясининг томири калта ёшлар тушуниб-тушунмай бош лиқиллатиши. “Чўқиши”. Фанимлари буни кўриб, қувониши. Ҳар соат кучли тарғиб қилиб турилган вайронкор ғоя ёшларни халқидан, тарихидан юлиб олди. Энди ёшлар ўз Ватани, давлати, ҳукуматига ўқрайиб, бегоналарга эргашиши.

Сабаб иқтисодиётдами?

Деярли барча оммавий ахборот воситаларида “араб баҳори”нинг сабаблари сифатида иқтисодий турғунлик, қашшоқлик, тенгсизлик, коррупция ва ишсизликни келтиришади. Бироқ шу андазанинг барча араб мамлакатларига бир хил қўлланилаётгани ғалати туюлади.

Масалан, мутахассислар, халқаро эксперт уюшмаларининг хулосаларига кўра, Миср иқтисодиёти 30 йилда 4,5 марта ривожланган. Энг яхши кўрсаткичларга кўтарилилган. Шунинг учун инқилоблар ҳокимиятни қўлга киритгач, янги ҳукумат ўзининг: “Миср ҳукумати шу пайтгача амал қилиб келган

иқтисодий-фалсафий асослардан, 2004 йилда қабул қилингандык либерал ислоҳотлар дастуридан воз кечмаслиги”ни ваъда қилган.

Коррупциялашганлик ҳам Мисрда ҳалокат дараҷасида бўлмаган. Чунки Миср коррупциялашганлик бўйича дунёда 80-ўринда туради. “Транспаренсиинтернашенал” компанияси эксперталарининг хуласаларига кўра, Мисрда коррупция даражаси Италия, Греция, Хитой, Ҳиндистон билан баробар туради.

Ишсизлик билан боғлайдиган бўлсак, Мисрда ишсизлик АҚШ, Европа Иттифоқидаги ўртacha миқдордан камни ташкил қиласди. Аникроғи, Франция, Польша, Туркия, Ирландиядан кам. Латвия ва Испанияга қараганда эса, икки марта кам.

Иқтисодий тенгсизлик ҳам ҳалокат ёқасида бўлмаган. БМТнинг инсон тараққиёти дастури бўйича кейинги Ҳисоботида Миср 145 мамлакат орасида 120-ўринда турган. Ўта қашшоқлашув фоизи нуқтаи назаридан қараганда эса, Миср Швеция, Франция, АҚШ, Австралия билан бир қаторда турган.

Ливия. Интернетда берилган “Саҳронинг қонли баҳори” номли мақолада Ливияда 2010 йилда инсон потенциали ривожи 0,755 ни, жон бошига даромад (ВВП) – 14878 АҚШ долларини ташкил қилгани, ахоли саводхонлиги 82% (эркаклар – 96,5%)ни ташкил этгани ва бу минтақада яхши кўрсаткич бўлгани қайд этилади. Ишсизлик 20%ни ташкил этиб, бунинг сабаби бўш иш ўринлари йўқлигига эмас, балки ливияликларнинг ишлашни хоҳламасликларида экани таъкидланади.

Ливияда араб, африка, европа мамлакатларидан келган гастербайтерлар ишлашган. Тиббий ҳамширанинг ойлик маоши 1000 долларни ташкил этган. Ливия ёшлари ишлашдан кўра 700 АҚШ дол-

ларидан иборат ижтимоий тўловни олиб яшашни маъқул кўрган. Нон 1 цент, 1 литр бензин 10 центни ташкил қилган. Ливиялик ёшлар бепул олий маълумот олишган. Тиббий хизмат бепул ва юксак сифатли бўлган. Дори-дармонлар сифати ўта қаттиқ назорат қилиниб, яроқсиз, ясама дори сотганларга ўлим жазоси берилган. Агар ёш ливиялик уйланса, унга 60 минг АҚШ доллари, ҳар бир туғилган чақалоқ учун 7 минг доллар берилган.

Умуман, араб мамлакатлари иқтисодий жиҳатдан бошқа мамлакатлар орасида “энг ёмон”лар қаторида турмайди. Шу сабабли 2011 йил 17 январ куни Уммонда 200 нафар намойишчининг ойлик маошни кўтариш, турмуш даражасини оширишни талаб қилиб намойишга чиқиши оммавий ахборот воситалиари мухбирларини ҳам ҳайратга солган. Чунки Уммон иқтисодий-сиёсий жиҳатдан мўътадил мамлакатлардан бири саналади.

Флэшмоб ҳодисаси¹³

“Араб баҳори” пухта тайёрланган мафкуравий операция деган хулоса, воқеалар ривожланган сайин кучайиб бормоқда. Ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини жисман маҳв этиш шарт эмаслиги ўз тасдигини топгандек гўё. Зеро, онги ва қалби, қараш ва кайфиятлари Фейсбуқ, Твиттер орқали забт этилган, флэшмоб усули орқали бошқарилган ерли аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин. Бунинг учун ўша бойликларнинг ҳақиқий эгалари миясини забт этиш кифоя қиларкан. Мафкуравий босқин катта-катта ҳудудларни, айниқса, бой табиий ресурслари бўлган

¹³ Бу ҳодисанинг батафсил таърифи Ойбек Мансурмонкуловнинг ушбу китобда берилаетган мақоласида келтирилган. Қаранг: 101–109-бетлар.

минтақаларни эгаллаб олишнинг энг қулай ва камхарж усули экан. Бундай шароитда одам қаршисида қад күтариб турган оқ деворни қора, қора деворни оқ дея бошлайди. Чунки у ўзига, кўзига ишонмайди. “Дўсти” нинг сўзига ишонади.

Айрим ҳаётий ҳудудларини кенгайтириш истагида яшаётган давлатларга хизмат қилаётган сиёсий технологлар ҳалқни раҳбарига, ўзи сайлаган ҳукуматига қарши қўйишнинг юзлаб усулларидан фойдаландилар. Бу эса уларга нисбатан мамлакат конституцияси асосида қонуний чоралар қўлла-нилишига сабаб бўлди.

Бир мисол. Сурияда мамлакат конституциявий тузумига қарши шиорларни миллионлаб ёшларга тарқатган Facebookка кириш йўли тўсилади. Шунда “Мана, Башар Асад сурияликлар ҳали эркин матбуот, интернетдан фойдаланиш даражасига етишгани йўқ”, демоқда, деган хабар ёйилади. Кўриниб турганидек, бу интернетдан фойдаланувчи ҳар бир сурияликни унинг ўзи сайлаган Президенти Асадга қарши қайрашдир. Шу сабабли “араб баҳори” оқибатлари ҳақида фикр билдирган жаҳоннинг йирик давлат арбоблари, мутахассислар бу ғалаёнларнинг сабаб ва оқибатларини ўрганишда Googleнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратиш кераклигини айтмоқдалар.

Бузғунчи, вайронкор ғояни бир киши бир-икки кишига ёйса, зарари камроқ бўлади. Лекин бир лаҳзада миллионлаб кишига ёйилган вайронкорлик қутқуси бир зумда мамлакат маънавий майдонини қора рангга бўяйди. Айрим сиёсий-молиявий гуруҳлар интернет тизимининг мана шу имкониятидан унумли фойдаланишди. Масалан, Мароккода 2011 йил 20 феврал куни Facebook орқали оммавий равишда қарши туриш намойишларига чиқишига

даъват тарқатилди. Шу сабабли Тунис, Миср, Ливияда провайдерлар микроблогинглар фаолиятини чеклаб туришди.

Миср инқилобида “6 апрел Ёшлар ҳаракати” ҳал қилувчи ролни ўйнаган. Миср блоггерлари Facebookда шу ном остида уларни қўллаб-қувватлаган. Буларнинг ҳаммаси Миср ва бошқа мамлакатлардаги ғалаёнлар ташки таъсир асосида бўлганлигини тасдиқлади. Яна бир мисол. Миср ёшлари ўзларига “Кифайя (Етар)!”, серб ёшлари “Отпор！”, грузин ёшлари “Кмарা (Етар)！”, россиялик ёшлар “Мудофаа” каби даъватларни шиор қилиб олишган.

Натижалар

Орзу-мақсадлари уйғун жамиятни ям-яшил маънавият майдони деб қарайлик. Вайронкор ғоя оралаган майдон қора доғлар босган яшил майдонга ўхшайди. Қора доғ қанча кўпайса, мамлакатни ёвузлик ва жаҳолат боса бошлайди. Одамлар ваҳшийлашиб, бир-бирларига душманларча, ёвларча қарашга ўтишади.

Мафкуравий полигонларда жанг тинч бошланади. Оқибати кейин, кўзлари ғазабга тўлган жоҳиллар “дўст”лари ёзиб берган шиорларни қўлларида кўтариб кўчаларни тўлдирганда намоён бўлади. Аслида, бу одамлар ўз душманларининг хизматкорлари бўлиб қолганларини билишмайди.

“Араб баҳори” Арабистонга баҳор, хайру барака эмас, кулфат келтирди. Араб давлатлари Лигаси бош котибининг ўринбосари Мухаммад ал-Тавожирий буни расман эълон қилди. Унинг шоҳидлик беришича, 2012 йил 1 январ куни ҳолатида “араб баҳори” ўзининг “ташифи” билан 75 миллиард АҚШ доллари микдорида молиявий зарар келтирган.

Бундан ташқари 23 февралга келиб бир баррель нефт нархи 2008 йилдан кейинги энг қиммат дара-жага – 100 долларга етган.

Келгинди “баҳор”нинг касофати ижтимоий соҳага ҳам урди. Иорданияда режалаштирилган ралли бўйича жаҳон чемпионатининг тўртинчи босқичини ўтказиш хавф остида қолди.

Арабистонда содир бўлган, бўлаётган нохуш во-қеалар хронологик “тасма”сини орқага айлантиrsак, иш ширин танишувлардан, SMS, дўстона “чат”лардан бошланганини кўрамиз. Мафкуравий технологиялар нуқтаи назаридан қараганда, бу манипуляция – си-фатли бажарилган буюртма. Аҳоли, айниқса ёшларни авраш, маълумотни сохталашиб тарқатиш, чалғитиши, қархисида турган одамни режа асосида (ўзига билдиrmай) бошқаришдир.

Кўзланадиган натижалар: жамиятдаги мавжуд тинчлик ҳолатига раҳна соловчи муаммолар ме-диаторларини, рекруеторларни, “таъсир кўрсатиш агентлари”, волонтерларни киритишидир. Натижада тинч турмушда парокандалик келтириб чиқарадиган вазият, воқеа, киши ёки кишилардан иборат гуруҳлар пайдо бўлади. Жамиятга, миллий қадриятларга па-рокандалик келтирувчи шахслар, интернет сайтла-ри “мафкуравий-нафрат агенти” сифатида фаолият кўрсатади. Уларнинг сиёсий найрангбозликлари фош қилинмаса, уларга ҳар бир фуқаро қарши турмаса, лоқайд бўлса, одам ўзи сезмаган ҳолда уларнинг ма-лайига айланиб қолиши мумкин.

Нима қилмоқ керак?

Ўзбекистонликлар мафкуравий бекарорлик мил-латнинг бирдамлигига, бу орқали эса давлатнинг қудратига путур етказишини яхши биладилар. Мус-

-тақилликнинг бошида собиқ коммунистик мафкура ўрнида қолган бўшлиқдан фойдаланиб, дарҳол бизни эгаллаб олиб, бошқариш мақсадида диний ақидапарастларнинг гумашталари изғиб қолишиди. Бу халқимиз онги ва руҳиятига ташқаридан уюстирилган, бегона ва ёт мақсад-манфаатларга хизмат қиласиган ғоявий босқинчилик эди.

Улар ҳақиқатни сохталаштириб, одамлар хотирасидан ўчириб, ўз “ҳақиқат”ларини ёзишга интилишиди. Ўзимизнинг ўзбекона қадриятларни қадрсизлантиришга уринишиди. Алдов ва макр билан ёшларни ўз ота-оналарига, жамиятга қарши қўйишиди, хиёнат ва сотқинликни фидойилик деб кўрсатишиди. Чунки хиёнат уларга даромад келтиради.

Арабистонда четдан киритилган вайронкор ғоя арабларнинг бошларини бир-бирига уриб ёраёттир. Нодон қўллар дастидан нодон бошлар ёрилаёттир. Фейсбуқ, Твиттерга ишониб алданган кўплаб ёшлар бошига ўхшаб.

Халоскор фикрлар

Мұхтарам Президентимизнинг бу ҳудудда мажаролар тезроқ тугаб, тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишини истаймиз, деган фикрлари ҳар бир ўзбекистонлик қалбида ёрқин акс садо берди. Маърифат аҳли бу нотинчлик ичкаридан эмас, четдан келганини, кимлардир четдан туриб, халқнинг орасини бузаётгани, араблар бошига тушган бу бало кимларнингдир режаларига кирган иш эканидан огоҳ бўлди. Арабистон устига ёпирилган бу фожиа, келишмовчилик, албатта, ўтиб кетади. Фақат чидам ва умуммиллий аҳиллик керак.

Яна бир мухим гап. “Араб баҳори” хусусида Президентимизнинг халқимиз мафкуравий имму-

нитетига пойдевор бўлган қуидаги фикрлари чинакам ҳақиқат экани исботланди:

- “... Бугунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун «Эркинлик ва демократияни олға силжитиши» ниқоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади”.
- “... Айрим қудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларга, авваламбор, ер ости, ер усти бойликларига эга бўлган ҳудудларга нисбатан олиб борилаётган ана шундай ғаразли сиёсатни дунёning айрим минтақаларида тинч ҳаётнинг издан чиқиши, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатларнинг манфаатларига хизмат қиласидаган кучларнинг келиши билан боғлиқ мисолларда кўриш қийин эмас.

Ана шундай вазиятни ҳисобга олган ҳолда, яна ва яна бир бор халқимизнинг маънавий оламини бундай таҳдидлардан асраш, ҳозирги ўта мураккаб бир замонда халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида холис ва мустақил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди”.

- “... Тарихда кўп марта ўз тасдиғини топган, мен ҳам ўз тажрибамда синаган ҳаётий бир ҳақиқатни яна бир бор тақрорлашни зарур деб ҳисоблайман: агар биз аҳил бўлсан, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким, ҳеч қачон енга олмайди”¹⁴.

¹⁴ И. Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т., “Маънавият”, 2009, 116, 122- бетлар.

Шавкат ТЎРАЕВ,
*Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий
маркази илмий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари*

АРАБ БАҲОРИ

2010 йилнинг декабрь ойида араб мамлакатларида бошланган биродаркушлик ва хунрезликлар айнан “араб баҳори” деб аталишининг асосий сабаби, назаримизда, у ерларда ҳукмронлик ўрнатиб, бойликларига эгалик қилмоқчи бўлган учинчи кучларниң баҳоргача ўз мақсадларига эришиш учун ўйлаб топган режаларидан бошқа нарса эмас.

Чунки инсоният учун факат хавф-хатар ва зарардан бошқа ҳеч нарса бермайдиган бундай хунрезликини тўхтатиш учун эмас, балки унинг янада кескинроқ бўлиши, даҳшатлироқ олов олиши ва ўзини меҳрибон қилиб кўрсатаётган, аслида нияти бошқа кучлар аралашуви билан баҳоргача қаердаки бойлик кўп бўлса, у ерларни ҳам худди шундай ҳолатга солиш учун фаол ҳаракат олиб борилгани кундай равшан.

Бунинг натижасида 2010 йилнинг декабрь ойида араб юртларида намойиш ва норозиликлар ниқоби остида бошланган биродаркушлик урушлари Тунис, Ливия, Миср, Яман, Баҳрайн, Сурия ва бошқа араб мамлакатларига ҳам юриш қилди. Ва бу айнан ўз манфаати учун бошқалар уйини бузәётган учинчи кучлар кўнглига хурсандчилик олиб келувчи “баҳор” ҳисобланади. Чунки улар ёвуз ниятларига етаётганларидан, араб мамлакатларидаги бойликларга

эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритаётгандаридан хурсанддирлар.

Бугунги кунда Сурия давлатида юз бераётган воқеалар ҳам ана шундай кучлар саъй-ҳаракати экани намоён бўлмоқда. Тасаввур қилинг, Туркияning Сурия билан чегарадош Акчақалъа худудига Сурия томонидан ҳарбий снаряд келиб тушган ва 5 нафар киши ҳалок бўлган. Афсуски, бунинг ташкилотчиси ким экани ва нима учун бундай ишни амалга оширганини ҳеч ким билмайди. Ва уни топиб, тинчликни барқарор этишга ҳеч ким ҳаракат ҳам қилгани йўқ. Халқаро муносабатлар эса уларни хаспўлаш ва уруш оловини авж олдиришдан бошқа нарса эмас.

Бу эса Туркия ҳарбийларида босим юз беришига олиб келди. Уларнинг қўшниларига муносабати кенг жамоатчиликда турли саволларни уйғотмоқда.

Аввало, ушбу ҳаракат фожиани тинч йўл билан бартараф этишга уринаётган Сурия ҳукуматини халқаро миқёсда “ёмонотлик” қилиш, иғво орқали халқаро аралашувга эришишни кўзда тутаётган бўлиши билан бирга, Туркияни ҳам нотинчлик ботқоғига ботиришга қаратилгани эҳтимолдан холи эмас.

Бугун интернет сайтларини очиб қараб, бизнинг она юртимизга ҳам таҳдид солаётган, биздаги тинчлик, осойишталиктини бузишга, таъбир жоиз бўлса, аҳмоқона имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистонда ҳам конституцион тузумни ағдаришга интилаётган ўзимиздан чиққан ватанфурӯшлардан фойдаланиб, “араб баҳори”га ўхшаган нотинчликларни келтириб чиқаришга уринаётган ғаразли кучларнинг мақсад-муддаоларини англаш қийин эмас.

Хозирги пайтда араб дунёсида бўлаётган воқеа-ходисаларнинг барчаси учинчи кучлар манфаатла-

рига хизмат қилаётганини ўнлаб, юзлаб мисоллар асосида исботлаб, кўрсатиб бериш мумкин. Шундай экан, бир нарсани тан олайлик. Бизнинг юртимизга кимнингдир баҳори керак эмас. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, биз Худо сийлаган юртмиз. Бизнинг ҳамманикidan гўзалроқ ўз баҳоримиз бор. Ана шу баҳордаэртанги баҳтли кунини кўра олувчи, эзгу ниятлар билан ерга уруғ қадовчи бағрикенг, тинчликсевар халқимиз бор. Ана шундай халқни буюк келажак сари етакловчи Йўлбошчимиз бор. Шундай баҳтли юртни эъзозлаб, унинг янада порлок баҳти учун ҳаммамиз бир бўлиб меҳнат қилисак, ҳеч қачон бизнинг баҳоримиз қишига айланмайди ва у бизга яна ва яна тўкинчилик, баҳт-саодат олиб кела-веради.

Отабек БОЗОРОВ,
*Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий
 маркази етакчи мутахассиси*

БУГУНГИ КУННИНГ ЭНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ

Тинчлик – бебаҳо неъмат

Бугун ер юзининг деярли барча минтақаларида, барча давлатларда ривожланиш, тараққиёт йўлидан дадил қадам ташланмоқда. Замон шиддат билан илгарилаб боряпти. Лекин ер юзининг гоҳ у ерида, гоҳ бу ерида ноҳақдан ёки тутуриқсиз сабаблар рўкач қилиниб уруш, жанжал ва қон тўкишлар содир этилиши одамларни зада қилган. Қайсиdir юртда айрим кишиларнинг норозиликлари, турли сиёсий кучлар ва тарафкашларнинг ўзаро келишмовчилиги халқа тинчлик бермаяпти. Баъзи бир минтақаларда эса, тўхтовсиз табиий офатлар силсиласи инсонларни хонавайрон қилмоқда. Тинчлигини бузмоқда. Ҳозирги кунда барчамиз ер юзининг баъзи жойларида бўлиб турган турли офат ва балолар ҳақида радиодан эшитиб, телевидениедан кўриб турибмиз. Ана шу юртлардаги барча инсонлар, назаримда, тинчликнинг қадрига биздан кўра кўпроқ етишса керак. Сабаб шуки, Аллоҳ таолонинг бизларга берган улуғ неъматларидан бири – бу юртимиз тинчлигидир. Биз тинч бўлганимиз сабабли ҳам тинчликни нотинч яшаётганлардек қадрлай олмасак керак.

Тинчлик – бебаҳо неъмат. Уни асрар қолиш, авайлаш, керак бўлса, бу йўлда жон фидо қилиш шу

юртда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир шахснинг муқаддас бурчи эканини унут-маслик керак. Мана шу тинч ва осуда ҳаёт, фаровонлик, мусаффо осмон, фарзандларнинг беғубор кулгиси, ота-оналаримизнинг шукронавор умр ке-чиришлари юртимиздаги барқарорлик туфайлидир. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ жа-миятимизда хавфсизлик ва барқарорликни таъмин-лаш, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишта-лигини асраш асосий вазифалардан бири сифатида кун тартибидаги энг биринчи масалага айланди. Зоро, тинчлик, осудалик қарор топган заминда хотиржамлик ва фаровонлик ҳукм суради. Натижада эса, жамиятда, мамлакатда ҳар томонлама юксалиш ва ривожланиш рўй беради, Ватан равнақ то-пади. Одамларнинг ўзаро бир-бирларига ва давлат ҳокимиятига бўлган ишонч ва садоқати, меҳр ва му-руввати самимий бўлиши ҳам бевосита тинчлик ва хотиржамликка боғлиқдир.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам ҳадисларининг бирида тинчлик-хотиржамлик энг катта неъмат эканини таъкидлаб, шундай деган-лар:

“Икки неъмат борки, кўпчилик инсонлар унинг қадрига етмайдилар. У – хотиржамлик ва сиҳат-саломатлик”.

Маълумки, тарих жуда кўплаб турли мафкура ва маслаклар ўртасидаги зиддият ва қарама-қар-шиликларни бошидан кечирган. Оқибатда, улар на-тижасида ўзаро келишмовчиликлар ва нотинчлик-лар юзага келиб турган. Бироқ ҳамма давларда ҳам мамлакатнинг ривож топиши, тараққий этиши шу жойдаги халқнинг фаровон ва осойишта ҳаёт кечи-ришига боғлиқлиги аён бўлади.

Шу маънода халқимиз тинчликни юксак қадрлайди, уни орзу-интилишлари, эзгу ниятлари рўёбга чиқишининг муҳим кафолати, деб билади.

Юртинг тинч – сен тинч

Халқимизда “Юртинг тинч – сен тинч” деган мақол бор. “**Биз учун, юртимиз учун тинчлик ва осойишталиқ ҳамма нарсадан қадрлидир**”, дейилади Юртбошимизнинг “Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак” номли асарида.

Президентимиз 2012 йил 31 август куни Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан Тошкентдаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмууда диний уламолар, жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари билан бўлган сұхбатда бугунги кунда дунёнинг узоқ ва яқин минтақаларида рўй берадиган қарама-қаршиликлар, турли низо ва зиддиятлар, жумладан, Яқин Шарқ – айrim араб мамлакатларидаги нотинч вазият, хавфсизлик ва барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигига эътибор қаратган ҳолда, барчани мамлакатимизда ана шундай нотинчликнинг олдини олишга чақириди. Тинчлик учун курашиш борасида амалга оширилаётган ҳар қандай ишни ва осойишталиқни сақлашга ҳаракат қилаётган ҳар бир кишини юксак қадрлашини таъкидлаб ўтди. Сұхбат давомида Юртбошимиз тинчликни ҳадеб гапираверишнинг шукроналик, рози бўлиб яшашга олиб келишидан ташқари бошқа, салбий томони борлигидан ҳам огоҳлантириди: “**Одамлар шунга ўрганиб қоладики, уларда “ҳа, тепада раҳбарларимиз бор экан, улар таъминлайди, бизнинг шунча салоҳиятимиз, кучимиз бор экан, бўлаверади. Хавотир бўлмаслик керак**” ва ҳоказо каби фикр-

лар туғилади. Бунақа қарашга мутлақо қарши чиқиши керак. Бунақа қарашни умуман қабул қиласлик керак”¹⁵. Сұхбатда тинчлик ва осойишталиктин асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш фақат Президентнинг, ҳукуматнинг ва муайян соҳалар ходимларининг вазифаси, деганлар қаттиқ янглишиши алоҳида таъкидланди. Бу йўлда барчамиз, бутун ҳалқимиз янада жисп бўлиб, ҳамжиҳатлиқда ҳаракат қилишимиз кераклиги уқтирилди. Ўз уйингни ўзинг асра, деган гапда ҳикмат кўп, унинг маъноси кенг. Зоро, тинчлик учун курашиш керак, уни ҳеч ким яратиб бермайди.

Инсонлар нафақат мавжуд тинчликнинг қадрига етиб, шукрини адо этишлари, балки унга ношукрлик қилиб путур етказишдан ҳам сақланишлари, келиб чиқиши мумкин бўлган нотинчликнинг олдини олишда фаол иштирок этишлари лозим. Ҳар қандай ҳолатда, ҳар қандай жойда ҳар бир инсон тинчликнинг қадрига етиб яшаши керак. Зоро, шу азиз Ватан барчамизникими, унинг истиқболи, фаровон келаҗаги учун яшаш ҳар бир инсон учун катта баҳтдир.

Ён-атрофда нима гап?

“Бугунги кунда дунёning турли минтақаларида, хусусан, араб мамлакатларида содир бўлаётган нохуш воқеалар ҳар қандай соғлом фикрли инсонларни чуқур ташвишга солади, – деди давлатимиз раҳбари ўз фикрларини давом эттириб. – Турли можаролар, ўзаро қарама-қаршиликлар, қон тўкилишлар жаҳоннинг қайси мамлакатида рўй бермасин, бундан кўнглимиз ғаш тортади”¹⁶. Ҳақиқатан ҳам қачон, қаерда нотинчлик

¹⁵ “Тахлилнома” кўрсатуви. 2012 йил 3 сентябрь, душанба. Соат 8.00–8.40

¹⁶ <http://news.olam.uz>. 1 сентябрь, 2012

юз бермасин, атрофдагилар оз бўлса-да, хавотирга тушиши табиий, албатта.

Шу ўринда Яқин Шарқда – айрим араб мамлакатларида юз берган нотинчлик ва турли нохуш воқеалар, хусусан, “араб баҳори” ҳақида тўхталиб ўтсак¹⁷.

Аввало, “араб баҳори” нима? Нима учун “араб баҳори” деб номланган? У қачон ва қайси воқеадан бошланган? Унинг илдизи ва томири қаерда, каби саволларга жавоб излашдан бошлаймиз.

Араб баҳори – 2010 йил 18 декабрда араб юртларида бошланган инқилобий намойиш ва норозиликлар тўлқинининг мажозий номланишидир. Бу инқилоблар Тунис, Ливия, Миср, Яман, Баҳрайн, Сурия ва бошқа мамлакатларда бўлиб ўтди. Бу воқеаларнинг сабаблари ҳақида кўплаб фикрлар, қарашлар мавжуд, уларни ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди. Хўш, “араб баҳори”ни ким қандай изоҳлайди?

Шайх Солих Фавзон “араб баҳори” ҳақида сўз юритиб, воқеалар ривожига диний талқин беради. Унинг фикри қўйидагича: Аллоҳга қасамки, биз ҳеч қандай баҳорни кўрмадик! Одамлар қатлидан бошқа ҳеч нарса кўрмадик ва фитна кўрдик, ундан бошқа нарса эмас... Бу ҳеч қандай баҳор эмас. Ҳа, уни фақат

¹⁷ Маълумот учун: Ўзбекистон мустақилликка еришгач, эътиқоди, анъаналари ва урғодатлари яқин бўлган Осиёдаги, Яқин ва Ўрта Шарқдаги мусулмон давлатлар билан тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиши имкониятига эга бўлди. Ушбу давлатлар билан сиёсий, иктисадий, маданий ва гуманитар алоқалар ривожланмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон дунёнинг 120 дан ортиқ давлати билан дипломатик алоқа ўрнаттан.

Тошкентда 44 та элчихона, 9 нафар фахрий консул, 10 та халқаро ташкилот ваколатхоналари, 5 та халқаро молиявий ташкилот ваколатхоналари, 3 та савдо ваколатхонаси фаолият юритмоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг 46 та дипломатик ва консулий ваколатхоналари чет давлатлarda ва халқаро ташкилотлар хузурида, шу жумладан, Нью-Йорк шаҳрида БМТ хузуридаги доимий ваколатхонаси ҳамда Женева шаҳрида БМТнинг Европа бўлимни ва бошқа халқаро ташкилотлар хузурида фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси 100 дан зиёд халқаро ташкилот аъзосидир. Улар орасида айниқса БМТ, ШХТ, МДХ, КХШТ нуфузли ташкилотлардир. Европа Иттифоки ва НАТО билан яқин ҳамкорлик алоқалари ривожланмоқда.

улар шундай (баҳор деб) номлашади. Мусулмонлар эса, буни баҳор дейишмайди, лекин фитна ва ёвузлик дейишади. Шундай. Яна бу улар учун баҳор экани ҳам тўғри. Чунки, у (баҳор) сабаб мусулмонларга зарар етказишияпти ва бундан хурсанддирлар. Ва бу улар учун “баҳор”.

“Америка овози” кўрсатуви “араб баҳори” ҳақида:

«Тунисда декабр ойи бошида мева сотадиган Муҳаммад Буазизий полициянинг ўзбошимчалигига ва қашшоқликка қарши норозилик изҳор этиб, Сиди-Бузид шаҳар мэрияси олдида намойишкорона “Золим ҳукуматдан дод!” деб ўзига-ўзи ўт қўйди. Юзлаб одамлар унинг фикрини қўллаб, намойишга чиқдию тарих ўзгарди. Ана шу биргина ўлим бутун бошли қўзғолонга туртки берди. “Араб баҳори” бошлангандан бери Миср, Тунис, Ливия ва Сурия каби давлатларда бир хил манзаранинг шоҳиди бўлдик», дейди “Америка овози” кўрсатуви мухбири.

“Араб баҳори” деганда, кўпчилик одамлар воқеалар баҳорда бошлангани учун шундай номланган деб ўйлашмоқда. Аслида ундаи эмас. Чунки юқорида айтиб ўтилганидек, араб воқеалари баҳор фаслида эмас, балки декабр ойида бошланган. Юқоридаги маълумотларга кўра шуни айтиш мумкинки, намойишлар бўлиб ўтаётган давлатлардаги халқ бугунги қунгача кучли тазийқ остида яшаган ва бу ҳолатни улар мажозий маънода булутли қиши кунлари деб, энди эришилиши кутилаётган ғалаба ва ундан кейинги ҳаётни эркинлик, арабларнинг “баҳори”, ёруғлик, енгиллик ҳамда эркинлик кунлари деб изоҳлашмоқда. Тўғри, Мисрда 2008 йил 6 апрелда дастлабки иш ташлаш ва намойишкорона ҳаракатлар рўй берган эди. Лекин асосий воқеалар

ривожи 2010 йил декабрда Тунисда бир савдогарнинг, 2011 йил январда Яманда бир ёш таксичининг ўзига ўт қўйишидан бошланган.

Араб дунёсини “баҳор”га олиб чиқиши мақсад қилиб қўйган намойишчиларнинг мақсадлари ва нотинчилклар сабаби ҳақида ҳамма ҳар хил фикр билдиримоқда.

Атрофдагилар нима дейди? Масалан, интернет тармоғининг *chouxona.com* номли сайти аъзолари қуидагича тортишув ва мунозара олиб боришаётганинг гувоҳи бўлдик:

“Акхее-Абдуллаҳ”:

... “араб баҳори” орқасида қора кучлар турибди, бу менинг шахсий фикрим.

“Маҳдий”:

Сиз айтгандек “араб баҳори” ортида кимдир турган бўлиши мумкин, аммо Миср исёнини босқичмабосқич кузатсангиз, ҳалқнинг иродаси ва ҳаракати бирламчи бўлганига амин бўласиз.

“Бача”:

Мен бу масалани турлича, дини ҳам ҳар хил кучларнинг ҳақиқий сиёсий ўйини деб қарайман.

Кўриб турганингиздек, ҳамма ҳар хил қарашини илгари суради. Арабистонлик шайх бунинг ташқаридан туртки бериб уюштирилганини ва ташкилотчилари ўзларича “араб баҳори”, яъни араб ҳалқининг баҳордек ёруғликка, эркинликка чиқиши деб изоҳлаётганликларини таъкидламоқда. Америка овози” кўрсатувида эса, Тунисда оддий бир сотувчи одамнинг ўзига ўт қўйиб ўлдирганидан кейин ҳокимиятга қарши намойиш бошланганини, яъни барча нотинчилклар сабабчиси, аслида, ўша биргина одам ва ҳокимиятнинг шафқатсизлиги деб кўрсатилди.

Биз ҳам “араб баҳори” воқеаларини ўрганиб чиқишига ва ушбу ҳолатни ўзимизча изоҳлашга ҳаракат қилдик.

Жаҳонда геосиёсий вазият ва демократия

Маълумки, тоталитар тузум емирилгандан кейин дунёнинг қутбларга бўлиниши барҳам топди. Лекин демократик асосларга барқарорлик бағишиламасдан ва мустаҳкамламасдан, янги мустақил давлатлар хавфсизлиги ва қатъий ривожланишига эришиб бўлмаслиги маълум. Ҳозирги кунда дунёнинг 160 дан ортиқ давлатида “демократик жамият” тушунчалиси умумбашарий ва миллий қадрият сифатида қарор топган бўлиб, инсоният ҳаёт тарзининг энг мақбул ривожланиш йўли экани кенг эътироф этилмоқда. Бугунги дунёда мавжуд илмий концепцияларда демократик жамиятнинг қиёфаси, асослари, яшаб қолиши ва ривожланишининг умум эътироф этилган қонуниятлари ҳамда ҳар бир давлат, халқнинг миллий-маънавий хусусиятлари билан боғлиқ жиҳатлари ўз ифодасини топмоқда.

Жаҳонда геосиёсий кучлар мувозанатининг ўзгариши, айrim ривожланган давлатларнинг ўз демократиясини “экспорт” қилиш орқали дунёга ҳукмронлик учун очиқдан-очиқ даъвогарлик қилиши ҳеч кимга янгилик эмас. Яқин Шарқ минтақасига, жумладан, араб мамлакатларига ўз таъсирини ўтказишга уринаётган кучлар ўртасидаги геосиёсий рақобатнинг кучайиши улар мустақиллигига таҳдидларнинг янги турлари сифатида намоён бўлаётганини кўрсатади. Ўз навбатида, бундай ҳаракатлар Яқин Шарқ ва Шимолий Африка, жумладан, айrim араб давлатларининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ортиб бораётгани, улкан табиий-

иқтисодий ва бошқа ресурс салоҳиятига эгалиги улар хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хатарлар сақланиб қолаётган минтақа сифатида ҳамон жаҳон ҳамжамияти дикқат марказида турганлигини ҳам англатади.

Демократик жамият қуриш модели дунё ҳалқлари томонидан эътироф этилган умумий принципларга эга. Лекин бундай жамиятни “экспорт” қилиб, “қурдириш” унинг асли қонуниятларига зиддир. Демократия, демократик жамият қудратли бўлиб кўрингани билан, айни вақтда, бир қутбли дунёда ҳукмронлик қилиш даъвоси билан сиёсий майдонга чиқаётган айрим кучлар ундан ниқоб сифатида фойдаланишга ҳаракат қилиши табиий. Президентимиз Ислом Каримов 2012 йил 31 августда Қатағон қурбонларини ёд этиш қуни муносабати билан Тошкентдаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуудаги сухбатда араб мамлакатларида юз бераётган нотинчилклар ҳақида тўхтала туриб, уларга ким туртки бермоқда деган саволга қуйидагича жавоб қилди:

“Кимдир четдан туриб уларнинг орасини бузяётгани ҳаммамизга маълум. Биламиз буни. Қаердан бу бало келади ва бу кимларнинг манфаатларига, кимларнинг қандайдир режаларига кўмак беради, керак бўлса, уларнинг режаларига жавоб беради”¹⁸.

Эътибор қиладиган бўлсак, араб мамлакатларидаги намойишчилар асосан демократия бўлишини талаб қилаётгандарини кузатамиз. Уларга демократияни олға суриш учун “кўмак” бермоқчи бўлаётгандар ҳам яққол кўзга ташланиб турибди. Яқин Шарқда тинчлик ўрнатмоқчи, инсонлар хуқуқини химоя қилмоқчи бўлаётган ва халқни демократия-

¹⁸ “Таҳлилнома” кўрсатуви. 2012 йил 3 сентябрь, душанба. Соат 8.00–8.40

га олиб чиқиши энг олий “мақсади” қилиб кўрсатаётган кучлар режаси уларнинг ўзларига яхши маълум. “Демократия” ниқобидан фойдаланишга уриниш ҳолатлари ана шундай нохушликларни келтириб чиқариши мумкинлигини ҳам билишади. Шу тариқа араб мамлакатларидағи воқеаларни зимдан бошқариб турган “учинчи куч”лар у ерга демократияни “экспорт” қилиб, ўз мақсадларига эришишни кўзлашган.

“Демократия экспорти”. Номидан ҳам сезиладики, бунда бир давлатга бошқа давлатдаги мавжуд демократияни кўчириб олиб келиш, экспорт қилиш турли йўллар орқали амалга оширилади. Шулардан бири – демократик тузум олиб кирилиши керак бўлган давлат халқининг мавжуд тузумга нисбатан ишончини йўқотиш ва бу давлатда демократия мавжуд эмас, дея ишонтириш орқали амалга оширишдир. Шу тариқа “демократия экспорти” давлат мустақиллигини хавф остига қўяди. Инсон ва давлат муносабатларида мураккаблик юзага келади. Ана шу ҳолатда демократия мавжуд эмас, дея эътироф этилган давлатда турли намойиш ва кўзғолонлар орқали халқнинг давлат раҳбари ва ҳокимиятга қарши чиқиши уюштирилади. У давлат сиёсатига қарши гижгижланади. Аҳолида ҳукуматга ва унинг сиёсий фаолиятига нисбатан норозилик кайфияти туғдирилади. У ердаги аҳолига эса ўзлари кўрсатган “йўл” тўғри экани сингдирилади ва ташқи кучлар манфаатига хизмат қиласидан раҳбарни сайлашга интилишади. Аста-секин давлат демократияни экспорт қилаётган ўзга давлатга иқтисодий-сиёсий, маънавий-маърифий қарам бўлиб боради. Қолаверса, бунинг натижасида мустақилликка путур етади. Яъни, сиёсий-иктисодий, ғоявий-мафкуравий

ва маънавий жиҳатдан қарамлик келиб чиқади. Бунга ахолини, айниқса, ёш авлодни ўз томонига оғдириш, Ватанига, давлат ҳокимиятига нисбатан қарши тарбиялаш орқали эришилади.

“Учинчи куч” таъсири

Шундай одамлар борки, улар учун бошқаларнинг тинчлиги ва осойишталигидан кўра ўзларининг бойлиги ва фаровонлиги устундир. Яъни, ундейлар ўзгаларнинг хонавайрон бўлиши эвазига бойлик ва даромад орттиришни кўзлайдилар. Оддий одамлар орасида ҳам бундай ҳолатни кузатишимиз мумкин. Яъни, кимдантир фойда ундириш учун бошқа бир учинчи шахсдан фойдаланилди. Натижада, ўзи begunoхдек кўринади-ю, учинчи шахсни ёмонотлиқقا чиқаради ва иккала шахс бир-бири билан уруша бошлайди. Оқибатда эса, урушни бошлаб берган асосий кимса уларнинг жанжалидан фойдаланиб, ўзининг мақсадига эришади.

Яна бир мисол: А. исмли шахс у (игрик) ташкилотнинг раҳбари. У *х* (икс) ташкилотнинг манфатига хизмат қилмайди ва эҳтиёжини қондиришдан бош тортади. *х* ташкилотидагилар у ташкилотдан ўзлари учун хизмат қилиши мумкин бўлган Б. исмли ёш ходимни топиб, унга А. ни ёмонлашади ва А. ҳамда Б.ни бир-бирига душманлик кайфиятига келтиришади. Энди *х* ташкилот ходимлари Б.нинг А.га қарши бош кўтариб, намойиш уюштириши учун турли сабаблар топиб бериш билан бирга у ташкилотнинг барча ходимларини ана шу намойишга жалб қилишга кўндиришади. Б. ёки у ташкилотнинг бошқа ходимига ана шу ташкилотнинг раҳбарлик лавозимини ва қолганларига ҳам турли мансабларни ваъда қилишади. Шунингдек, улар танлаган

шахс ёш ва қизиққон бўлиши мақсадга мувофиқ ҳи-
собланади. Агар воқеалар ривожи х ташкилот ходим-
лари ўйлагандек давом этиб, худди улар кутган на-
тижа билан якунланса, энди ўша ўзлари хоҳлаган ва
ўзларига “хизмат” қиласиган шахсни раҳбарликка
ўтқазадилар. Шу билан х ташкилот ўзи кўзлаган сиё-
сий, молиявий-иктисодий ва мафкуравий мақсадига
эришади. у ташкилот эса ўзи билиб-бilmаган ҳолда
х ташкилотга қарам бўлиб қолади ва барча бойлик-
ларини секин-асталик билан у га бера бошлайди.
Яъни, у сиёсий ва молиявий-иктисодий жиҳатдан
қарам бўлиб қолади.

Араб мамлакатларида бўлаётган воқеаларни
ҳам худди шундай табиатга эга, деб ўйлайман. Бу
ерда ташқи кучлар халқни давлатга қарши қайраб,
давлат томонидан амалга оширилаётган сиёсат
мутлақо нотўғри, деган фикрни оддий аҳоли онгига
сингдирган ҳамда турли намойишлар, қўзғолонлар
ўтказилишини таъминлашга эришган. Оқибатда,
халқ ва ҳукумат ўртасида келишимовчилик юз бер-
ган ва ички урушлар бошланган.

Интернетнинг www.russian-club.net сайтида
араб мамлакатларида бўлаётган воқеаларга дунёning
йирик давлатларидан бири бевосита ташқи таъсир
кўрсатувчи куч сифатида алоқадор экани келтириб
ўтилади. Яъни, сайтдаги Иосиф Спивак муаллиф-
лиги остидаги “Яқин Шарқдаги араб давлатларида
демократия ўрнатиладими?” сарлавҳали мақолада
шундай жумлалар келтирилади:

Америкалик юксак мартабали дипломатлардан
бири Миср республикаси президенти Хусни Муборак
 билан учрашган чоғида ниҳоятда эҳтиёткорлик би-
лан инсон ҳуқуқлари масаласидан сўз очиб, **Миср**
ҳукумати сиёсий рақибларга бўлган муносабатини

бир оз юмшатиб, оммавий ахборот воситалариға эркинлик берса бўлмасмикан, дея таклиф киритди. “Агар бундай қилганимда, Миср шу вақтгача ақидапарастлар қўлига ўтиб кетган бўлар эди. Сиз шуни хоҳлайсизми?!” дея дарғазаб жавоб берди Ҳусни Муборак. Ҳақиқатан, Миср ҳукумати ақидапараст “Мусулмон биродарлар” ҳаракатига қарши аёвсиз кураш олиб боради. Саудия қироллигининг закий воизи шаҳзода Бандар ибн Султон АҚШ расмийларига қаратса, агар унинг ҳукуматига босим ўтказишда давом этса, бу ҳокимият ўрнига келадиган янги ҳукумат демократик давлат бўлмайди... “толибонлик руҳидаги теократик давлат” бўлади, деган эди. Қувайт амири АҚШ таъсирида аёлларга сайлаш ҳуқуқини бериш тўғрисида таклиф киритди. Бироқ тўлиқ ақидапарастлардан иборат демократик йўл билан сайланган парламент амирнинг бу ташаббусини буткул рад этди.

Подшоҳлар ўз ҳукми остидаги жамиятда ҳар бир сиёсий масалага муроса йўли билан ёндашаётган Уммон, Қатар, Баҳрайн, Иордания, Жазоир ва Марокаш каби давлатларда ҳам шунга ўхшаш анъ-аналар ҳукм сурмоқда.

ovoza.com сайти хабар беради

Биринчи хабар: “Бенгазидаги консулликка уюштирилган ҳужум оқибатида АҚШнинг Ливиядаги элчиси Кристофер Стивенс ўлди, дея хабар беради «Ал-Арабия» телеканали.

Элчидан ташқари элчихонанинг яна уч нафар ходими ҳам ўлдирилган, бироқ уларнинг исм-ширифлари ошкор этилмади.

Кеча консулликка ғазабнок оломон ҳужум қилган. Улар АҚШда бир гурух ҳаваскорлар томонидан

суратга олинган «Исломнинг бегуноҳлиги» филмидан қаттиқ норози бўлишган. Муаллиф мазкур фильм орқали Ислом дини ва мусулмонларни кескин танқид қилган ва бу ислом дунёсида қаршиликларга олиб келди.

Жаҳл отига мингандан оларга нафақат АҚШнинг Бенгазидаги консуллигига, балки Мисрдаги элчихонасига ҳам ҳужум қилган. Одамлар Америка байробини ёқиб, элчихонага «Ал-Қоида»нинг байробини илиб қўйишган.

Можароларга сабаб бўлган фильм муаллифи Сэм Бейлис Ливияда Америка элчисининг ўлдиришидан афсусдалигини билдириди. Бироқ у элчининг ўлимидан ўзини эмас, қўриқлаш хизматини яхши йўлга қўймаганлиги учун консулликни айблади¹⁹.

Иккинчи хабар: «Исломнинг бегуноҳлиги» филми сабаб араб дунёсида АҚШ элчихоналарига ҳужумлар давом этмоқда. Бугун эрталаб Яман пойтахти Санода ҳам Америка дипломатик миссияси биносига ҳужум уюштирилди.

Газабнок оларга элчихона ёнидаги хавфсизлик хизмати биносининг ойналарини синдирган ва асосий дарвозадан ичкарига киришга уринган. Бунга жавобан хавфсизлик кучлари олмонга қа-рата ўқузган, оқибатда бир неча киши яраланган. Элчихона ходимлари зудлик билан хавфсиз жойга кўчирилган.

Оларга элчихонага қарашли бир нечта автомашинага ўт қўйган. Худди шунга ўхшаш ҳужум Мисрда ҳам бўлиб ўтди»²⁰.

Юқоридаги маълумотларни араб мамлакатларидаги нотинчилклар бевосита араб халқи томонидан эмас, балки қандайдир ташқи кучлар томонидан уюштирилгани ва айнан уларнинг мақсад ва

¹⁹ ovoza.com. 2012 йил 12 сентябр. Ливияда АҚШ элчиси ўлдирилди.

²⁰ ovoza.com. 2012 йил 13 сентябр. Яманда Америка элчихонасига ҳужум қилинди.

режаларига хизмат қилишини исботловчи мисол сифатида көлтирилдик. Демак, шундан ҳам керакли хulosани чиқариш мүмкин.

Бизга бу масалани шархлаб, воқеаларнинг келиб чиқиш сабабини ўрганиш нима учун керак, ахир у биз учун яқин жойда эмас-ку, қолаверса, биз билан боғлиқ жойи ҳам йўқ, дейдиганлар қаттиқ адашиши Президентимиз томонидан ҳам таъкидлаб ўтилди:

“Дилни хира қиласиган бундай воқеалар биздан узоқда, деб унга лоқайд қарашиб хомхаёлликдир. Нега деганда, бундай бало бир мамлакат ёки минтақа доирасида чегараланиб қолмайди, вақтида бартараф этилмаса, тобора қучайиб, бошқа мамлакат ва минтақаларга ҳам ёйилиши мүмкин”²¹.

Дарҳақиқат, бундай воқеаларнинг бошланиши аввал биргина давлатда кузатилган бўлса, кейинчалик у қўшни давлатларга ҳам кўча бошлади. Бора-бора деярли барча араб мамлакатларига хавф солди. Шундан хulosса қилиб айтиш мумкинки, у бошқа минтақа ва мамлакатларга ҳам келмайди деб бўлмайди. Араб дунёсида ҳозирги даврда шундай воқеалар юз бериши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди. Улар лоқайдлик қилганликлари, огоҳликни су сайтирганликлари натижасида ана шундай нотинчликлар юз берди. Лоқайдлик ва эътиборсизликлари ўзлари учун энг ашаддий душманга айланди. Бундан сабоқ чиқаришимиз лозим.

Интернет – “намойишлар асосчиси”

“Араб баҳори” ҳақида тарқатилаётган хабарларга кўра, намойишчиларнинг асосий қисми ёшлар

²¹ <http://news.olam.uz>. 1 сентябр, 2012. 31 августда “Шахидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасида бўлиб ўтган сухбатдан.

(!), улар асосан глобал сетлар орқали бир-бирлари билан танишишган ва ижтимоий тармоқларда²²(!) суҳбатлашиш орқали бир-бирларини намойишга чорлашган. Бунда асосан Twitter, Facebook ва YouTube каби ижтимоий тармоқлардан фойдаланилган. Ана шу тармоқларнинг аъзолари ўзаро тил бириктириб, намойиш жойини белгилашган. Ҳар қандай хабарлашув интернет орқали амалга оширилган. Қизиги шундаки, намойиш бошлаш таклифини киритган Facebookдаги аъзолар ўзлари мамлакатдан ташқарида бўлишган. Намойиш ва жанжаллар вақтида ҳам фақат мамлакат ичкарисида бўлган ёш аъзоларгина тўпланган, холос. Бундан сезилиб турибдики, араб дунёсидаги воқеалар асосан глобал тармоқ орқали ташки кучлар таъсирида уюштирилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Шу ўринда яна бир маълумот: Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг билдиришича, 2012 йилнинг 1 майига келиб интернетдан фойдаланувчилар сони 9 миллион 100 минг нафарга етди. 2011 йилда бу рақам 8,8 миллионни ташкил этган эди. Юртимизда мобил инернетдан фойдаланувчилар 5 миллион 200 минг нафарни ташкил қиласди. UZ доменида қайд этилган сайtlар сони 14 мингдан ортган.

“Бугун психологлар янги касаллик, яъни «фейсбукмания» ҳақида анча хавотир билан гапиришмоқда, – дея хабар беради fikr.uz сайти. – Дарҳақиқат, эрталабдан кечгача дунёдаги энг машҳур иж-

²² Таркиби фақатгина иштирокчилардан иборат ва улар орасида мулоқотни ўрнатувчи, кўп фойдаланувчиси бўлган интерактив веб сайtlар асосида яратилган тармоқ ижтимоий тармоқ деб тушунилади. Мазмунига кўра ижтимоий тармоқ икки босқичли бўлади:

1. Фойдаланувчилар орасидаги мулоқотни ўрнатиб берувчи дастурий - аппаратли комплекс;

2. Фойдаланувчилар орасидаги умумий қизиқишларни аниқлаш, гурухлар орасида-ги мулоқот интернет тармоғи орқали бажарилиши.

тимоий тармоқда –www.facebook.comда умрини ўтказаётганлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Ўзбекистонда ҳам «Facebook»ка аъзо бўлаётганлар сони муттасил ошиб, у айниқса, ёшлар орасида жуда кенг ва тез тарқалмоқда. Socialbakers.com сайтининг ёзишича, бугунги кунда 106 минг ўзбекистонлик ушбу тармоққа аъзо. Бу кўрсаткич мамлакат аҳолисига нисбатан 0,38 фоиз, интернетдан фаол фойдаланувчиларга нисбатан 2,26 фоизни ташкил қилади.

Гарчи Ўзбекистон бу ижтимоий тармоқдан фойдаланувчилар орасида анча қуида, яъни 140 ўринда бўлса-да, унинг ўсиш суръати бирмунча жадал бормоқда. Чунки сўнгги олти ой ичida ўзбекистонлик фейсбукчилар сони 23480 нафарга кўпайган.

«Facebook»дан фойдаланувчи ўзбекистонликлар ёши

Юқорида қайд этилганидек, «фейсбукчи»ларнинг 72 фоизи 18–34 ёш оралиғидаги фойдаланувчилардир. Бу борада ўғил болалар бирмунча фаол бўлиб, жами «Facebook» аъзоларининг 63 фоизини, қизлар ҳозирча 37 фоизни ташкил қилмоқда”²³.

Ўзбекистонда интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг 92 фоизини ёшлар ташкил этади. Ижтимоий тармоқларга аъзолар сони ҳам ёшлар ҳисобига кундан-кунга ошиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, ёшларни интернет орқали кириб келаётган таҳдидлардан ҳимоя қилиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда²⁴.

Ҳар қандай нарсанинг ижобий ва салбий томони бор. Шу жумладан, интернетнинг ҳам ўзига яраша ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ёшлар ўртасида ушбу масалаларга оид

²³ <http://fikr.uz>. Қанча ўзбекистонлик “фейсбукмания”га чалинган?

²⁴ <http://www.adolat.uz/yosh-adolatchilar/1330>.

махсус социологик тадқиқот ўтказган. Үнда йигирмага яқин олий ўқув юрти талабалари иштирок этган. Ушбу тадқиқотга кўра, ҳозирги ёшлар глобал ахборот тармоғидан асосан маълумот олиш мақсадида фойдаланишлари аниқланган. Экспертлар фикрича, кўп ахборотга эга бўлиш ёшларнинг билим ва дунёқарашини юксалтиради. Бироқ айрим ёшлар мақсадли-мақсадсиз хорижий сайтларга мурожат қилаётгани маълум бўлди. Бундай ҳолатнинг натижасини эса юқорида биз “араб баҳори” мисолида кўриб чиқдик.

Хулоса

Кечакарбда ёқсан ёмғир бугун ёки эртага шарққа келмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Бугун қўшнининг уйида чиқсан ёнғиннинг ўзи бизгача етиб келмаса-да, аммо ҳеч бўлмагандан тутуни ёки бошқа бир салбий таъсири, албатта, етиб келади.

“Шунинг учун дунёда бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан ҳамиша огоҳ бўлиш, она-Ватанимиздаги тинч, осойишта ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, шу фаровон, осуда ҳаётни янада мустаҳкамлаш учун ҳар бир инсон ўз хиссасини қўшмоғи, эл-юрт тақдери, келажаги учун дахлдорлик туйғусини дилига жо қилмоғи даркор”²⁵, – дейди Юртбошимиз. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши – қўшни давлатлар, аввало, минтақадаги давлатлар билан алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда ҳар томонлама ҳамкорлик қилишдир. Минтақавий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш – Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётнинг гаровидир.

²⁵ <http://news.olam.uz>. 1 сентябрь, 2012 йил 31 августда “Шахидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасида бўлиб ўтган сұхбатдан.

Бу хусусда гапирад экан, Президентимиз қўшни Афғонистондаги мураккаб вазиятга яна бир бор эътиборни қаратди: “Ўзбекистон бу давлатда ўттиз йилдан ортиқ вақтдан бўён давом этаётган мажаролар тезроқ барҳам топиб, мамлакат тикла-ниш ва тараққиёт йўлига тушиб олишини истайди. Зоро, ҳалқимизда “қўшнинг тинч – сен тинч” деган мақол бор. Умуман, ҳамиша эзгу ва хайрли ниятлар билан яшайдиган ҳалқимизнинг орзуси, мақсади битта – жаҳондаги барча мамлакатларда, элларда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурсин, одамлар баҳтли ва фаровон ҳаёт кечирсинг”.

Демак, Президентимиз томонидан жаҳон мамлакатларида кечаётган воқеаларга бефарқ бўл-маслигимиз кераклиги, улардан сабоқ олган ҳолда Ватанимиз мустақиллиги ва тинчлигини асраримиз лозимлиги уқтирилмоқда. Ҳалқ орасида, хусусан, ёшлар билан ўтказилган сухбатлар, сўровномалар шуни кўрсатмоқдаки, улар “демократия” деганда фақат эркинликни, баъзилари эса тенгликни тушунадилар. Бинобарин, ёшларга мамлакатимизда демократик жамият яратиш борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳиятини чуқур сингдиришимиз муаммони ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди. Бу эса уларда “демократия экспорти”га қарши иммунитетни шакллантиришдан аввал асл демократия қандай бўлиши кераклигини теран англашга ёрдам беради. “Демократия экспорти”дан қандай мақсад кўзлангани, унинг оқибати нималарга олиб келишини кенг омма, хусусан, ёшлар онгига етказишида нафақат зиёлилар ва педагоглар қатламига, балки бутун жамоатчиликка жуда катта масъулият юкланади.

Дунё миқёсида кузатилаётган глобаллашув даврида ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик бу мавзу-

ни ўрганиш ва тадқиқ этиш, илмий-назарий характердаги тавсияларни амалиётга татбиқ қилишдек долзарб масала ўз ечимини кутмоқда.

Хўш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчлик ва осойишталикни сақлаб қолиши, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни юксак маънавиятли этиб тарбиялаш учун нималар қилиш лозим?

Бунинг учун:

– аввало, ёшларда ҳақиқий демократия ва миллий қадриятларимизга оид тушунча ва кўникмаларни ривожлантириш;

– бошқа давлатларнинг демократия тўғрисидаги қараш ва ғояларини Ўзбекистонга тўлиқ кўчириб келтириш нотўғри эканлигини амалий жиҳатдан исботлаб бериш;

– Шарқ ва Farb демократиясининг ўхшаш ва фарқли, ижобий ва салбий томонларини илмий-назарий томондан талқин қилиб кўрсатиш;

– “демократия экспорти”нинг салбий оқибатлари ва ундан кўзланган мақсадни аниқ мисоллар ёрдамида очиб бериш;

– мамлакатимизда барпо қилинаётган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг ўзига хос жиҳатларини ёритиб беришга оид турли тадбирларда ёшлар иштирокини ташкил этиш;

– Президент Ислом Каримов асарлари тўпламида келтирилган демократияга оид маъруза ва нутқларнинг мазмунини таҳлил қилишга қаратилган семинар, давра суҳбати, конференция ва тренинглар ўтказиш;

– ҳаётий воқеалар акс этган, образли (“демократия экспорти” таҳдидининг оқибатлари акс эттирилган, миллий рухда суғорилган) ҳужжатли фильмлар тайёрлаб, кенг ёшлар жамоаси эътиборига ҳавола қилиш;

- дарслик ва маъруза матнларига “демократия экспорти”нинг мазмун-моҳияти, мақсади, оқибати ва кўринишлари ҳақида мавзулар киритиш;
- таълим муассасаларида ўтказиладиган маънавият ва ахборот соатларида мазкур мавзуга оид янгиликлар ва тушунчаларни етказишида турли кўргазмали воситалардан фойдаланиш;
- радио ва телевидение каналлари орқали мазкур мавзуга оид эшиттириш ва кўрсатувлар тайёрлаш, босма оммавий нашрлар ҳамда интернет тармоғининг *из.* доменида қизиқарли, ёшлар эътиборини тортадиган мақолалар эълон қилиб бориш;
- ёшлар ўртасида маънавий, ғоявий-сиёсий қарашларга оид социологик сўровлар ўтказиб туриш;
- “оммавий маданият” кириб келиши ва кенг кўламда ёйилишининг олдини олишга қаратилган турли тадбирлар уюштириш ва ёшларнинг бўш вақтини самарали ўтказишига қаратилган қизиқарли викториналар тайёрлаб ҳаётга жорий этиш;
- интернетдаги ижтимоий тармоқларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини ёшларга тушунтириш ва ундаги алдовларга ишонмасликка даъват қилиш;
- “Маҳалла посбонлари” ва бошқа маҳалла фаоллари томонидан интернет клубларини назорат қилиб бориш;
- ёшлар билан бевосита иш олиб борувчи ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ватанпарварлик, дахлдорлик ва шу каби фазилатларни шакллантиришга қаратилган янги ижтимоий-педагогик технологияларни ишлаб чиқишлиари ва амалиётга жорий қилишлари;
- ёшларда ахлоқий бузуклик, зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм каби иллатлар шакллани-

шига қарши тарғибот-ташвиқот ва маърифий ишлар олиб бориш зарур.

Умуман, бу борада расмийликдан бир оз йироқ-лашган ҳолда, ёшларга ҳар бир нарсанинг мазмунини оддий, халқона тилда тушунтиришимиз ижобий натижага тезроқ эришишимизни таъминлайди. Ёшларни “демократия экспорти” таҳдида қарши руҳда тарбиялаш учун янги ижтимоий-педагогик усуслардан фойдаланиш кун тартибидан мустаҳкам ўрин эгаллаши даркор. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “**яна ва яна бир бор халқимизнинг маънавий оламини бундай таҳдиidlардан асрараш, ҳозирги ўта мураккаб бир замонда халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг тубмоҳиятига етиб бориш, улар ҳақида холис ва мустақил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси**”дир²⁶.

²⁶ И. Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т., “Маънавият”, 2009, 116-бет.

Ойбек МУСУРМОНҚУЛОВ,
Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий
маркази етакчи мутахассиси

**АХБОРОТ УРУШИ ВА “FLESHMOB”
 ВОСИТАСИДА МАФКУРАВИЙ ТАҲДИД**

Хушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш – бу
 бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий
 масала эмас, балки, кундалик иш, кун-
 далик амалий ҳаракат бўлиши лозим²⁷.

И.Каримов

Дунё ахборот уруши

Маълумки, бугун ахборотга эгалик қиласиган, ахборотни излаб, топиб, яратиб, таҳлил этиб, тарқата биладиган одам дунёга ҳам эгалик қиласиди, деган қараш ҳақиқат даражасига кўтарилиган. Аммо бу ахборотдан аксарият ҳолатларда ижобий эмас, аксинча, салбий мақсадларда фойдаланиб келинмоқда. Ахборот излаб топувчилар, яратиб, тарқатувчилар ўз манфаатлари учун қабих мақсадларини амалга ошириб келишяпти. Бу – дунёда “ахборот уруши” демакдир. “Ахборот уруши” – у нима ўзи, бу сўз нимани англатади? Қачон ва қандай шароитда пайдо бўлган?

Бунга жавоб қидириш мақсадида иш столимга ўтириб, ўша ахборот излагувчи ва тарқатувчи интернет деганларига юзландим. Унда бир маълумот-

²⁷ И.Каримов. “Ватан ва халқ мангуд қолади”. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, Тошкент, 2010, 25-бет.

га кўзим тушди. Россиялик етакчи мутахассислар ёзишича, ахборот уруши (**information war**) – стратегик мақсадларни амалга ошириш учун рақибнинг ахборот майдонига информацион таъсир қўрсатиш ҳаракатидир. Қизиқиб мақолага чуқурроқ ёндашишга ҳаракат қилдим ва унда кўрсатилишича, «ахборот уруши» атамаси илк бор 1967 йили тилга олинган бўлиб, бу ибора муаллифи сабиқ Совет Иттифоқига қарши бошланган ахборот уруши асосчиларидан бири Аллен Даллесдир. 1985 йили ахборот уруши атамаси Хитойда ҳам қўлланган.

1992 йили АҚШ ҳарбий кўмондонлиги Форс кўрфазида амалга оширилган «Саҳродағи бўрон» амалиёти учун «Ахборот уруши» деб номланган алоҳида хужжат ҳам ишлаб чиққан.

Бу атама 1995 йили Россияда ҳам пайдо бўлди.

Ахборот уруши – рақиб саналган мамлакат раҳбарияти, жамоатчилиги ёки диний ташкилотларига ва улар қабул қиласидан қарорларга таъсир кўрсатиш, ижтимоий фикр ва жамоатчилик онгини ўзига керакли йўналишда шакллантиришга уринишдир. Таъсир қилишнинг асосий дастаклари: китоблар, кинофильмлар, телевидение, интернет, ОАВ нашрлари.²⁸

Юқорида келтирилган маълумотларга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, ахборот таъсири кутилган натижани бериши учун зарур пайтда ёлғон хабар тарқатиш (*дезинформация*) босимини кучайтириб, ахборот жанг майдонини (*полигонини*) ёлғон маълумотларга тўлдириб юбориш, зарур пайтларда эса, ахборот бўшлиғини (*вакуум*), яъни ахборот олиш жуда муҳим бўлган вақтда ахборот бермай, «ахборот очлигини» ташкил қилиш каби усуслардан фойдаланилади.

²⁸ Қаранг: Abu Muslim – 22 декабря 2011г.

Ҳатто ахборот урушлари турли хил алоқа (коммуникация) воситалари ёрдамида амалга оширилиб, воситалар нави (*ассортименти*) жуда бой, унга машхур ОАВлардан бошлаб миш-мишлар, ғийбатлар ва ҳатто латифаларгача (*анекдот*) киритиб қўйилади.

Дарҳақиқат, кечаги ахборот урушлари бугунгисидан батамом фарқ қиласди. Янги замонавий ахборот технологияларининг ривожланиб кетиши, сунъий йўлдош, телевидениелар, интернет тармоқлар бошқалар учун ёпиқ бўлган маълум ҳудуд, яъни локал конфликтларнинг зудлик билан тарқалиши уларга оламшумул аҳамият берилишига сабаб бўлди.

Бугунги кунда Хитойда 500 миллион, Россияда эса 50 миллион, Ўзбекистонда 11 миллионга яқин интернетдан фойдаланувчи рўйхатдан ўтган. Эндиликда ижобий ёки салбий мазмундаги ахборотларнинг глобал тармоққа чиқиши учун бир сония кифоя. Бу ахборотларнинг нафақат миллий манфаатлар, хавфсизлик ва мамлакат суверенитетига, балки шу мамлакатда яшаётган фуқароларга ҳам алоқаси бор.

“Ахборот уруши”ни оддий рекламадан фарқлайдиган жиддий белги шуки, бунда қарши тарафнинг мақсадига етишиш воситаларидан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилиш, чалғитиш асосий ўринда туради. Ҳаттоки тинч-осуда мамлакатларни ва халқларни кулгига қолдириб, уларга нисбатан ёлғон ишлатиб, дунёда улар юзини қора қилиш, обрўсизлантириш йўлларини топиб, амалга ошириш мақсади кўзланади.

Бундан ташқари, «соф Ислом» тарафдорларининг кўпчилиги ўзлари билиб-бilmай, мусулмон давлатлари ва Яқин Шарқ давлатларида Исломга қарши бошланган ахборот уруши қурбонига, бегона мамлакат махсус хизматларининг «бешинчи колонна»сига

айланиб, «бошқариладиган конфликт»га амалий ҳиссаларини қўшмоқда.

Афсуски, кўпчилик ёшлар нозик чегара чизифини англамай, шундай тарғиботларга учиб, динига, диндошларига, ўз халқи ва мамлакатига қарши исён қилишгача бордилар. Бунинг натижасида “араб баҳори” деб ном олган инқилобий намойишлар ва халқ ҳаракатлари келтириб чиқарилди. Ахборот урушида катта вазифани бажарадиган интернетнинг ижтимоий сайтларига қараб хуроса қилиш мумкинки, араб мамлакатларида бўлаётган воқеаларга бевосита сиртдан таъсир кўрсатиш йўли билан маънавий таҳдидлар ва бузғунчи ғоялар остида улардан катта куч сифатида фойдаланиб, Яқин Шарқдаги араб давлатларида бир қанча инқилобий ҳаракатлар амалга оширилди.

Биз ҳам “араб баҳори” воқеаларини ўрганиб чиқишига ва ушбу ҳолатни ўзимизча изоҳлашга ҳаракат қилдик.

Аввало, бу тўғрида Президент Ислом Каримов 2012 йил 31 августда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан Тошкентдаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмууда сўзлаган нутқида дунёнинг узоқ ва яқин минтақаларида рўй берадиган қарама-қаршиликлар, турли низо ва зиддиятлар, жумладан, Яқин Шарқ – айрим араб мамлакатларидаги нотинч вазият, хавфсизлик ва барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигига эътибор қаратган ҳолда, барчани мамлакатимизда ана шундай нотинчлик олдини олишга чақирди”²⁹.

Шу ўринда ўша араб мамлакатлакатларида юз берган нотинчлик ва турли нохуш воқеалар хусусида тўхталиб ўтсак.

²⁹ “Таҳлилнома” кўрсатуви. 2012 йил 3 сентябр, душанба. Соат 8.00–8.40

Энг аввало, “араб баҳори” нима? У қачон ва қаерда бошланган? У ўзини қандай намоён қилди ва қилмоқда, каби саволларга жавоб бериб ўтсак.

Араб баҳори – 2010 йил 18 декабрда араб юртларида бошланган инқилобий намойиш ва нороziликлар тўлқинининг мажозий номланишидир. Бу инқилоблар Тунис, Ливия, Миср, Яман, Баҳрайн, Сурия ва бошқа мамлакатларда бўлиб ўтди ва баъзиларида ҳозир ҳам давом этмоқда. Ушбу воқеаларнинг сабаблари ҳақида кўплаб фикрлар, қарашлар мавжуд, аммо бу тўғрида ҳар кимнинг ўзи фикрлаб кўриши жуда муҳимдир.

“**Араб баҳори**” шунчаки учинчи қуч (шахс ёки давлатлар) томонидан ташкил этилиб, четдан кузатиб турилганлиги аниқ. Бу уларга нима учун керак, деган савол туғилади. Шубҳасиз, ўз манфаатлари, бойлик орттириш йўлида мусулмон давлатларининг нозик жойларини ва бундай ҳаракатлар қандай куттиб олинишини ўрганиш учун керак. Биз, албатта, бундай маънавий таҳдидлардан огох бўлишимиз билан бирга, огоҳликка чақиришимиз зарур.

“**Араб баҳори**” деб ном олган инқилобчилар ҳаракати ўз мақсадларига етишиш йўлида энг аввало ахборот тарқатувчи тизимлардан кенг миқёсда фойдаланиб келмоқда. Бунда уларга асосан ОАВ телекоммуникацияси, яширин рекламалар, имкониятлари кенг телефонлар ҳамда интернетнинг барча ижтимоий сайтлари, бундан ташқари “**FLESHMOB**” усули жуда қўл келмоқда. Шарқ мамлакатларига қарши ахборот урушининг асосий мақсади ўз динларидан узоқлаштирилган, халқларни миллий маданият ва турмушларида этно-экзотик хусусиятларнигина сақлаб қолиб, бойваччалар хизматларини қилиб юрадиган, алданиб, аҳмоқ

бўлиб қолган истеъмолчи қулларга айлантиришидир.

Ушбу тактикани амалга ошириш стратегияси “рангли инқилоб”лар тактикасидан фарқ қилмайди, шаклан (схемаси) мутлақо бир хил.

Дезинформация, ёлғон хабарларни ўртага ташлаш, айни пайтда ҳаёт ва мансабда бирон нарсага эриша олмаган фаол, ёш йигит-қизларни мақсадлари йўлида ўзларига оғдирган ҳолда, улар онгига ўз ёлғон мафкураси ҳамда вайронкор ғояларини сингдириб, дунё ва охиратда баҳт-саодат топишнинг ягона ва мақбул йўли шу эканига ишонтиришдан иборат.

Бундан ташқари, “араб баҳори” ахборот уруши ва хуружларидан қандай йўллар билан ҳалқ ҳаракатларини келтириб чиқараётганини аниқлаш учун интернет ва бошқа телекоммуникация воситаларига алоҳида эътибор бериш керак. Чунки маънавий-маърифий сайтларга зарурият катта эканидан фойдаланиб, ташқаридан кириб келаётган хуружлар ва вайронкор ғоялар билан тўлдирилган сайтлар саноғи кўп. Шундайлардан бири янги ном билан қуюндай бостириб келаётган “FLESHMOB” атамасини олган усулдир.

“Флешмоб” нима?

Бугун биз интернетга оид сўзлар ичида “Флешмоб” деган атамага кўп дуч келмоқдамиз. Бу сўз нима ҳақида эканини аниқлашдан аввал унинг луғавий маъноси ва келиб чиқиш тарихига эътибор қаратсак!

“Флэшмоб” сўзини таржима қилганда, инглиз тилидан “flashmob” “лаҳза – оломон” деган маънени англатади. Яъни, **flash** – учқун, чақмоқ ва **mob** – оломон, одам тўпи, тўдаси сўзлари бирикмасидан иборат атамадир. Яна бир қизиқарли факт шунда-

ки, “**тоб**” сўзи немис тилида “**ифлослар, маразлар, ярамаслар**” деган маънода ҳам келтирилган. Шундан келиб чиқадики, ушбу сўз “**ярамаслар тўдаси**” деган маънони ҳам бериши мумкин, мисол сифатида таниқли “**Превед!**” коллажини келтирса бўлади. (Ушбу “маразгўйлик” лексикаси нафақат ўз ичидаги, балки интернет бўйлаб ҳам тарқалиб кетган.)

Бундан ташқари “флэшмоб” дегандаги, бир тўп одамларнинг олдиндан ўзаро келишган ҳолда (*асосан интернет орқали*) бир дақиқада, тўсатдан бир ерда пайдо бўлиши ва олдиндан келишиб қўйилган тадбирни амалга ошириши биланоқ тезда ғойиб бўлиши тушунилади. Шу жиҳатдан кўп ҳолларда тўсатдан уюштирилган “флэшмоб” тадбиридан ҳукумат ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам хабарсиз қолади. Полиция учун кутилмаган “флэшмоб”дан хавфлироқ нарсанинг ўзи йўқ.

Ушбу сўз “**оммабоп ҳаракат**” деган маънони ҳам англатади. Бу сўзни янада батафсилроқ ўрганиши мақсадида қилган ҳаракатларимиздан ҳозирги кунда у ҳақда маълумотлар етарли эмаслиги маълум бўлди. Шундай бўлса-да “флешмоб” орқали АҚШ, Европа ҳамда Яқин Шарқдаги Тунис, Ливия, Миср, Яман, Баҳрайн, Сурия ва яна бир қанча давлатлардаги ҳаракатлар кузатилмоқда. Флешмобчилар сайтидағи бир воқеа эътиборни тортади: нью-йорклик Билл SMS ҳамда e-mail орқали 150 га яқин нотаниш одамини жамлаган. Улар 2003 йилнинг 17 июнида ‘Macy’s’ дўконида йиғилишиб, шаҳар чеккасидаги коммуна учун 10.000 \$ лик “севги гиламини” сўрашган. Бу ҳодиса телевидениенинг ахборот дастурларида кенг ёритилган.

Биз буни илк “флешмоб” десак, адашмаган бўламиз.

“Флешмоб”ни кўпчилик инсонлар янги ҳодиса сифатида тан олмайдилар. Маълумки, флешмоб атамаси маъно жиҳатдан илгари мавжуд бўлган экзотик оҳангга эга “хэппенинг” ва “перформанс” атамаларига яқин келади. Аммо бундай сўзларнинг моҳияти нималарга қаратилган?

Хэппенинг – акционизм турларидан хисобланиб, 1960–1970 йилларда пайдо бўлган. Хэппенинг акцияси (бес) фабуласиз театр элементларига эга намойиш сифатида қаралиши мумкин; яъни, олдиндан дастурга, сценарийга эга бўлмаган воқеа-ҳодисанинг авж олиши ёки томошабинлар ҳамкорлигига спонтан кўринишдаги ривожи тушунилади. Ушбу сўз инглиз тилида **happening** – “садир бўлмоқ” маъносини билдиради.

1. **Перформанс** (инглиз тилида *performance* – намойиш этиш) тасвирий санъат тури. Рассомчилик ва театр элементларини бирлаштирувчи бу санъатдан бир оз олдин “тирик расмлар” мавжуд бўлган. Бироқ ушбу санъат тури **дадаизм**³⁰ намойишларида ва концептуал санъатда вужудга келган. Бироқ хэппенингдан фарқли равишда перформанс рассом–томушабинларни ҳодисага жалб этмайди, балки у ҳодисада доминант (етакчилик, устунлик) ролига эга бўлади ёки маҳсус статистлар рассом вазифаси-

³⁰ ДАДАИЗМ модернизм йўналишларидан бири. Унга 1916–1921 йиллари Т.Тцар асос соглан. Бу оқимда “дада” атамаси муҳим ўрин тутади. “Дада” хаддан ташқари плюралистик характерга эга бўлгани сабабли аниқ маъно ташимайди. Тацнинг фикрича, “дада” ҳеч нарсани англатмайди. Дадаизмнинг йирик вакилларидан бири бўлган Г.Гросснинг таъкидлашича, дадаистлар соф нигилистлар бўлиб, ҳамма нарсани инкор қиласди, улар учун ҳеч нарса муқаддас эмас. Уларнинг тимсоли Йўқлик, Бўшлиқ, Тўйнук ва хоказолар. Дадаизм foялари негизида онгнинг эркинликка итилиши билан унинг эрксизлиги ўртасидаги зиддият яққол намоён бўлади. Дадаизм вакилларининг фикрича, онгнинг эрксизлиги рационал мантиқ ва тилнинг тафаккур устидан хукмронлиги оқибатига рўй беради. Шу туфайли дадаизм аклсиз, мантиқсиз, тилсиз, эркин фикрлаш гоясини илгари сурди. Тацнинг фикрича, “индивидуалнинг асл моҳияти аклсиз ҳолатдан кейин қарор топади”. Дадаизм тарафдорлари ҳар кандай позитив сиёсий дастурни инкор этади. Улар назаридан, бадиий ижоддагина тил ва мантиқнинг танҳо хукмронлигини бартараф этиш, индивидуал онгизисликдан озод бўлиш мумкин. (“Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати”, Тошкент, 2009 129–130-бетлар.)

ни бажаради. Ушбу санъатда тирик композициялар томошибинларга имо-ишоралар ва позалар орқали намойиш этилади.

Бугунги кунда флэшмоб атамасини турли соҳа мутахассислари ишлатмоқчи, яъни уни маркетинг, реклама, пиар компаниялар, сиёсий дастурлар ва ҳаттоқи маҳсус хизматларда ҳам қўлламоқчи бўладилар. Шу сабабли мутахассислар маълум бир сабабларга кўра ушбу атамани ёритишга шошилаётганлари йўқ. Чунки бу сўз ортида учинчи шахснинг бир қанча гаразли, бузғунчи ва ярамас ғоялар остида фаолият олиб бориши кўзда тутилган, десак, адашмаймиз. Маълумки, ҳозирги кунда дунё бўйлаб ахборот уруши ва таҳдидлар амалга оширилмоқда. Булардан бир қанчасини интернет ва ОАВлари орқали олинган маълумотларга таяниб факт сифатида кўрсата оламиз.

Аввало, шуни таъкидлашимиз керакки, ҳозирги вақтда реклама акцияларида флэшмоб элементларини ишлатиш одатий ҳол бўлиб қолган. Бироқ ушбу акцияларда хоҳишистак билан қатнашувчиларни камдан-кам кўришимиз мумкин, улар ўрнига **промо-персонал** ташкил этилади, бу ҳодиса эса ҳар доим оммабоп ҳаракат тусига киравермайди. Бунинг сабаби эса ушбу ҳодисанинг охиригача ўрганилмаганидадир.

Албатта, уюштирилган акциялар флэшмоб сифатида қаралиши нотўғри, сабаби улар флэшмобнинг асосий принциплари бузилишига олиб келади. Улар қўйидагилар:

1. Спонтанлик.
2. Марказлашган бошқарувнинг йўқлиги.
3. Сиёсий, молиявий ва реклама мақсадларидан холилиги.

4. Деперсонификация; яъни флэшмоб қатнашувчилари акция жараёнида бир-бирини бирон нарса боғлаб турганлигини ҳеч қандай ҳолатда (умуман) кўрсатмаслиги зарур (аслида ҳам бир-бирини умуман танимайдилар).

5. ОАВда флэшмобнинг ёритилишини рад этиши.

Бироқ баъзи мутахассислар уюштирган флэшмоб акцияларига бир вақтлар ўтказиб турилган совет шанбаликлари намуна бўла олади. Шуни айтиш жоизки, охир-оқибатда кўчада ўтган ҳар бир акция кейинчалик флэшмоб сифатида қаралиши мумкин.

Албатта, юқорида айтиб ўтилганлар флэшмоб хақида батафсил маълумот эмас.

Флешмоб айрим ғаразли ва бузғунчи кучлар қўлида кучли қурол вазифасини бажариб келмоқда. Улар шу йўл билан давлатлар ўртасида низолар пайдо қилиш, қолаверса, мамлакатларда ички тартибсизликларни келтириб чиқариб, миллатлар ўртасига совуқчилик тушириш ниятидалар. Бу билан бутун дунёда халқ ҳаракатлари, оломон тўдасини ва “ярамаслар тўдаси”ни ташкил қилиб, четдан кузатиб турган ҳолда, мақсадларига етишни кўзлайдилар. Яъни, халқлар маънавияти-ўзлигини йўқقا чиқариб, моддий бойликларига эга бўлишмоқчи.

Флешмобчилар бутун дунё бўйлаб олиб бораётган ҳаракатларининг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, улар орқали ҳеч кимга сездирмасдан оломон ичига йўл топмоқдалар.

Шундай савол туғилиши мумкин: Ўзбекистонда «флэшмоб»га рухсат борми? Албатта, йўқ. Аммо кейинги пайларда бу ерда ҳам айрим оз сонли гуруҳлар ҳар хил «флэшмоб»-тадбирлар ўтказишга уринаётганини кузатиш мумкин. Хўш, «флешмоб» ўзи нима – қонуний ҳаракатми, тадбир ёки

ўйинми? Уни сиёсий норозилик тадбирларида қўл-ласа бўладими?

Ёшларни қизиқтирадиган жуда кўп «қиликлар» дунёга асосан Ғарбдан тарқалиши сир эмас. Шу нуқтаи назардан «флэшмоб» ҳам АҚШдан тарқалгани рост.

“Флэшмоб” тадбирининг энг асосий шарти унинг кутилмаганда, кўққисдан ўтказилишидир. Шунингдек “флэшмоб”да ташкилий раҳбар ёки қўмита ҳам, бошлиқ ҳам бўлмайди. Уни ўйлаб топган америкалик қувноқ ёшлар аслида сиёсий ва реклама тадбирларидан холи бўлишини истаганлар. Шунинг учун ҳам бирор нарсага муккасидан кетиб, жуда қизиқадиган ёшлар худди ўйин сингари “флэшмоб” йифинини ўйлаб топганлар, деса бўлади. Аксар ҳолларда “флэшмоб” тадбирига тўпланадиганлар бир-бирларини фақат фойибона танишлари ҳам кузатилган.

Ўзбекистонда “флэшмоб”га ўхшаш тадбирларни асосан мухолифатчилар фаолиятида кузатиш мумкин. Бир пайтлар ўзбек мухолифатчиларининг айрим гуруҳлари кутилмаганда бир чойхонада тўпланишарди-да, қисқа муддатда ўзаро фикр алмашишиб, тезда тарқалишарди. Лекин шунга қарамай, бугунги ёшлар орасида “флэшмоб” барибир тарқалмоқда. У асосан сиёсий тадбирлардан узоқ ва ёшларни қизиқтирадиган ҳар хил ижтимоий соҳаларни қамраб олган.

Хозирги вақтда “Флешмоб” Ўзбекистон ёшлари орасига сезилмаган ҳолда маънавий-мағкуравий таҳдидларни сингдирмоқда. Унинг ёш авлод тарбиясига кўрсатаётган салбий таъсири қуидагилар орқали намоён бўлади:

1. ОАВ орқали ҳар хил Ғарб филмлари, мултфилмлар, мусиқалар ва клиплар.

2. Интернетдаги ижтимоий сайтлар.
3. Телефонлар.
4. Китоб ва журналлар.
5. Ҳар хил турдаги Farb ўйинлари.

Яқин Шарқ ва Farb мамлакатлари маданияти, у ерлардаги ҳаракатлар юзасидан ОАВ ва интернет орқали кириб келаётган маълумотлар базаси ёшларни босқичма-босқич миллий ўзлигидан айириш, миллий анъаналари ва урф-одатларига зарба бериб, тарихий хотирасини қирқиши, шу орқали миллатлар устидан ҳукмронликка эришиш тамоили или кучаймоқда. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида шундай ёзади: **«Хозирги вақтда кўз ўнгимиизда дунёning геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй берадиган, турли мағкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда³¹».**

Хўш, бундай мураккаб ва шиддатли кечаётган шароитларда флешмобнинг ёшлар тарбиясига ўтказаётган салбий таъсиридан қандай ҳимояланиш мумкин?

Фикримизча, бунинг учун қуидаги йўналишларга асосий эътибор қаратиш лозим:

– газета, журнал, радио, телевидение ва интернет хизматидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш, миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирадиган интернет сайтлари, мултимедия ва роликларни кўпайтириш. Ёшлар онгига ижобий таъсир этувчи

³¹ И. Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т., “Маънавият”, 2009, 119- бет.

мусиқа ва кино санъатининг тарбиявий имкониятларидан фойдаланиш;

– ёшлар онгини шакллантиришга оид умумбашарий тажрибаларнинг ютуқ ва камчиликларини ўрганиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, бошқа миллатларни ҳурмат қилиш, уларнинг маданияти ва миллий қадриятларига онгли ёндашиш, ижтимоий муносабатларда инсонпарварлик, бағрикенглик ғояларини акс эттириш;

– тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда ёшларнинг истак ва хоҳишларини инобатга олиш, бунда ҳар қандай зўрлик ва мажбурловлардан воз кечиш, тарбия жараёнида ёшларнинг асосий қизиқиши ва фаолият доирасини ташкил этаётган турили хил соҳаларни тўлиқ қамраб олиш. Бунга, ахборотли технологиялар (оммавий ахборот воситалари) орқали эришиш.

– миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига эришиш. Бунда ота-онани улуғлаш, оилани муқаддас сақлаш, фарзанднинг бурчи, ўзаро меҳроқибат, иффат, ор-номус, ҳаё каби асрлар оша қон-қонимизга сингиб кетган фазилатлар, устоз ва шогирдлар одоби каби эзгу қадриятларга содик қолиш;

– миллий интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш. Бунинг учун таълим ва миллий тарбияни юксалтириш, урф-одат, анъана ва қадриятларни умумбашарий қадриятларга уйғун ҳолда ёшлар дунёқарашининг ажралмас қисмига айлантириш. Ёшларнинг маънавий, сиёсий онгини, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик маданиятини юксалтириш;

– ёшларнинг умуммиллий ва жамият манфаатларини шахсий манфаатлардан юқори қўя олишлари, жамият ва миллат олдидаги инсоний бурчларини тўлақонли англашлари, халқ баҳт-саодати ҳамда юрт

фаровонлиги йўлида меҳнат қилишлари учун ижтимоий ва психологик шароит яратиш;

– ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, миллий ғоя тарғиботини изчил давом эттириш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг қарор топиши, шунингдек, таълим-тарбия жараёнида ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши глобаллашув шароитида тарбия жараёнининг муваффақиятини таъминлайди. Шунингдек Юртбошимиз маънавият қудратли қурол эканини, жамиятимизга таҳдид со-лувчи иллатларга қарши курашда бой маънавиятимиз биз учун нажоткор ва халоскор куч вазифасини бажаришини алоҳида эътироф этади. Халқимизда асрлар давомида сайқалланиб, янада ёрқинлашиб ва бойиб келаётган маънавий-ахлоқий қадриятларимиз биз учун қалқон бўлиши, мамлакатимиз юксалишига хизмат қилиши шубҳасизdir.

**Шаҳноза АКРАМОВА,
Миллий ғоя ва мафкура илмий-
амалий маркази тадқиқотчиси**

XXI АСРДАГИ ЗАМОНАВИЙ ИНҚИЛОБЛАР: МАЗМУНИ, САБАБИ, ОҚИБАТЛАРИ

Бугунги кунда дунёning турли минтақаларида, хусусан, араб мамлакатларида содир бўлаётган нохуш воқеалар ҳар қандай соғлом фикрли инсонларни чуқур ташвишга солади. Турли можаролар, ўзаро қарамақаршиликлар, қон тўкилишлар жаҳоннинг қайси мамлакатида рўй бермасин, бундан кўнглимиз ғаш тортади.

И.Каримов

XXI асрда содир бўлган инқилобларнинг мазмуномоҳияти, шакли шамойилига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу курашларда ҳарбий, ядро қуроллари ишлатилса ҳам, уларнинг келиб чиқиши замирида кучли мафкура яшириниб туради. Мафкуравий курашларнинг сабаблари, шакллари бир-бирига ўхшаш “лойиҳалар” асосида келиб чиққани тобора аён бўлмоқда.

Ташқи кучларнинг фуқароларни демократия ниқоби остида гижгижлаши, курашларни аланг олдириши ва бу “тадбир”ларга асосан ёшларнинг жалб этилиши аянчли ҳолдир.

Оммавий ахборот воситаларида дунёда содир бўлаётган бу каби урушлар ҳақида хабарлар бериб

борилади, аммо мазкур мафкуравий курашларнинг келиб чиқиши, оқибатлари аниқ тушунтирилавермайди. Шу боис қуйида келтирилган шарҳларни ётиборингизга ҳавола қилишни жоиз топдик.

Рангли инқилоблар “мажбурлашсиз инқилоблар” деган маънони беради. Чунки уларни мажбурлашсиз оммавий чиқишилар, митинглар, иш ташлашлар воситасида ҳокимиятнинг тўнтарилиши, деб номлаш қабул қилинган. Рангли инқилоблар постсоциал – собиқ Иттифоқ давлатлари, Шарқий Европа ва араб мамлакатларида сиёсий давлат тузуми ўзгаришига олиб келди. Ҳозирги пайтда қандай урушларни рангли инқилоб деб аташ мумкинлиги ҳақида консенсусга келинмаган. Бироқ деярли барча тадқиқотчилар бир овоздан Грузиядаги “Атиргул инқилоби”, Украинадаги “Оловранг инқилоб”, Югославиядаги “Бульдозер инқилоби”, Қирғизистондаги “Лола инқилоби”ни рангли инқилоблар тоифасига киради, деб таъкидлашади.

Инқилоблардан мақсад намойишлар, иш ташлашлар ҳисобланади. Бундай ҳаракатларни одатда сайловлар ўтказилганидан сўнг мағлуб бўлган муҳолиф кучлар бошлайди. Улар халқ хоҳишини бузувчи сайлов қонунчилигида хатоликларга йўл қўйилганини таъкидлайдилар. Оммавий норозиликлар қайта сайловга (Украинада) ёки парламент жойларидан ўрин беришга, оломон билан ҳокимият органдари биноларини куч билан эгаллашга (Югославия, Грузия, Қирғизистон) ва давлат бошлиқларининг қочиши ёки ўлдирилиши каби салбий оқибатларга олиб келади.

Бундай инқилоблар асосан “қон тўкилмаслик” характеристига эга.

Мисрда “араб баҳори”

Араб давлатларида 2010–2011 йиллари бўлиб ўтган инқилобларнинг ижтимоий-иктисодий сабаблари гарб матбуотида гўё камбағаллик, тенгсизлик, коррупция ва ишсизлик³² деб кўрсатилган. Буни барча оммавий ахборот воситалари сўзма-сўз такрорлаб, кўпайтириб, кенг оммага тарқатди:

“Мисрда содир бўлаётган тартибсизликларнинг сабаби Тунисникидан фарқ қилмайди ва улар шундоққина кўриниб турибди (озик-овқат муаммолари, ишсизлик, тенгсизлик, норозиликларни бостириш)...”³³

Бу каби “янгиликлар”да бир хил қолипдаги важлар кўрсатилиши одамни ўйлантириб қўяди – ҳақиқатдан ҳам ахвол шундайми?

Шунинг учун бир давлат, яъни Миср мисолида ҳозирги пайтдаги ижтимоий-иктисодий ахвол кўрсаткичларини таҳлил қилиб кўрсак:

Иктисодий ахвол

Ҳусни Муборак даврида иктисодий ўсиш кўрсаткичларига назар ташлайдиган бўлсак, (1981–2011 йиллар) Миср иктисодиёти 30 йил ичида 4,5 бара-варга ўсиб, динамик тарзда ривожланиб борган.

Айниқса, охирги йилларда 2004 йилнинг июл ойида жорий қилинган янги ислоҳотлар туфайли иктисодий ўсиш мароми тезлашиб борди.³⁴

³² Янковая Н. 12.02.2011. Беспорядки «заморозили» экономику Египта. Вести.URL: www.vesti.ru/doc.html?id=427997&m=1&photo=1

³³ Нейжмаков М. 28.01.2011. Беспорядки в Египте: кому это выгодно? Рабкор.ру. www.rabkor.ru/debate/11867.html

³⁴ Boubacar S., Herrera S., Yamouri N., Devictor X. Egypt Country Brief. Washington, DC: World Bank, 2010.URL: siteresources.worldbank.org/INTEGYPT/Resources/EGYPT-Web-brief-2010-AM.pdf.

Миср жаҳон молиявий-иктисодий инқирози йиллари инқирозга юз тутмади, балки ўсиш суръатларини давом эттириди. Лекин барибир иктисодий ўсиш йилига 7,2 % дан 4,6% пасайди (бу ерда қайд қилиш керакки, айрим ривожланган давлатлар иктисодий инқироз бўлмаган даврда ҳам 4–5% ўсиш суръатларини орзу қиласидар), бироқ Миср давлат раҳбари истисодий ўсишни юқори даражада қайта тиклаб олишга муваффақ бўлган.

Бу далиллар Хусни Муборак “30 йиллик раҳбарлиги туфайли давлатни иктисодий турғунликка олиб келди”, дея отилган таъналар асоссиз эканини кўрсатади.

Дикқатга сазовор томони шунда, инқилобдан кейин давлат тепасига келган ҳукумат аъзолари 2004 йили қабул қилинган либерал ислоҳотларга³⁵ эргашган ҳолда иш олиб боришни ваъда қилдилар, бу эса ҳокимиятдан кетган Муборак олиб борган иктисодий сиёsat тўғрилигидан далолат беради.

Коррупция

2010 йил «Транспаренсиинтернашена» берган маълумотларга кўра, Мисрда коррупция даражаси қандай бўлганини кўрсаткичларга назар ташлаш орқали билиб олишимиз мумкин. Миср ривожланган давлатлар қаторида кўриб чиқида-диган бўлса, коррупция даражаси жуда юқори эканига гувоҳ бўламиз. Лекин ҳамма давлатлар билан умумлаштириб қараб чиқилса, ахвол унчалик ёмон эмаслиги кўринади. Умуман, Миср коррупциялашув даражасига кўра дунёда 80-йринни эгаллади.

³⁵Pitchford R. UPDATE 1-Egypt plans stimulus package after blow to growth. Reuters 22.02.2011. URL: www.reuters.com/article/2011/02/22/egypt-finance-idUSLDE71L2GP20110222

Транспаренсиинтернашенал эксперлари баҳолашыга қараганда, 2010 йилда Мисрда коррупциялашув даражаси Италия, Греция, Хитой ёки Ҳиндистон каби давлатлардаги билан баравар ва Аргентина, Индонезия, Вьетнам ёки собиқ Иттифоқнинг айрим давлатларидан пастроқ бўлган.

Яъни, Мисрдаги коррупция даражаси инқилобнинг бошланиши учун сабаб эмас.

Ишсизлик

1990–2010 йилларда Мисрда ишсизликнинг ўсиш кўрсаткичлари (%)³⁶.

Мисрда ишсизлик 20 йил давомида деярли юқори даражада (8–12 % оралиғида) ўзгариб турди. Бироқ 2000 йилларнинг ўрталарида иқтисодий ислоҳотлар бошланганидан сўнг, у барқарорлик билан пасая бошлади. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзи оқибатида ишсизлик башорат қилингани каби ошди, бироқ 2010 йилга келиб яна пасайиш кузатилди.

ИНҚИЛОБДАН ОЛДИНГИ МИСРДА ИШСИЗЛИК ДАРАЖАСИ ПАСТ ЭДИ, ДЕЙИШМИЗ ҚИЙИН, ЛЕКИН ДУНЁ ДАВЛАТЛАРИ ОРАСИДА УНИНГ КЎСАТКИЧЛАРИ ЮҚОРИ ЭМАС. АҚШ, Франция, Польша, Туркия, Ирландия давлатларида гидан кўра анча паст даражада эди.

Тенгсизлик

1990–2005 йилларда Мисрда иқтисодий тенгсизлик даражасининг ўсиши (Джини индекси бўйича)³⁷.

³⁶ Манбалар: World Bank. World Development Indicators Online. Washington, DC: World Bank, 2011. URL: data.worldbank.org/indicator/SL.UEM.TOTL.ZS (1990–2008 гг.). Central Agency for Public Mobilization and Statistics. 2010. Egypt in Figures 2010. Cairo: CAPMAS. P. 31 (данные за II квартал 2009 г.); Sa'dahFu'adAbd al-Rahman (al-muharrir). NashratSuq al-'amal al-misriyy. Nashrah rub' sanawiyah. I III-2010.al-Qahirah: : Wizarat al-qawa al-'amilawa-l-hijrah, 2010, 2010. С. 4 (данные за III квартал 2010 г.).

³⁷ Манба: World Bank. World Development Indicators Online. Washington, DC: World Bank,

30–33-пунктлар кўламида ўзгариб турганининг гувоҳи бўламиз. Бу кўрсаткичлар қўпчиликка тушунарсиз бўлиши мумкин. Шундай бўлса-да, Муборак давлат раҳбари бўлган даврдаги кўрсаткичлар таҳлили бу мамлакат дунё саҳнида қандай ўрин эгаллаганини аниқлашга ёрдам беради.

Бу ерда иқтисодий тенгсизлик даражаси юқори эмаслигини илғаш қийин эмас. Жаҳон бўйича белгиланган ўлчовларга кўра, охирги йилларда ўртача даражадаги иқтисодий тенгсизлик кузатилди. БМТнинг инсон ривожланиши бўйича тараққиёт дастурининг охирги ҳисботига қараганда, иқтисодий тенгсизлик бўйича Миср 145 мамлакат ичидаги 120-ўринни эгаллайди³⁸. Шундай қилиб, БМТнинг ривожлантириш дастурига кўра, унда Миср билан бир қаторда 23 давлатда тенгсизлик энг паст даражада деб баҳоланганди, энг юқориси эса, Франция, Ирландия, Испания, Ҳиндистон, Грузия, АҚШ, Хитой, Россия ва Мексика каби 119 давлатда деб қайд этилган.

Шу боис Мисрда содир бўлган инқилобнинг асосий сабабларидан бири иқтисодий тенгсизлик деб кўрсатилгани ёлғон. Мамлакатда иқтисодий тенгсизлик жаҳонда энг паст даражада бўлгани буни исботлаб турибди.

Камбағаллик

Миср инқилобининг сабабларидан яна бири сифатида чегарасиз камбағаллик кўрсатилган. Қўпчилик ҳолларда мисрликларнинг 40% и кунига 2 доллардан кам харж қилмагани таъкидланган. Лекин ҳеч қайси манбада камбағаллик кўрсаткичи келтирил-

2011. URL: data.worldbank.org/indicator/SL.POV.GINI.

³⁸ The Real Wealth of Nations: Pathways to Human Development. Human Development Report 2010. 20th Anniversary Edition / Ed. by J. Klugman. New York, NY: The UNDP Human Development Report Office/Palgrave Macmillan, 2010. P. 152–155.

маган³⁹. Аслида эса, айнан шу күрсаткич бўйича Миср дунёда энг фаровон мамлакат деб қайд этилган.

Инқилоб қай тарзда бошланди?

Мисрлик интернет блоггерлари ғалаёнчилар гурухини қўллаб-кувватлаш учун Facebook да “6 апрел ёшлар ҳаракати”ни ташкил қилишди. Маълумки, ушбу ҳаракат кейинчалик 2011 йилда содир бўлган инқилобларда асосий иш кўрсатувчи бўлди. 2008 йилда юз берган воқеани маъқуллаган Facebook тарафдор эканини билдириши билан сафларини кенгайтирди, бу эса 2011 йилги воқеаларни авж олдиришга хизмат қилди.

Яна бир ҳолат. Миср Ижтимоий мобилизация ва статистика марказий агентлиги 2010 йилнинг учинчи чорагида ўтказган тадқиқотлари ўзига хос яна бир манзарани намоён қилди. Ишсиз ёшларнинг 43% олий маълумотга эга бўлган⁴⁰. Демак, Миср инқилобининг зарбдор гуруҳи нафақат ёш, балки олий маълумотли бўлганлардир. Бу ҳолатда Миср инқилоби янада таъсирчан, ўзига хос хусусият билан намоён бўлишига кучли “интеллектуал куч” туртки берган.

Маълумки, портлаш содир бўлиши учун портловчи воситадан ташқари олов ҳам керак. Шу ўринда айтиш мумкин, интернетда ёшлар ҳаракатининг ташкил топиши ва ўзига хос жуда катта куч тўпланиши, бундан ташқари дунёning барча тарафидан араб йўлдош каналлари орқали маҳоратли журналист-

³⁹ Аникроқ қилиб айтганда, одам бошига кунига 1 доллар 25 центдан кам ҳаражат хозирги пайтда камбағаллик чегараси деб белгиланган. Қаранг: The Real Wealth of Nations: Pathway to Human Development. Human Development Report 2010. 20th Anniversary Edition / Ed. by J. Klugman. New York, NY: The UNDP Human Development Report Office/Palgrave Macmillan, 2010. P. 161–163).

⁴⁰ Al-jihad al-markaziyy li-l-ta’bi’ah al-`ammahwa-l-ihsa’. Bahth al-qiya al-`amilah li-l-rub` al-thalith (yulyu/agustus/sibtimbir). al-Qahirah: Al-jihad al-markaziyy li-l-ta’bi’ah al-`amah wa-l-ihsa’, 2010. URL:www.capmas.gov.eg/news.aspx?nid=491.

лар, нотиқларнинг таъсирчан, ёрқин ранглардаги гижгижлашлари, чорловлари, яна бир ёрқин далил – Тунисда жангларсиз жуда тез давлат тўнтариши амалга оширилгани Миср халқини қўзғатиб юборувчи сабаб бўлди.

Хулоса

Республикамиз мустақиллиги йилларида халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётида улкан янгиликлар содир бўлди. Энг муҳими, онг-тафаккуримиз ўзгариб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида халқимизнинг шахсий, умуммиллий мақсадлар муштараклигига, ғоявий бирликка интилиш ҳисси уйғонди. Бироқ ютуқларимизни кўролмайдиганларнинг миллий, маънавий қадриятларимизни қадрсизлантиришга қаратилган ғоявий таҳдидлари ҳамон давом этмоқда.

Бир давлатда нотинчлик, уруш ҳукм суроётган пайтда четда томошабин бўлиб турган айrim давлатлар можарони янада авж олдиришга уринаётгани кишини ҳайрон қолдиради. Мисол учун, араб баҳорининг кўзга кўринган сардорларидан бири яманлик Тавакул Карман 2011 йилнинг Нобел мукофотига сазовор бўлгани⁴¹ бунга далилдир.

Президентимиз: “Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимизни она-Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгидаги мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз за-

⁴¹ Arab protests attract Nobel interest: News24: World: News. News24 (31 January 2011).

рүр”, деган әдилар. Бунинг учун ҳар биримиздан ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган воқеаларга огоҳлик билан қараб, мамлакат ҳаётига хавф тугдирувчи ҳар қандай иллатнинг ўз вақтида олдини олишга ҳисса қўшиш талаб этилади. Юқоридаги аянчли курашларнинг таъсири ҳозирги фаровон ҳаётимизга дахл қилиши эҳтимолдан йироқ, деб лоқайд қараш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Зеро, Юртбошимиз Ислом Каримов 31 август куни “Шахидлар хотираси” ёдгорлик мажмуидаги сухбатда қуидагиларни таъкидладилар: “**Дилни хира қила-диган бундай воқеалар биздан узоқда, деб унга лоқайд қараш хомхаёлликдир.** Нега деганда, бундай бало мамлакат ёки минтаقا доирасида чегараланиб қолмайди, вақтида бартараф этилмаса, тобора кучайиб, бошқа мамлакат ва минтақаларга ҳам ёйилиши мумкин. Шунинг учун дунёда бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан ҳамиша огоҳ бўлиш, она Ватанимиздаги тинч, осойишта ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, шу фаровон, осуда ҳаётни янада мустаҳкамлаш учун ҳар бир инсон ўз ҳиссасини қўшмоғи, эл-юрт тақдирни, келажаги учун дахлдорлик туйғусини дилига жо қилмоғи даркор”.

Фулом НАЗРУЛЛАЕВ,
*Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази
қошидаги “Bunyodkor G’oya Plyus” унитар корхонаси
раҳбари, педагогика фанлари номзоди*

ШУКРОНАЛИК

“Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр”.
(Халқ мақоли)

Инсон дунёга келибдики, орзу-умидлар билан яшайди. Орзулари рўёбга чиқсан одам, албатта, шукр қилиши керак.

Бугунги кунда турли сайтлар ва оммавий ахборот воситаларида 2010 йил охириларида бир қатор араб мамлакатларида содир этилган хунрезлик, норозилик намойишлари ҳақида кўплаб мақолалар эълон қилинмоқда. Уларнинг аксариятида бўлиб ўтаётган воқеаларга субъектив ёндашиш ҳолатлари мавжудлиги сир эмас. Энг ачинарлиси, айrim муаллифлар норозилик намойишлари нега бошқа давлатларда давом этмаётганидан таажжубга тушиб, Марказий Осиё давлатларида ҳукм сурайтган тинчлик, хотирижамликка айри кўз билан қараётганларини яшириб ўтираётганлари ҳам йўқ.

Бундай мақолаларни ўқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар моҳияти нимада эканига, ҳар бир фуқаро, ёшу қари бирдам бўлиб, юрт тинчлиги учун бор куч-ғайрати билан меҳнат қилаётганига яна бир карра имон келтириб, шукр қиласан киши. Чунки ҳалқимизнинг бирдамлиги

отамерос, азал-азалдан бир-бири билан ахил, иноқ қон-қардош бўлиб яшагани, қўни-қўшничилик, биродарлик, сабр-қаноат, борига шукр қилиш менталитетимизга сингиб кетгани бор ҳақиқат.

Фарб дунёсидаги эгоцентризм ғоялари билан сугорилган яшаш тарзи бизга бутунлай ёт тушунча. Фақат ўзим бўлай деб яшаш, ҳатто ўз фарзандининг ҳам келажаги билан қизиқмаслик бизнинг тасаввуримизга сиғмайди. Қатор араб давлатларида бўлаётган ўзаро тўқнашувлар ношукурчилик оқибати экани муаллифларнинг хаёлига ҳам келмаётгани барчамизни ташвишга солиши табиий.

Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами беқиёс. “Мустақиллик бизга нима берди?” деган саволга жавобан озодлик, баҳт-саодат, катта имкониятлар берди, деб баралла айтишга ҳақлимиз. Тўғри-да, биз – ўрта ёшдагиларга, Яратганга беадад шукроналар бўлсин, икки замонда ҳам яшаш насиб этди. Таққослаш учун бизнинг ёшдаги одамларда далиллар жуда кўп. Оддий бир мисол. Ёшлигимда шаҳарга бориб келиш учун йигирма беш чақирим йўлга бир кун вақтимиз кетар эди. Эрталаб кетиб, қоронғи тушганда уйга чарчаб-ҳориб келар эдик. Энди-чи? Остонамизда ҳар дақиқада “Дамас”, “Матиз”, “Нексия” автомашиналари хизматга тайёр...

Бундан тўйт-беш йил бурун оғир бетоб бўлиб қолдим. Шунда фарзандларим, оиласи, уларнинг келажаги ҳақида қаттиқ ўйга тушдим. Шу ёшга кириб юртим учун бир савобли иш қилолмаганимдан афсусландим. Аллоҳга беадад шукр, тиббиёт ходимларининг жонкуярлиги туфайли соғлигим тикланди, ишга қайтдим. Шу орада фарзандларим бирин-кетин олий ўқув юртларига кириб, таҳсил ола бошлашди.

Яна бир бора шукр қилдим. Ўзимга аҳд қилдим, бор кучимни фарзандларим тарбиясига бағишлийман. Уларни элим, халқимга нафи тегадиган, жонкуяр, меҳнаткаш қилиб тарбиялашни ўзимга бош вазифа қилиб белгиладим.

Юртбошимиз 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида: “**Юз йилдан кўпроқ вақт ўтгандан кейин, халқимиз янада озод бўлиб, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш, маданиятини бойитиш, маънавий қайта уйғонишни таъминлаш имкониятига эга бўлади**”, деган эдилар. Ўтган йиллар ичида юз йилга татигулик иш қилингани, буларнинг барчасига Президентимиз бош-қош бўлаётганини фаҳр билан айтишимиз мумкин. Тошкент шаҳрида ва барча вилоятлар марказларида қурилаётган иншоотларни айтмайсизми? Жаҳоннинг қудратли мамлакатлари Ўзбекистонни ўзига teng шерик билиб, ишбилармон доира вакилларини юртимизга тинимсиз юбораётгани, 20–25 йиллар бурун ҳеч ким танимаган Ўзбекистонни халқаро анжуманлар ўтказишдан боши чиқмаётгани бор ҳақиқат-ку. Шунинг ўзи Ватанимиз равнақ топаётганидан далолат эмасми? Бунга яна бир бора шукр қиласар эканмиз, ўсиб келаётган ёш авлодни баҳиллик, худбинлик, лоқайдлик, сотқинлик каби нохуш иллатлардан асраш учун бор куч-ғайратимизни аямасдан тарбиявий ишларни тинимсиз олиб боришимиз кераклигини ҳам теран англаймиз. Зоро, борига қаноат қилмасдан, фақат нолиб, тирноқ остидан кир ахтариб, нимага унда бор-у, менда йўқ, қабилида фикр юритувчи ҳасадчилар орамизда бўлмаслиги керак.

Президентимиз “**Юксак маънавият-енгилмас куч**” китобида: “**Одамзод ва жамият ҳаётида**

оғир асоратлар қолдирадиган ҳасад түйгуси авваломбор, бошқаларни күролмаслик, улар-нинг ютуғидан қувониш ўрнига, қандайдир күйиниши, ичиқоралик оқибатида пайдо бўлади” (120-бет); “Азал-азалдан очиқ қўнгил, самимий ва меҳнаткаш, яхшиликни юксак қадрлайдиган ҳалқимиз бундай иллатлардан доимо ҳазар қилиб келади. Лекин, минг афсуски, умр йўларида ҳасад балосига кўп дуч келамиз. Олис ва яқин тарихимизда не-не буюк зотлар ҳасад ва баҳиллик, күролмаслик туфайли қандай азоб ва уқубатларни бошидан кечиргани, соғлиги, ҳатто ҳаётидан жудо бўлганини аччиқ мисолларда кўриш мумкин” (121-бет), деб куюниб ёзгани айни ҳақиқат.

Ҳасадгўйлик – энг жирканч маънавий иллат. Бир қарашда ҳасадгўй сизга хайриҳоҳ бўлиб кўринади, зимдан сизни кузатади, озгина эришган муваффақиятингиз унга тоғдай бўлиб кўринади. Мабодо ишингиз орқага кетгудек бўлса, у қувонади. Ундей кимсаларга рўпара бўлишдан Яратганинг ўзи асрасин.

Бугунги шукроналик замонларда борига қаноат қилмасдан, жиноят йўлига кираётган ёки бирорвнинг ютуғини күролмасдан, унга ёмонлик қилиш пайида юрганлар ҳам йўқ эмас. Бундай инсонлар нафақат ўзига, балки бошқаларга ҳам жабр қиласи. Бирорвнинг молига тажовуз қилиш, күролмаслик оқибатида одамлар орасида аҳиллик йўқолади, фисқу фасод, фитна ортади. Бундай инсонларни дин ҳам қоралайди.

Шарқ маънавий оламида ўзидан муносиб ном қолдирган ватандошимиз, йирик мутасаввиф олим Абдухолик Фиждувоний ҳазратларининг қўйидаги тўртлигига ҳам ҳасаддан сақланишга буюрилган:

Аз бухл бижуй дурий, эй марди Худо,
 В-аз хулқи бади ҳасад ҳаме бош жудо.
 Бояд на бахил, боший ва на ҳосид,
 Ки ҳар ду раванд суйи дўзах фардо.

Маъноси:

Эй марди Худо, бахиллиқдан узоқ бўл,
 Ёмон хулқ ҳасаддан ўзингни сақла.
 Бахил ҳам бўлма, ҳасадчи ҳам бўлмагин,
 Ҳар иккисининг жойи эртага дўзахдир.

Бугунги кунда кўзга кўринмайдиган, инсон учун
 ниҳоятда хатарли бўлган маънавий таҳдидлардан яна
 бири бепарволик ва лоқайдликдир. Жамиятда бепар-
 во, лоқайд кимсалар борлигининг ўзиёқ тараққиётга
 жиддий хавф солади.

Биргина мисол, юртимиз гўшаларидан оқиб
 ўтаётган зилол сувлар ифлосланиб кетаётгани ло-
 қайдлик, бепарволик оқибати экани кундай рав-
 шан. Луқмони Ҳакимдан сўрадилар: “Одамларнинг
 энг ярамаси, энг ёмони ким?” У киши айтдилар:
 “Одамларнинг ёмонлик қилаётганини кўра туриб,
 кўрмасликка олгани, бепарво, лоқайд бўлганидир”.

Мавзуумиз асоси бўлган шукроналикка яна қай-
 тадиган бўлсак, ёши улуғ кексаларимизнинг: “Ярат-
 ганига, берганига шукр”, дейишида катта ҳикмат
 бор. Ахир, шукроналик бор жойда хайр-барака, хайр-
 барака бор жойда осойишталик бўлади, деб бежиз
 айтилмаган. Юртимиздаги мўл-кўлчилик, тинчлик-
 тутувлик, осойишталикка кўз тегмасин.

Инсонгагина хос бўлган шукроналик фазилати-
 ни ўсиб келаётган ёшларимизга ҳар дақиқада, ҳар
 соатда сингдириб боришимиз керак. Энг аввало,
 шукроналик фазилатини ҳар бир инсон ўзида ҳис

этиши лозим. Зеро, шукроналик ҳар бир инсоннинг, қолаверса, ҳар бир маънавий-маърифий ишлар тарғиботчиси бўлган зиёлиниң қалбига жо бўлсагина бошқаларга ўрнак бўла олади.

Хулоса қилиб айтсак, юртимизда ҳар бир фуқаронинг онгига шукроналик фазилатини сингдирив бориш учун Юртбошимиз раҳномалигида босқичма-босқич амалга оширилаётган оламшумул ишлар, воқеаларни рақамларда, аниқ мисоллар билан оиласда, ўқув даргоҳларида, ишхоналарда, кўча-кўйда бўладими, телекўрсатувлар, радио эшииттиришлар, газета-журналлар саҳифалари орқалими, кенг тарғиб-ташвиқ этиш юртини, элини севувчи ҳар бир зиёлиниң муқаддас вазифасидир.

Анвар ЯХШИЕВ,
*Миллий ғоя ва мафкура
илемий-амалий маркази бош мутахассиси*

АСРАБ-АВАЙЛАНАДИГАН ОЛИЙ НЕЪМАТ

2012 йил 31 август. Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуида Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизни хотирлаш маросими ўтказилди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Ўтганлар хотираси ҳурматланиши керак. Бугунги нурафшон кунларни орзу қилган, шу йўлда ўз ҳаётини ҳам аямаган ватандошларимизни ёд этар эканмиз, эзгулик тантанасига яна бир бор амин бўламиз. Шаҳид кетган ватандошларимизни эслаганимизда, улар орзу қилган, улар учун бир умрлик армон бўлиб қолган, бугунги авлодларга насиб этган эркин, обод ва фаровон ҳаёт моҳияти ва аҳамиятини янада чуқурроқ англаймиз.

Тарихини билмаган, ўзлигини англамаган халқнинг келажаги йўқ. Шу боис мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асраш, мустаҳкамлаш, Ватанга садоқат сингари муқаддас тушунчаларни ёшларимиз онгига чуқур сингдириш даркор. Улар оқни қорадан, ҳақни ноҳақдан ажратса олсин. Зоро, ватанпарварлик ғояси онгига чуқур муҳрланган, дунёқарashi кенг, ҳар жиҳатдан билимли, зукко, ҳамиша огоҳ авлодниғаним енголмайди.

Шу маънода “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуида бунёд этилган “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи юртдошларимизни, айниқса, навқирон авлодни тарихимизни яхши ўрганиш ва ундан сабоқ чиқариб, ҳозирги дориломон кунлар қадрига етиб яшашга ундовчи масканлардан биридир. Музейдаги экспонатлар мунтазам равишда янгиланиб, унинг хазинаси ўша давр руҳини акс эттирадиган буюм, жиҳоз ва маълумотлар билан бойитиб борилмоқда. Бу ерда мустабид тузум шоҳиди бўлган кекса авлод вакиллари билан учрашувлар, тарих, маънавият дарсларини ўтказиш яхши анъанага айланган.

Давлатимиз раҳбари уламолар, жамоатчилик вакиллари билан сухбатда тарихий хотира, мамлакатимиизда мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқлар, эл-юртимиз ҳаёти, одамларимиз турмуш тарзи, онгу тафаккурида рўй берган ўзгаришлар, жаҳондаги сиёсий, ижтимоий-иктисодий вазият, дилимизни ғаш қиласиган, барчага таҳдид соладиган нохуш воқеалар, можаралар ва Афғонистон муаммосига тўхталаркан, яна шундай деди: “Улуғ неъмат – мамлакатимииздаги тинчлик ва осойишталиктан хотиржамликка берилиш, огоҳлик ва сезигрликни йўқотишга мутлақо ҳақимиз йўқ. Тинчлик ва осойишталикни асрраб-авайлаш, ҳимоя қилиш фақат муайян соҳалар ходимларининг вазифаси, деганлар қаттиқ янглишади. Бу йўлда барчамиз, бутун ҳалқимиз янада жипс бўлиб, ҳамжиҳатлиқда ҳаракат қилишимиз керак. Ўз уйингни ўзинг асра, деган гапда ҳикмат кўп, унинг маъноси кенг. Зоро, тинчлик учун курашиш керак, уни ҳеч ким яратиб бермайди.

Халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етиш, дунёнинг турли мамлакатларида кечётган ўзгариш ва

воқеалар хусусида, уларнинг асл сабабларини тушунтириш ишларини олиб боришида имом-хатибларнинг ҳам ўрни ва аҳамияти катта бўлмоғи зарур. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги имом-хатиблар бундан 15-20 йил олдингиларидан жиддий фарқ қиласди. Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуаси қошида ташкил этилган ўқув маркази бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун дин вакиллари ҳам юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаб, ён-атрофда содир бўлаётган воқеалардан доим хабардор, огоҳ бўлиб бормоқдалар.

Шу азиз Ватанимизни кўз қорачигидек асраш, унинг тинчлиги ва барқарорлигини ҳимоя қилиш, салоҳиятини янада юксалтириш барчамизнинг, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчиdir”.

2011 йили Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларида “араб баҳори” – оммавий норозиликлар ва давлат тўнтаришларини ташкил этишда ижтимоий тармоқлар катта иш кўрсатганини бугун кўплаб таҳлилчилар, тартибсизликларнинг бевосита иштирокчилари ва жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда.

Тунис. 2010 йил декабрда Сиди-Бузид шаҳрида ғалаён бошланиб, кейин бошқа шаҳарларни ҳам қамраб олди. Бу қирғин ва талончиликка, полиция, армия билан тўқнашувга айланниб кетди. Секин-аста четнинг аралашуви билан тартибсизликлар шиори сиёсий шиорларга айланди, намойишчилар ҳукумат ва президент истеъфосини талаб қила бошладилар.

2011 йил январининг ўрталарида 23 йил мобайнида Тунисда узлуксиз президентлик қилган Зайн ал-Обидин ибн Али ўз ваколатидан воз кечиб, мамлакатни тарқ этди. Мамлакатга парламент спикери Фуад ал-Мабзаа бошчилик қилди ва амалдаги

бош вазир Мұхаммад ал-Ганнушийга ўтиш даври ҳукуматини шакллантиришни топширди.

Аммо хорижлик фитначилар таъсирида оммавий тартибсизликлар давом этди – намойишчилар ағдарилған режим вакиллари ҳокимиятда қолганини таъкидлашди. Натижада, илгариги ҳукмрон “Демократик конституциявий бирлик” партиясининг фаолияти түхтатилди. Февралнинг охирида бош вазир Мұхаммад Ганнуший ҳам истеъфога чиқды.

БМТ маълумотларига кўра, “ясмин инқилоби” дея ном олган тартибсизликлар чоғида 200 дан ортиқ киши қурбон бўлган ва 500 дан ортиқ киши яраланган. “Франс Пресс” агентлиги хабарига қараганда, мамлакат иқтисодиёти 1,6 млрд доллар зарар кўрган.

Айрим ОАВлари Тунисдаги воқеаларни “твиттер-инқилоб” деб атадилар, чунки мухолифатчилар ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун ижтимоий интернет-сайтларидан фойдаланишган, WikiLeaks эса Тунис ҳукуматини обрўсизлантирувчи маълумот эълон қилган. Ушбу сайтлар таъсирига баҳо берар экан, РИА “Новости” 2011 йил январидаёқ улар ёрдамида “бемалол инқилоб уюштириш мумкин” лигини қайд қилган эди.

Тунисда аввал бошда баъзи “исёнкор газеталар” ёпиб қўйилди ёки назоратга олинди, журналистлар қамоқقا ташланди, телевидениега намойиш ва ғалаёнларни кўрсатиш тақиқланди. Аммо янги бир тармоқ – Twitter, Facebook ва YouTube ҳақида унутиб қўйишид. Айнан шулар воқеа жойидан хабар бериб, қаерга бориш кераклиги, қаерда қўшимча кучларга эҳтиёж борлиги, жойларда нималар бўлаётгани ҳақида маълумот бериб туришди.

Шунга қарамасдан, Тунис ҳукумати интернет назоратини амалга оширди. Мамлакатдаги фаол исён-

чилардан бири Башир Благуйнинг сўзларига қўра, у ташкил этган Freetunisia.org мухолиф сайтига кириш 12 соатдан кейин ёпиб қўйилган. Шундан кейин Благуй айнан шундай номдаги иккинчи Facebook ижтимоий тармогини расмийлаштириди, у ҳам тўсилди. Аммо тунислик фойдаланувчилар унга кириш учун маҳсус иловани қўлладилар. Шундан кейин ҳукумат нафақат интернет, ҳатто уяли алоқани ҳам ўчириб қўйди. Аммо кеч бўлган эди...

Миср. 2011 йил январ ойининг охирида оммавий норозиликлар бошланди. Пойтахт Қоҳира ва бошқа шаҳарларда ўн минглаб намойишчилар иқтисодий вазиятни яхшилаш ҳамда сиёсий эркинликлар берилишини талаб қилди. Полиция кўздан ёш оқизувчи газдан ва сув қуролидан фойдаланди. Тўрт киши ҳалок бўлди.

Хорижлик бузғунчилар таъсирида тартибсизликлар кўлами тобора кенгая борди ва орадан бир неча кун ўтгач, Қоҳира қирғинчилар ва талончилар таъсири остига ўтди, шаҳарни деярли бутунлай тарк этган полиция ўрнини армия эгаллади. Ўттиз йил мобайнода узлуксиз ҳукмронлик қилиб келаётган Ҳусни Муборак ҳукуматни алмаштириди, аммо барибир ҳалқ ғалаёнлари тинчимади. Намойишчилар президентнинг истеъфога чиқишини талаб қилдилар. Февралнинг ўрталарида Ҳусни Муборак ўз ваколатларини яқинда Мисрнинг вице-президенти этиб тайинланган Умар Сулаймонга топшириб, истеъфога чиқди.

Мамлакат парламенти ҳам тарқатиб юборилди ва қарийб бир йил давомида бошқарув Қуролли кучлар олий кенгаши ихтиёрига ўтди. Янги парламент сайловларида мандатларнинг учдан икки қисмини исломий йўналишдаги сиёсий партиялар қўлга ки-

ритди. Хусусан, парламентдаги ўринларнинг деярли ярмини Муборак даврида тақиқланган “Мусулмон биродарлари” ҳаракатининг ўнг қанотини ташкил этувчи “Эрк ва адолат партияси” вакиллари эгаллади. Мисрдаги 2011 йилги қўзғолонлар натижасида 850 нафар киши ҳалок бўлди, бир неча минг нафари яраланди.

Мисрдаги ғалаёнларда Twitter микроблогининг хизмати ва Facebook ижтимоий тармоғининг таъсари, айниқса, яққол намоён бўлди. Яъни, намойишчиларнинг бирор бир лаёқатли раҳнамоси бўлмагани ҳолда, мазкур ижтимоий тармоқлар амалда қўзғолоннинг ташкилотчилари ва йўлбошчилари вазифасини ўташди. Оммавий намойишлар бошланишидан аввал бир неча кун мобайнида мазкур хизматларнинг Миср йўналишида кескин фаоллик кузатилди, қўққисдан кўплаб норозилик гурӯхлари вужудга кела бошлади, қўзғолоннинг муддати – 25 январ санаси ҳам тўsatдан белгиланди.

Интернет-сервис томонидан кутилаётган хавфга Миср ҳукумати Тунисга нисбатан анча жиддий муносабатда бўлди. “Хукуматга қарши кайфиятлар катализатори” сифатида лаънатланган Twitter ва Facebook Мисрда оммавий тартибсизликларнинг иккинчи куниёқ тўсиб қўйилди.

Аммо мухолифатчилар тақиқларни четлаб ўтиш йўлларини топдилар. Жумладан, Twitter сайти ва унингиловалири тўсилганидан кейин ҳам улар Twitter сайтига бевосита мурожаат қилмайдиган четки иловалар ҳамда SMS-хабарлар ёрдамида унда ўз ёзувларини қолдиришга муваффақ бўлишди. Интернет ўчирилгандан кейин, Google компанияси Миср учун маҳсус овозли телефон алоқаси орқали Twitter сервисидан фойдаланиш тизимини ишлаб чиқди.

Ливия. 2011 йил февралининг ўрталарида ижтимоий тармоқлар гижгижлаши билан Ливиянинг шарқий вилоятларида Муаммар Қаззофийнинг истеъфосини талаб қилиб, норозилик ҳаракатлари бошланди. Февралнинг охирига келиб, мухолифатчилар Ливиянинг Муваққат миллий кенгашини шакллантиришди ва давлат раҳбари сайловига тайёргарлик эълон қилишди.

Воқеалар бошланишидан бир ҳафта илгари Ливияда Facebook орқали оммавий намойишлар уюштирилди. Интернет орқали Қаззофий юзлаб миллионларни ўзлаштириб, халқقا эса арзимаган чақа бераётгани, бунга норозилик билдирганлар қурол ёрдамида кескин бостирилгани хусусида ёлғон хабарлар тарқатишди.

Мутахассислар таҳлилига кўра, ғазабланган ливияликларни жунбушга келтириш ва кўчага чиқариш мақсадида WikiLeaks орқали гўё Қаззофийнинг фарзандлари давлатнинг маблағларини ҳавога совураётгани, унинг ўғли эса ўзининг шахсий қуролли отрядларини тузаётгани ҳақида уйдирмалар тарқатилган. Бундан ташқари “Твиттер инқилоби”нинг бутун технологияси фитна кўзғаш учун ишга туширилган.

Март ойида Бельгия, Буюк Британия, Дания, Испания, Италия, Канада, АҚШ, Франция қўшинлари Қаззофий хукуматига қарши ҳарбий ҳаракат бошлашди. Бутун баҳор ва ёз давомида гоҳ у, гоҳ бу тарафнинг қўли баланд келиб турди. Августнинг охирига келиб, ташқаридан қўллаб-қувватланган исёнчилар мамлакат пойтахти Триполи шаҳрини ишғол этди.

Сентябрда Интерпол Муаммар Қаззофийга қидириув эълон қилди. БМТ Бош ассамблеяси 114 овоз билан (17 та қарши, 15 та бетараф) Ливиянинг БМТ-

даги ўрнини Ливия исёнчилар ҳукуматига берди. Октябрда Қаззофий асирга олинди ва жангда олган жароҳатлари сабаб ҳаётдан кўз юмди.

Сурия. 2011 йил март ойининг ўрталарида Суриянинг учта шаҳрида норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Намойишчилар сиёсий эркинлик ва коррупцияга қарши курашни талаб этишди. Дараа шаҳридаги энг йирик намойишни тарқатиб юбориш чоғида учта намойишчи ҳалок бўлди. Шаҳар губернатори истеъфога чиқарилди, аммо бу норозилик ҳаракатларини тўхтатиб қололмади.

Мартнинг охирида Сурия президенти Башар Асад мамлакат ҳукуматини истеъфога чиқарди ҳамда кескин ислоҳотлар бошланганини эълон қилди. Аммо кейинги ой мобайнида ҳукуматга қарши оммавий чиқишлиар бутун мамлакатни, хусусан, унинг пойтахти Дамашқ, Ҳалаб ва Латакия сингари йирик шаҳарларни қамраб олди. Фавқулодда ҳолат бекор қилинганига қарамай, баъзи шаҳарларга қўшинлар ва зирҳли техника олиб кирилди.

Июлнинг ўрталарига келиб норозилик ҳаракатлари иштирокчилари сони миллиондан ошиб кетди. Бу пайтга келиб, Сурияга ва унинг юқори мансабдор шахсларига қарши Европа Иттифоқи, АҚШ ва Швейцария тазийиқ эълон қилдилар, Сурия мухолифатчилари раҳбарлари эса бирлашишди.

Ноябрда Араб давлатлари лигаси (АДЛ) Суриянинг аъзолигини тўхтатди ва мамлакатга қарши қамал эълон қилди. АДЛ аъзолигига тиклашнинг шартларидан бири сифатида Сурияга бетараф кузатувчилар ва журналистларни киритишни талаб этди. Декабрнинг ўрталарида Сурия ҳукумати ушбу шартни қабул қилди. Асосан Сурия армиясидан мухолифатчилар тарафига ўтган солдат ва офицерлардан

ташкил топган Сурия озодлик армияси эса кузатувчилик фаолияти даврида бир томонлама ўт очишини тўхтатишини эълон қилди.

Бироқ шу ойнинг ўзида Сурия мухолифатчилари АДЛ кузатувчиларини нохолисликда ва ҳукуматга ён босишда айблади. Президент Башар Асаднинг мухолифатчилар вакилларини ҳукуматга олиш, буткул янги конституцияни умумхалқ референдумига қўйиш ҳамда кўп partiyaийлик асосида парламент сайловлари ўтказишини ваъда қилишига қарамасдан, қуролли ҳаракатлар давом этмоқда.

БМТ маълумотларига кўра, Суриядаги воқеалар жараёнида ҳалок бўлганлар сони бир неча ўн минг кишидан ошган. Сурия ҳукуматининг таъкидлашича, четдан юборилаётган террористлар томонидан минглаб полициячилар ва ҳарбийлар ўлдирилган.

Сурия мухолифатчиларининг интернет фаоллиги оммавий норозиликлар бошланишидан бир ярим ой олдин кучайган эди. 2011 йил февралининг бошига келиб Facebook ижтимоий тармоғининг “Сурия инқилоби” саҳифасида 13 мингдан ортиқ киши қайд қилинган ҳамда мамлакатда “раҳбарликнинг авторитар услубига”, коррупция ва қашшоқликка қарши норозилик изҳор этиш, шунингдек, мамлакатда 1963 йилдан бўён амал қилиб келаётган фавқулодда ҳолат тўғрисидаги қонунни бекор қилишни талаб этиш мақсадида 4 февралда парламент биноси олдига тўпланишга чақириқ пайдо бўлди.

Аммо вазият Тунис ва Мисрдагидан шуниси билан фарқ қиласардик, Сурия “тармоқ фаоллари”нинг кўпчилиги мамлакатдан ташқарида яшарди ва на мояниш белгиланган кунда парламент олдига тўплланганлар озчиликни ташкил этиб, полиция уларни тезда тарқатиб юборди. Шу воқеадан бир неча

кун ўтгач, мамлакатда уч йил мобайнида илк бор Facebook ва YouTubега киришга рухсат берилди. Аммо Сурия ҳукумати “тармоқ омили”ни эътиборсиз қолдирмади. Хусусан, 2011 йил июн ойи бошида AFP, «Ал-Жазира» ва Google мамлакат пойтахти Дамашқ ҳамда унинг атрофларида, шунингдек, Латакия, Хомс, Дараа, Жебле ва Хасекеда интернет ўчирилганини хабар қилди.

Яман. Яманда ҳукуматга қарши чиқишлилар 2011 йил январ ойининг охирида бошланди. Эртасигаёқ пойтахт Санодаги норозилик намойишларида минг киши қатнашди. Февралнинг бошида мамлакат президенти, 1978 йилдан бўён ҳукмронлик қилиб келаётган Али Абдулла Солих кейинги президент сайловларида иштирок этмаслигини ва ҳокимиятни ўғлига топширмаслигини эълон қилди, аммо кейинчалик у қарорини бир неча бор ўзгартириди.

Бу пайтга келиб мухолифатчи кучлар орта борди ва март ойи ўрталарида Солих мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилди ҳамда ҳукуматни истеъфога чиқарди. Майнинг охирига келиб, қуролли қўзғолонлар пойтахтдаги ҳукумат биносига ҳужум қилишгача бориб етди ва июннинг бошларида президент саройининг тўплардан ўққа тутилиши натижасида Солих яраланди ва даволаниш учун Саудия Арабистонига жўнатилди.

Маълумотларга кўра, Ямандаги тартибсизликлар оқибатида 2011 йилнинг январидан сентябринга қадар 1600 дан ортиқ киши ҳалок бўлган. 2012 йилнинг марта Яман Инсон ҳуқуқлари вазирлиги президент Абу Абдулла Солихнинг истеъфосига олиб келган оммавий намойишлар натижасида жами 2 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган.

Баҳрайн. Баҳрайнда ғалаёнлар чет эл фитначила-ри таъсири билан 2011 йил феврал ойининг ўрталарида бошланди. Аҳолининг кўпчилик қисмини ташкил этув-чи шиалар Ал-Халифа қироллик сулоласи билан дав-лат бошқаруви органларида суннийлар нуфузи ва мав-қеининг ўта юқорилигига қарши норозилик билдириди. Намойишчилар мамлакат пойтахти Манаманинг бош майдони – Марварид майдонида чодирлар ўрнатиб, бир ойга яқин митинглар уюштиришди.

Қирол Ҳамад мухолифатчиларга қисман ён бе-риш йўлидан борди – аммо мухолифатчилар бош-қарувнинг монархия шаклини бекор қилишга қадар янгидан-янги талабларни илгари суришда давом этдилар. Мартнинг ўрталарида Баҳрайнга Саудия Арабистонидан қўшин ҳамда Бирлашган Араб Амир-ликларидан полициячилар таклиф этилди.

Улар намойишчиларни тарқатиб юборишли, мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Ўнлаб кишилар жабрланди, турли маълумотларга кўра, уч кишидан беш кишигача ҳалок бўлган. Шу-нингдек, қурбон бўлган полициячилар ҳақида ҳам хабарлар тарқатилган. Баҳрайндаги тартибсизлик-лар шундан кейин ҳам давом этди.

«Lenta.ru» нинг таъкидлашича, Баҳрайндаги “но-розилик намойишларида яққол кўзга ташланувчи раҳбарнинг ўзи бўлмаган”. Кўчага чиқишига чақириқ эса интернет орқали тарқатилган. Воқеаларни на-мойиш қилишда ҳам интернетдан фойдаланилган, “Баҳрайн телевидениеси эса кўча ғалаёнларини намойиш этишига нолойиқ деб ҳисоблаган”. Бошқа маълумотларга кўра, ҳукумат барибир мухолифат-чиларнинг олтига раҳбарини топган ва қамоқقا олган. Улардан бири сиёсий жамиятнинг раҳбари бўлиб чиқсан.

Оммавий ахборот воситаларида “араб баҳори” түнтаришлари ҳақида ҳар хил мулоҳазалар билдирияпти. Бу ўринда улардан ҳақиқатта яқин иккитасини келтирамиз:

«Utro.ru» Британиянинг The Daily Telegraph га ҳавола қилган ҳолда ёзиича, “америкаликлар минтақадаги турли давлатларда сўнгги пайтда соидир бўлган норозилик ташкилотчиларини аллақачонлардан буён, жумладан, “тармоқ маконида” ҳам кўллаб-қувватлаб келмоқдалар”. Интернетнинг Миср тармоғига келадиган бўлсак, улар бу түнтаришларни тўғридан-тўғри америкаликларнинг маҳсус операцияси деб аташмоқда.

Халқаро Евроосиё ҳаракати йўлбошчиси, Москва Давлат университетининг халқаро муносабатлар социологияси кафедраси мудири Александр Дугин ҳам шундай фикрда: “Агар араблар тажрибасини таҳлил қиласиган бўлсак, Фарбнинг таъсири ҳаммадан юқори бўлган анчайин американпараст иккита мамлакатни кўрамиз – булар Миср ва Тунис. Рангли ва “твиттер” инқилоблар айнан шуларда бошланди. Нега шундай бўлди? Чунки буни амалга ошириш осон эди. Улар америкаликлар, ғарбликлар осонгина суқилиб кира оладиган ҳудудда бошланди ва осонликча таслим бўлмайдиган Ливия ва Суриядаги тўқнашувларда ниҳоясига етди”.

МУНДАРИЖА

Усмонхон АЛИМОВ.	Тинчлик ва осойишталик – олий неъмат.....3
Шайх Абдулазиз МАНСУР.	Бузғунчи оқимларнинг соҳта даъволарига раддиялар.....11
Абдураззок ЮНУСОВ.	Қалб даъвати билан.....21
Айдарбек ТУЛЕПОВ.	Юқори баҳо ва юксак масъулият.....24
Тинчлик ва тотувлик – тарақкиёт омили.....30	
Убайдулла УВАТОВ. Шавкат ҲАЙИТОВ.	Ўзбекистон – диний бағрикенглик замини.....39
Муҳаммадназар ҚАЮМОВ.	Хотиржамлик – баҳтли ҳаёт ифодаси.....47
Абдулҳамид ТУРСУНОВ.	Эътиқодга хурмат ва эҳтиром.....50
Жалолиддин НУРИДДИНОВ.	Эл-юрт фаровонлитининг мустаҳкам асослари.....54
Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ.	Чўзилган баҳор ёхуд “араб баҳори” ҳақида.....57
Келгинди “баҳор”.....62	
Шавкат ТҮРАЕВ.	Араб баҳори.....76
Отабек БОЗОРОВ.	Бугунги қуннинг энг долзарб вазифаси....79
Ойбек МУСУРМОНҚУЛОВ.	Ахборот уруши ва “fleshmob” воситасида мағкуравий таҳдид.....101
Шахноза АКРАМОВА.	XXI асрдаги замонавий инқилоблар: мазмуни, сабаби, оқибатлари.....115
Гулом НАЗРУЛЛАЕВ.	Шукроналик.....124
Анвар ЯҲШИИЕВ.	Асраб-авайланадиган олий неъмат.....130

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ
МИЛЛИЙ ФОЯ ВА МАФКУРА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

**ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК –
ОЛИЙ НЕЪМАТ**

<i>Масъул муҳаррир</i>	Шайх Абдулазиз МАНСУР
<i>Муҳаррирлар</i>	Шариф ХОЛМУРОДОВ, Абдул ЖАЛИЛ ХЎЖАМ
<i>Саҳифаловчи</i>	Толибжон ҚОДИРОВ
<i>Матн терувчи</i>	Юлдуз КОМИЛОВА
<i>Мусахъиҳа</i>	Нодира ОХУНЖОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: АI 146. 2009.14.08.

Босмахонага 2013 йил 23 майда берилди. Босишига 2013 йил 24 майда рухсат этилди. Офсет қозози. Қоғоз бичими $84 \times 108 \frac{1}{32}$.

Харф гарнитураси PT Serif. Офсет босма усули.

Хисоб-нашриёт т.: 9,0 Шартли б. т.: 4,9 Адади: 3000 нусха.

_____ -сон буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

“Movarounnahr” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.

Электрон почта: m-nashr@yandex.ru.

Тел: (8-371) 227-34-30

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
босмахонасида чоп этилди.

100128, Тошкент шаҳар Шайхонтохур кўчаси 86-уй.